

هداية الناشئين في القرآن الكريم والتهديب والدين

مؤلف:

محمود محمد حمزة ومصطفى سقا

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Оламларнинг Рабби Аллоҳ таолога ҳамду санолар ва набийларнинг охири саййидимиз Муҳаммад алайҳиссаломга саловат ва саломлар бўлсин!

Бу китоб Қуръони карим, одоб-ахлоқ ва дин дарсларини ўз ичига оладиган ҳадис манҳажига кўра ёзилган бўлиб, у мадрасанинг биринчи босқич талабалари учун Маориф вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Бу китоб ёш ўсмирларни тўғри йўлга етакловчи бўлиши учун, унда ибораларнинг энгил бўлишини ва маънонинг очиқ-ойдин бўлишини мақсад қилдик.

Бу китоб 1937-йил Маъориф вазирлиги эълон қилган мусобақада биринчиликни қўлга киритгани учун унинг мадрасаларда ўқитилишига қарор қилинди.

Аллоҳ таолодан бу китоб фойда, тавфиқ беришига ва уни осон қилишига мадад сўраймиз.

Маҳмуд Муҳаммад Ҳамза ва Мустафо ас-Сақо

1 – Қуръони карим

ЖУМА СУРАСИ 9-11-ОЯТЛАР

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ

Эй, имон келтирганлар! Қачонки, жумъа кундаги намозга (азон) чақирилса, дархол Аллоҳнинг зикри сари (имом хутбасини тинглаш учун) ҳаракатга тушингиз ва савдо-сотикни тарк қилингиз! Агар биладиган бўлсангиз, мана шу (иш) ўзларингиз учун яхшидир.

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ وَاذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

Бас, қачонки, намоз адо қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи) дан истайверингиз! Аллоҳни кўп ёд этингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз.

وَإِذَا رَأَوْا تِجَارَةً أَوْ لَهْوًا انفَضُّوا إِلَيْهَا وَتَرَكُوكَ قَائِمًا قُلْ مَا عِنْدَ اللَّهِ خَيْرٌ مِنَ اللَّهْوِ وَمِنَ التِّجَارَةِ وَاللَّهُ خَيْرُ الرَّازِقِينَ

Қачонки, улар бирор тижоратни ёки беҳуда ишни кўриб қолсалар, ўша томонга тарқалиб кетиб, Сизни (минбарда) тик турган ҳолингизда тарк этурлар*. Айтинг: «Аллоҳ ҳузуридаги нарса (мукофотлар) беҳуда ишдан ҳам, тижоратдан ҳам яхшироқдир. Аллоҳ ризқ берувчиларнинг яхшисидир».*Мадинада жумъа намози олдидан Расул (а.с.) минбарда хутба айтиб турганларида тижоратчилар карвони юк билан келиб қолади. Буни сезган намозхонларнинг кўпчилиги намозни тарк этиб, карвон сари кетиб қоладилар.

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларнинг шарҳи

Оят лафзлари

Муаззин жумага азон айтса

نُودِيَ لِلصَّلَاةِ

Бас, шошинглар

فَاسْعَوْا

Ва тарк қилинглар

وَذَرُوا

Адо қилинса	فُضِيَتْ
Нажот топсангизлар	تُقْلِحُونَ
(Сени ташлаб) тижорат томон кетадилар	انْقَضُوا إِلَيْهَا
Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги савоб	مَا عِنْدَ اللَّهِ

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Аллоҳ таоло мусулмонларга муаззин жума намозига чақирганини эшитганларида масжидларга шошилишларини, савдо-сотик ва олди-берди каби барча муомалаларини тарк қилишни буюрди. Чунки, улар жума намозига ҳозир бўлишларда яхшиликка чақирадиган ва ёмонликдан қайтарадиган хутбаларни эшитиш, инсонлар орасида муҳаббат ришталарини мустаҳкамлаш ва қиёмат кунида Аллоҳ таолонинг савоби борлиги каби жумага шошилишнинг фойдаси кўп.

2. Улар намозларини адо қилиб бўлгач, Аллоҳ таоло уларга ер юзида тарқалишни ва ўзаро муомала ишларида давом этишларини мубоҳ қилди. Уларнинг ризқларига барака берилиши ва дунё-ю охиратда яхшилик ва саодатга эришишлари учун уларни тижорат ва савдо-сотик каби ишлар Аллоҳ таолонинг зикридан чалғитмаслиги керак.

3. Оятнинг озирида Мадина аҳлининг баъзиларига иътоб бор. Ўша пайтда Мадина аҳлига очлик ва қимматчилик мусибати етган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жума куни хутба қилиб турганларида, савдогарлардан бири Шомдан савдо молларини олиб келди. Шунда Мадина аҳли одатларига кўра ноғораларини чалиб, ҳалиги савдогарни қарши олди. Хутба эшитиб ўтирганларнинг аксари савдогар олиб келган молнинг тугаб қолишидан кўрқиб, пайғамбаримиз алайҳиссаломни тарк қилдилар. Масжидда у зот билан ўн икки кишидан бошқа ҳеч ким қолмади. Аллоҳ таоло уларнинг бу ишларини хунук санаб, уларга Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги савоб

ноғораларнинг овозини эшитиш каби бекорчиликдан ва тугашидан қўрқаётган тижоратларидан яхши эканини баён қилди. Чунки Аллоҳ таолонинг савоби шак-шубҳасиз доимо муҳакқакдир. Демак, ҳар бир инсон Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги яхшиликларни инсонлар қўлидаги нарсалардан афзал билишлари лозим.

Одоб бериш ва насихат қилиш:

1. Жума намозига азон айтилган пайтда намозга шошилиш вожиблиги;
2. Албатта, жума куни мусулмонларнинг жамланишида кўп фойдалар бўлгани учун у – ўйин кулги ва тижорат каби дунё ишлари билан машғул бўлишдан яхши эканлиги;

БАҚАРА СУРАСИ 183-186-ОЯТЛАР.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат) ларга фарз қилингани каби* сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз.

*Бу оятдан маълум бўладики, рўза тутиш ибодати Одам алайҳиссаломдан бошлаб, то Муҳаммад алайҳиссаломгача ўтган барча пайғамбар ва умматларга фарз қилинган экан. Лекин рўза тутишнинг шарт ва қоидалари турлича бўлган. Айрим умматлар Рамазон ойи ёзнинг иссиқ кунларига тўғри келиб қолганида Аллоҳдан ёки Унинг пайғамбаридан беижозат шаккоклик ила уни бошқа ойларга кўчириб, бу қилмишларининг жаримаси учун ўзларича яна ўн кун қўшимча рўза тутишган. Сўнгра подшоҳларидан бири бемор бўлиб, агар тузалиб кетсам, рўзага яна етти кун қўшиб қўяман, деб назр қилади. Тузалгач, рўзанинг муддати унинг қўшимчаси билан 47 кунга айланади. Ундан кейинги подшоҳ яна уч кун қўшгач, 50 кун бўлган (Хз.).

أَيَّامًا مَعْدُودَاتٍ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدْيَةٌ طَعَامٍ مِسْكِينٍ فَمَنْ تَطَوَّعَ

خَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ وَأَنْ تَصُومُوا خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ

Саноқли кунларда*. Бас, сизлардан кимки бемор ёки сафарда бўлса, саноғи бошқа кунлардандир. Мадори етмайдиганлар зиммасида бир мискин кимсанинг (бир кунлик) таоми фидядир. Кимки ихтиёрий равишда зиёда хайр қилса (лозим бўлганидан ортиқ фидя берса), ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз (фидя бериб тутмаганингиздан) яхшироқдир**

* Саноқли кунлар – бу Рамазон ойи кунларидир.

**Рўза тутиш ёки тутмасдан фидясини тўлаш ихтиёрий бўлган. Лекин бу ҳукм кейинроқ бошқа оят билан бекор қилиниб, узрсиз кишига рўза тутиш “фарзи айн”га айланган.

شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ فَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ وَمَنْ كَانَ مَرِيضًا أَوْ

عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ وَلِتُكْمِلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَاكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ

Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи* ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир. Бас, сизлардан ким бу ойда (ўз яшаш жойида) ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Кимки бемор ёки сафарда бўлса, (тута олмаган кунларининг) саноғи бошқа кунлардандир. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди. Бу – ҳисобни тўлдиришингиз ҳамда ҳидоятга бошлагани учун Аллоҳга такбир (хамду сано) айтишингиз ва шукр қилишингиз учундир.

*“Ажрим этувчи” ибораси бу ерда ҳақиқат билан сохталик, яхшилик билан ёмонлик, савоб билан гуноҳ ўртасидаги фарқни белгилаб берувчи ҳакам маъносидадир.

وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي وَلْيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ

Сиздан (эй, Мухаммад!) бандаларим Менинг хақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман. Бас, улар ҳам Мени (даъватларимни) ижобат (қабул) этиб, Менга имон келтирсинлар, шояд (шунда) тўғри йўлга тушиб кетсалар*.

*Оятда мўминлар учун улкан башорат бордир. У ҳам бўлса дуо ва илтижо қилувчиларнинг сўровларини ато этишга берилган илоҳий ваъдадир.

Оятдаги лафзлар шарҳи

<i>Оят лафзларининг шарҳи</i>	<i>Оятдаги лафзлар</i>
Фарз қилинди...	كُتِبَ
Сизлардан олдин ўтган умматларга...	مِن قَبْلِكُمْ
Рўзани ўзларингизга маъсиятлардан қалқон қилишларингиз учун...	لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ
Оз кунлар, чунки оз кунларни санаш осон бўлади...	مَعْدُودَاتٍ
Рўза қийнайдиган 81 км дан узоққа сафар қилсангизлар	عَلَى سَفَرٍ
Унинг зиммасида бир неча кун тутиш бор...	فَعِدَّةٌ
Рўзани ёши катталар каби машаққат ила кўтарадиганлар..	يُطِيقُونَهُ
Эваз	فِدْيَةٌ
Фидя берганда ўз ихтиёри билан кўпроқ берса...	تَطَوُّعٍ
Ўша ойда Қуръони каримнинг нозил бўлиши бошланган...	أُنزِلَ فِيهِ
Ояиқ-ойдин оятлар...	بَيِّنَاتٍ

Қуръон, у ҳақ ва ботил орасини ажратиб тургани учун ҳам “фурқон” деб номланди...	الْفُرْقَانِ
Муқим бўлса, мусофир бўлмаса...	شَهَادَ
Енгил қилишни...	الْيُسْرَ
Рамазон ойи кунларининг саноғини...	الْعِدَّةَ
Аллоҳни ҳамду сано ила улуғлашларингиз учун...	تُكْرِمُوا اللَّهَ
Мен уларнинг дуоларини ижобат қилганимдек, улар ҳам Менинг иймон ва тоатга чақириғимга ижобат қилсинлар...	فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي
Ҳидоят топсалар...	يُرْشِدُونَا

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Аллоҳ таоло мусулмонлардан олдин Яҳудий ва Насроний умматларига рўзани фарз қилганидек, рўза уларни маъсиятлардан сақловчи бўлиши учун уларга ҳам йилнинг оз кунлари (рамазон кунлари)да рўзани фарз қилганини баён қилди. Дарҳақиқат, рўза тутишда нафсга қаҳр қилиш ва рўза тутиш асносида уни маъсиятлардан кўрқитиш бор. Рўзадор инсон нафсини ўз иродасига бўйсиндиришга одатланади.

2. Кимики, рўза тутиш зарар қиладиган касал билан касалланса, яъни касалнинг зиёда бўлиб кетишидан ёки касалнинг тузалиши кечикишидан ёки қаттиқ машаққат содир бўлишидан кўрқса, ёки 81 километрдек узоқ йўлга сафар қилувчи бўлса ва шу сабабли оғзини очса, у рамазон ойида рўза тутмаган кунларини бошқа ойда тутиб бериши лозим бўлади.

3. Кексалик ёшига етганлар ёки тузалиши мумкин бўлмаган касал билан касал бўлганлар каби рўзани қатта машаққат ила тутадиганлар оғизларини очиб, ҳар бир куни эвазига бир фақирни таомлантириши жоиз. Ким кунига бир

факирдан кўпини таомлантурса, унга ўз ихтиёри ила қилган яхшиликлари ва савоблари қайтади.

4. Рўза тутмай оғизларини очиши жоиз кишиларга рўза зарар қилмайдиган бўлса, рўза тутиши унга афзалдир. Чунки у зиммасидаги вожибни ўз вақтида адо қилиш билан бирга Аллоҳнинг амрига бўйинсунаётган бўлади.

5. Аллоҳ таоло бизларга рамазон ойида рўза тутишни фарз қилди. У ойни бошқа ойлардан афзал қилди. Чунки бу ойда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони каримнинг яхшиликка ҳидоят қиладиган, ҳақ ва ботил орасини ажратадиган очикдан-очик оятлари инсонларни ҳидоятга бошловчи бўлиб, нозил бўла бошлади. Ким бу ойда ҳозир бўлса, унга рўза тутиши лозим ва лобуддир. Бундан мазкур икки киши – мусофир ва касал мустаснодир. Уларга енгиллик бўлиши учун бошқа кунларда тутишлари жоиз. Чунки Аллоҳ таоло бандаларига раҳмдил. Улар фарз амалларни мукамал тарзда амалга оширишга қодир бўлишлари учун Аллоҳ таоло уларга фарзларни адо қилишни енгил қилиб қўйди. Ўз навбатида бандалар ҳам Аллоҳ таоло уларни ҳидоят қилгани ва фарзларни бажаришга имкон яратиб бергани учун У зотга ҳамду санолар айтадилар ва кўплаб неъматлари эвазига шукр қиладилар.

6. Аллоҳ таоло бандаларининг амалларидан хабардордир, уларнинг аҳволини билиб турувчидир, уларнинг дуоларини эшитади ва уларни амалларига кўра жазолайди, У зотдан сўраганларнинг дуосини ижобат қилади. Инсонлар зиммасида иймонга даъват қилинганда “лаббай” дейишлари ва Аллоҳ таоло уларни ҳақ ва ҳидоятга бошлашлари учун доимо тоатда бўлишлари вожиб.

Одоб бериш ва насихат қилиш:

1. Мусулмонларга рамазон ойида рўза тутиш вожиблиги;
2. Рўза тутишда нафсга кўплаб маъсиятларни қилишдан зажр қилиш борлиги;
3. Ислом дини енгиллик дини, енгилк қилиш ва раҳмат дини эканлиги;

ИСРО СУРАСИ 23-30 ОЯТЛАР.

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِمَّا يَبُلُغَنَّ عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفٍّ وَلَا تَنْهَرْهُمَا وَقُلْ لَهُمَا

قَوْلًا كَرِيمًا

Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!...» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!*

*“Уларга ёқимли сўз” деганда ота-онани номи билан чақирмаслик, балки “отажон, онажон” каби сўзлар билан ёш гўдакларга хос муомала қилиш, уларни ранжитадиган гапларни гапирмаслик, улар олдида ўзини қул ёки чўрилардек тутиш кабиларни тушиниш керак (Мд. Хз.).

Ибн Масъуд ва Убай ибн Каъб (рз.)лар ўзлари учун кўчириб олган Қуръон нусхаларида “амр этди” жумласи ўрнига “тавсия этди” деб ёзилган. Лекин машҳур қироатда “қазо”, яъни “амр этди” дея битилган (Қр.).

وَاخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذُّلِّ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيْتَنِي صَغِيرًا

Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: «Эй, Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!»

رَبُّكُمْ أَعْلَمُ بِمَا فِي نُفُوسِكُمْ إِنْ تَكُونُوا صَالِحِينَ فَإِنَّهُ كَانَ لِلْأَوَّابِينَ غَفُورًا

(Эй, инсонлар!) **Раббингиз дилларингиздаги нарса (сир) ларингизни яхши билувчидир. Агар сизлар солиҳ бўлсангиз, албатта, У тавба қилувчиларни мағфират этувчидир.**

وَأْتِ ذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ وَالْمِسْكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ وَلَا تَبْذُرْ نَبْذِيرًا

Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг* ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг!

* Маҳрам бўлган мухтож қариндошга нафақа, мискин ва йўловчига закот бериш билан ҳақлари адо этилади (Мд.)

إِنَّ الْمُبَدِّرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ الشَّيَاطِينِ وَكَانَ الشَّيْطَانُ لِرَبِّهِ كَفُورًا

Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди.

وَأَمَّا تُعْرِضَنَّ عَنْهُمْ ابْتِغَاءَ رَحْمَةٍ مِنْ رَبِّكَ تَرْجُوهَا فَقُلْ لَهُمْ قَوْلًا مَيْسُورًا

Агар Сиз Раббингиз (томони)дан бўладиган марҳаматдан умидвор ҳолингизда улардан (қариндош, мискин ва йўловчилардан) юз ўгирадиган (ёрдам бермайдиган) бўлсангиз, у ҳолда уларга юмшоқ сўз айтинг!

وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسْطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا مَحْسُورًا

(Бахиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва махрумликда ўтириб қолурсиз*.

* Жобир (рз.) айтади: “Бир норасида бола келиб, Расул (а.с.)га онаси бир кўйлак сўраётганини билдирди. Он ҳазрат бошқа вақтда келишини буюрган эди. Онаси уни иккинчи бор юбориб эгнидаги кўйлагини бўлса ҳам беришини сўрайди. Бола келгач, Расул (а.с.) ҳужраларига кириб ечиниб кўйлаklarини узатиб юборадилар. Шу пайт Билол (рз.) азон айтади. Жанобнинг намозга чиқмаганидан хавотирланиб, ҳузурларига кириб қарашса, кийимсиз ҳолда ўтирибдилар, чунки бошқа кўйлаklари бўлмаган эди”. Шу сабабли мазкур оят нозил бўлган экан.

Айтишларича, бир мусулмон аёл яҳудия бўлмиш кундоши билан Мусо (а.с.) сахийроқми ёки Муҳаммад (а.с.)ми, деган мавзуда тортишиб қолгач, ўғлини Расул (а.с.) ҳузурига юбориб кўйлак сўратган, дейилади (Мд. Хз.).

إِنَّ رَبَّكَ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ إِنَّهُ كَانَ بِعِبَادِهِ خَبِيرًا بَصِيرًا

Шубҳасиз, Раббингиз Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг ҳам, танг ҳам қилур. Албатта, У бандаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб турувчи зотдир.

Оят лафзларининг шарҳи

Оят лафзларининг шарҳи	Оят лафзлари
Буюрди...	قَضَى
Ота-оналарингизга ҳақиқий яхшилик қилинглр...	وَ بِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا
Агар етса...	إِمَّا يَبُلُغَنَّ
Уларни жеркима ёки уларнинг ҳаётини оғир санама...	فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفٍّ
Уларга кўполлик билан зажр қилма...	وَ لَا تَنْهَرَهُمَا
Улар билан бирга юмшоқ муомалада бўл...	وَ اخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذُّلِّ
Аллоҳ таолонинг тоатига қайтувчиларга...	لِلْأَوَابِيْنَ
Ва бер...	وَ آتِ
Ёнида моли йўқ мусофир...	ابْنَ السَّبِيلِ
Молни фойдасиз нарсларга ҳисобсиз сарфлама...	وَ لَا تُبَدِّرْ
Шайтоннинг ўхшашлари...	إِخْوَانَ الشَّيَاطِينِ
Агар юз ўгирсангиз...	إِمَّا تُعْرِضَنَّ
(Келадиган) ризқни кутиб...	ابْتِعَاءَ رَحْمَةٍ
Қўлингни нафақа қилишдан ушла...	وَ لَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً
Нафақа қилишда чегарадан ҳам ошма...	وَ لَا تَبْسُطْهَا
Надомат чекувчи...	مَحْسُورًا

Ва тор қилади...

وَ يُغَيِّرُ

Оятнинг маъносининг қисқача баёни

1. Аллоҳ таоло бизларга Ўзидан бошқасига ибодат қилмасликни буюрди. Чунки У зот бизларга катта-ю кичик барча неъматларни фазли ила берувчидир. Аллоҳ таоло бизларга ота-онамизга яхшилик қилишни ва уларни нафақа билан таъминлашимизни буюрди. Сабаби улар бизнинг бу дунёга келишимизга сабабчидирлар. Улар иккиси ёки бири катта ёшга кириб, бизнинг кафиллигимизга ва ёрдамимизга мухтож бўлсалар, уларни жеркимаслигимиз ёки уларни таомлантиришни ўзимизга оғир санамаслигимиз, уларнинг ҳаётларини оғир ҳисобламаслигимиз ёки уларга қўполлик ва дағаллик билан гапирмаслигимиз лозим. Уларнинг бизга ҳожати тушаётгани учун ҳам уларга раҳм қилиб, барча юмшоқ ва мулойим сўзларни айтиш, камтарин бўлиш, мулойимлик ила муомала қилиш, вафот этган бўлсалар Аллоҳ таолодан раҳм қилишларини сўраб дуолар қилишимиз керак. Чунки, ота-оналаримиз бизларни ёшлигимизда тарбия қилган пайтлари ўз раҳматларини аямаганлар. Шуларнинг риоясини қилсак, ота-оналаримизнинг баъзи ҳақларини бўлсада, адо қилган бўлардик.

2. Ота-онамизга яхшилик қилиш ёки оқ бўлиш каби қалбимизда яширин тутган ҳис туйғулар Аллоҳ таолога сир эмас. Биз ота-онамизга яхшилик қилишни қасд қилсак, уларнинг ҳаққи борасида бизлардан беҳосдан бир камчилик ўтса, ёки хитоб қилаётганимизда қўполлик ўтса, Аллоҳ таоло тавбамизни қабул қилиб, хатоларимизни кечиради.

3. Яқинларимиздан эҳтиёжи тушганларга ҳам яхшилик қилиш, молларимиздан бирозини бериш ва улар билан яшашни чиройли қилишимиз лозим. Мискин ва ёнида пули тугаб қолган мусофирларга ҳам шундай қилиш, молларимизни бефойда нарсаларга сарфламаслигимиз керак. Чунки, молларини ёмон ва маъсият ишларга сарфлайдиган кимсаларнинг мисли Аллоҳ таолонинг тоатидан чиқишда шайтонга ўхшайди.

4. Агар ўзимизда маблағ бўлмай, бир неча кунлардан кейин келишини кутиб турган бўлсак, яқин қариндошларимиз, мискинлар ва мусофирлар ёрдам сўраганда, уларга лутф ила узр айтиб ва мулойим гапириб, қодир бўлганда беришни ваъда қилиш керак.

5. Молларимизни ҳисобламасдан сарфламаслигимиз, инфоқ қилишда ўртача бўлишимиз, яхшилик қилишга қодир бўла туриб, бахиллик қилмаслигимиз лозим. Яқинларимиз ва мискинларга молларимиздан насиба тайинлай, дароматимиздан кўпроқ инфоқ қилиб ёки молларимизни Аллоҳ таолога маъсият ишларда сарфлаб исроф қилувчи бўлмаслигимиз лозим. Акс ҳолда, инсонлар мазамматига учраймиз ва оқибатимиз ҳасрат ва надомат бўлади.

6. Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган кишига ризқини кенг ва Ўзи хоҳлаган кишига тор қилади. Бунинг ҳикматини ҳам Ўзи билади. Чунки У зот биздан хабардор ва аҳволларимизни билувчидир. У зот қиладиган ишлари ҳақида сўралмайди. Чунки биз Аллоҳнинг бандаларимиз. Аллоҳ таоло биз тўғримизда қандай хоҳласа шундай тасарруф қилади.

Одоб бериш ва насиҳат қилиш:

1. Ота-онага итоат этиш, уларга эҳсон қилиш ва юмшоқ муомалада бўлиш вожиблиги;
2. Фақир ва мискинларга раҳмдил бўлиш ва уларга эҳсон қилиш;
3. Яшашда мўътадилликка қизиқтириш;

ҲУЖУРОТ СУРАСИ-11 ОЯТ.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا يَسْخَرْ قَوْمٌ مِنْ قَوْمٍ عَسَىٰ أَنْ يَكُونُوا خَيْرًا مِنْهُمْ وَلَا نِسَاءٌ مِنْ نِسَاءٍ عَسَىٰ أَنْ يَكُنَّ خَيْرًا مِنْهُنَّ وَلَا تَلْمِزُوا

أَنفُسَكُمْ وَلَا تَنَابَزُوا بِاللُّغَابِ بِغَسِّ الْأَسْمِ الْمُسْوَقِ بَعْدَ الْإِيمَانِ وَمَنْ لَمْ يَتُبْ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ

Эй, мўминлар! (Сизлардан) бирор миллат (бошқа) бир миллатни масхара қилмасин! Эҳтимолки, (масхара қилинган миллат) улардан яхшироқ бўлса. Яна (сизлардан) аёллар ҳам (бошқа) аёлларни (масхара қилмасин)! Эҳтимолки, (масхара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлса. Ўзларингизни (бир-бирларингизни) мазах қилмангиз ва бир-бирларингизни лақаблар билан атамангиз! Имондан кейин фосиқлик номи нақадар ёмондир! Кимки тавба қилмаса, бас, айнан ўшалар (гуноҳ ишлар билан ўзларига нисбатан) зулм қилувчилардир.

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оятдаги лафзлар

Кишилар

قَوْمٌ

Айбламанглар, акс ҳолда айбланасизлар

وَلَا تَلْمِزُوا أَنفُسَكُمْ

Баъзиларингиз баъзиларингизни улар ёмон кўрадиган лақаблар билан чақирманг.

وَلَا تَنَابَرُوا بِالْأَلْقَابِ

Аллоҳ таолонинг тоатидан чиқиш

الْفُسُوقُ

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Аллоҳ таоло бир кишини бошқа бир киши истехзо қилишидан, уни фақирлиги учун ҳақорат, камситиш ёки баъзи жоҳил кимасалар қилгани каби бир кишини Аллоҳ таоло мубтало қилган касали туфайли инсонларни кулдириш учун уни мазах қилиш каби ишлардан қайтарди. Истехзо қилинган киши тақвоси ёки илми сабабли Аллоҳ таолонинг ҳузурида истехзо қилган кишидан яхши бўлиши мумкин.

2. Инсонларнинг ёмонликларини айтиш ёки сирларини тарқатиш ёки авратларини очиш билан инсонларни айблашдан Аллоҳ таоло бизларни

қайтарган. Ким бу ҳунук ишларни қилса, унинг айблари очилиши ва ёмоликлари тарқалишига ҳақли ва ўзи айбдор бўлишига сабабчи бўлади.

3. Аллоҳ таоло бир кишини, у ёмон кўрадиган ҳар қандай лақаблар билан чақиришдан қайтарди. Баъзи бир одобсиз кимсалар ўзгаларни ҳақоратлаш, мазаҳлаш ёки инсонларни кулдириш учунгина бундай номақбул ишларни қилади. Оқибатда эса инсонлар орасида ўзаро адоват ва нафрат пайдо бўлади.

4. Мазкур ишлар Аллоҳ таолонинг тоатидан чиқиш эканлигини, мўмин кишига Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган ишларни қилиш лойиқ эмаслигини ва ушбу гуноҳ ишлардан бирини қилган киши Аллоҳга тавба қилиш кераклигини Аллоҳ таоло баён қилди. Кимки, тавба қилмаса ўзининг зарарига жиноят қилган ва ўзини қиёмат кунида Аллоҳ таолонинг иқобига дучор қилган бўлади.

Одоб бериш ва насиҳат қилиш:

1. Инсонларга эҳтиром кўрсатиш ва уларга чиройли муомала қилиш вожиблиги;
2. Инсонларни мазаммат қилган кишини бошқалар ҳам мазаммат қилиши;
3. Инсонларга азият бериш ёки уларга душманлик қилиш мўмин кишига лойиқ эмаслиги;

НУР СУРАСИ 27 – 29 ОЯТЛАР

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ بُيُوتِكُمْ حَتَّى تَسْتَأْنِسُوا وَتُسَلِّمُوا عَلَى أَهْلِهَا ذَلِكَ خَيْرٌ لَكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ

Эй, имон келтирганлар! Ўз уйларингиздан ўзга уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз! Мана шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан) эслатма олсангиз.

فَإِنْ لَمْ يَجِدُوا فِيهَا أَحَدًا فَلَا تَدْخُلُوهَا حَتَّى يُؤْذَنَ لَكُمْ وَإِنْ قِيلَ لَكُمْ ارْجِعُوا فَارْجِعُوا هُوَ أَزْكى لَكُمْ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ

Бас, агар у (уй)ларда ҳеч кимни топмасангиз, унда то сизларга изн берилмагунча уларга кирмангиз! Агар сизларга «қайтингиз!» дейилса, қайтиб кетаверингиз! Шу сизлар учун энг тоза (йўлдир). Аллоҳ қилаётган ишларингизни билувчидир.

لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ مَسْكُونَةٍ فِيهَا مَتَاعٌ لَكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا تُبْدُونَ وَمَا تَكْتُمُونَ

(Хусусий) маскан бўлмаган (меҳмонхона, карвонсарой каби) сизлар фойдаланадиган уйларга (изн сўрамасдан) киришингизда сизларга гуноҳ йўқдир. Аллоҳ ошкор қилаётган нарсангизни ҳам, яшираётган нарсангизни ҳам билур.

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларининг шарҳи

Оят лафзлари

Изн сўрагунларингизгача

تَسْتَأْنِسُوا

Сизларга яхши ва афзалдир

أَرْزَى لَكُمْ

Гуноҳ ва маломат

جُنَاحٌ

Меҳмонхона ва дўконлар каби яшашга мўлжалланмаган

غَيْرَ مَسْكُونَةٍ

Манфаат

مَتَاعٌ

Ошкора қилаётган

تُبْدُونَ

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Аллоҳ таоло бизларни хос уйларимиздан бошқа ҳар қандай уйга, ҳатто яқинларимиздан бирининг уйи бўлса ҳам, киришдан олдин хонадон аҳлидан изн сўрамай кириб кетишдан қайтарди. Агар уларнинг уйларига киришимизга изн берсалар, кирган пайтимизда салом беришимиз керак. Тўсатдан бостириб

кириш биз инсонларга лойиқ иш эмас. Бундай қилиш фаросатсизлик ва одобсизликдир. Зиёратга борган уйимиздан бирор кишини топмасак, бирон киши келиб киришга изн бермагунича кириб кетишимиз жоиз эмас.

2. Хонадон аҳли зиёратга бемаҳал вақт бўлганлиги ёки ўзларининг хос ишлари билан машғул бўлаётгани учун узр айтсалар, изн сўрашда қаттиқ туриб олмасдан, қайтиб кетишимиз лозим. Бу – энг яхши ва афзал ишимиздир.

3. Яшашга мўлжалланмаган меҳмонхона ва дўконлар каби жойларга киришда биз учун сотиб олиш ва тунаш каби манфаатлар бўлса, изнсиз киришда гуноҳ йўқ.

Одоб бериш ва насихат қилиш:

1. Ўзгаларнинг хос уйлари ва маконларига киришдан олдин изн сўраш вожиблиги;
2. Киришга изн берилганда хонадон аҳлига салом бериш;
3. Жамоат жойларига киришда изн сўраш вожиб эмаслиги;

АНЪОМ СУРАСИ 59-60 ОЯТЛАР

وَعِنْدَهُ مَفَاتِحُ الْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَا إِلَّا هُوَ وَيَعْلَمُ مَا فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَمَا تَسْقُطُ مِنْ وَرَقَةٍ إِلَّا يَعْلَمُهَا وَلَا حَبَّةٌ فِي ظُلُمَاتِ الْأَرْضِ وَلَا

رَبِّ وَلَا يَبْسُ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُبِينٍ

Ғайб (яширин иш ва нарсалар) калитлари Унинг ҳузуридадир. Уларни Ундан ўзга билмас. Яна, қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни (ҳам) билур. Бирор япроқ (узилиб) тушса (ҳам) уни билур. Ер зулматлари (қаъри) даги уруғ бўлмасин, ҳўлу қуруқ бўлмасин, (ҳаммаси) аниқ Китоб (Лавҳул-махфуз)да (ёзилган)дир*.

*Ғайб илмларини Аллоҳ таолонинг ўзигина билур. Пайғамбарларининг ҳам фақат айримларига бу илмдан ато этган.

Оятда Аллоҳ таолонинг азалий “илм” сифати билан ошкораю пинҳона нарсалардан доимий равишда огоҳ экани билдирилмоқда. Шу илмига биноан қиёматгача бўладиган ишларни “Лавҳул-махфуз”га олдиндан битиб қўйган.

Инсонлар тақдирини Аллоҳ таоло буйруқ тариқасида эмас, балки васф ва таъриф сифатида ёзган. Масалан, фалон кимса ўз ихтиёри билан шайтон васвасасига берилади, деб ёзилган. “Берилсин!” деб ёзилмаган. Акс ҳолда банда жавобгар бўлмас эди.

وَهُوَ الَّذِي يَتَوَفَّاكُم بِاللَّيْلِ وَيَعْلَمُ مَا جَرَحْتُم بِالنَّهَارِ ثُمَّ يَبْعَثُكُمْ فِيهِ لِيُقْضَىٰ أَجَلٌ مُّسَمًّى ثُمَّ إِلَيْهِ مَرْجِعُكُمْ ثُمَّ يُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ

У тунда сизларни «вафот эттирадиган*» (ухлатиб руҳингизни вақтинча оладиган), кундузи қилган ишларингизни биладиган зотдир. Сўнгра белгиланган муҳлат (умр) адо этилиши учун унда (кундузи) сизларни (яна) «тирилтирур» (уйғотур). Кейин Унга қайтиш (бор). Сўнгра сизларга қилган ишларингиз хабарини берур.

* Ухлатишни Аллоҳ таоло “вафот эттириш” деб атамоқда. Ухлаганда руҳ танадан чиқиб кетармиш, деган гапни кўпчилик билади. Ундай бўлса ухлаган одам ҳам нафас олади-ку, деган савол туғилади. Бунга калом илми олимлари шундай жавоб берганлар: “Инсондаги бешта сезги аъзоларининг ҳар бирида алоҳида руҳ бўлиб, шу руҳлар уйқу пайтида олиб қўйилади ва уйғонганда қайтарилади. Аммо умумий танадаги руҳ фақат белгиланган ажал тугаган пайтдагина олинади” (Мд.).

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларнинг шарҳи

Оят лафзлари

Бизлардан ғойиб бўлган ишларни билиш

مَفَاتِيحِ الْغَيْبِ

Сизларни кечаси роҳатлансин учун ухлатур

يَتَوَفَّاكُم بِاللَّيْلِ

Қилган яхшилик ва ёмонликларингизни

حَرَاحْتُمْ

Кундизи сизларни уйғотур

يَبْعَثُكُمْ فِيهِ

Вақти соати чегараланган ҳаёт

أَجَلٌ مُّسَمًّى

Қиёмат куни қайта тирилганингизда қайтадиган
жойларингиз

مَرْجِعَكُمْ

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Бизларга ғойиб бўлган барча нарсаларни билиш Аллоҳ таолога хосдир. Инсонлар қиёмат куни қабрларидан қачон тирилади, осмондан ёмғир қачон ёғади, келажакда инсоннинг бошидан нималар кечади, оналар қорнидаги чақалоқ ўғилми ё қизми, ер устидаги ва денгиз тубидаги барча махлуқотларни фақат У Зотнинг ёлғиз Ўзи билади. Дарахтдан тушган барг, ер тубидаги дон уруғи, хўл-у қуруқ барча махлуқотларни Аллоҳнинг илми қамраб олган. Зеро, осмонлар-у ерда бирор бир нарса унга махфий эмас.

2. Аллоҳ таоло қудратининг мукамаллиги билан хосланган зотдир. У Зотнинг ёлғиз Ўзи бизни тунда ухлатур. Шу пайтда идрок қилишга ва бирор нарсани аниқлашга қодир бўлмаймиз. Аллоҳ таоло кундуз куни қандай ишни касб қилганимизни ҳам билур. У Зот бизларга уйғонган пайтларимизда бу дунё ҳаётида тақдирда белгилаб қўйган ҳаётимизни яшагунимизча идрок ва ғайратчанлигимизни қайтарур. Амалларимизга кўра жазоланишимиз учун қиёмат куни бизларни тирилтирур ва қилган амалларимизнинг хабарини берур.

Одоб бериш ва насиҳат қилиш:

1. Аллоҳ таоло ғайб илми билан хосланган Зот эканлиги;

2. Ғайб ишларидан бирортасини биламан деб ўйлайдиган фирибгарларни тасдиқламаслигимиз лозимлиги;

МАРЯМ СУРАСИ 88 – 98 – ОЯТЛАР.

وَقَالُوا اتَّخَذَ الرَّحْمَنُ وَلَدًا

(Мушриклар): «Раҳмон фарзанд тутди», – дедилар.

لَقَدْ جِئْتُمْ شَيْئًا إِدًّا

(Эй, мушриклар!) Сизлар шундай оғир гап айтингизки,

تَكَادُ السَّمَاوَاتُ يَتَفَطَّرْنَ مِنْهُ وَتَنْشَقُّ الْأَرْضُ وَتَخِرُّ الْجِبَالُ هَدًّا

унинг (оғирлигидан) осмонлар ёрилиб, Ер бўлиниб, тоғлар қулаб, парчаланиб кетаёзур.

أَنْ دَعَا لِلرَّحْمَنِ وَلَدًا

Сабаб – Раҳмонга фарзанд даъво қилишларидир.

وَمَا يَنْبَغِي لِلرَّحْمَنِ أَنْ يَتَّخِذَ وَلَدًا

Раҳмон (шаънига) учун фарзанд тутиш лойиқ эмасдир.

إِنْ كُنْ مِنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ إِلَّا آتَى الرَّحْمَنِ عَبْدًا

Осмонлар ва Ердаги бор жонзот (қиёмат кунида) Раҳмон (хузурига) бўйин сунган холда келур.

لَقَدْ أَحْصَاهُمْ وَعَدَّهُمْ عَدًّا

У уларни (олган нафасларигача) ҳисоблаб, ададини санаб қўйгандир.

وَكُلُّهُمْ آتِيهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَرْدًا

Уларнинг барчаси қиёмат куни Унинг хузурига (ҳисобот учун) якка холда келувчидир.

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَيَجْعَلُ لَهُمُ الرَّحْمَنُ وُدًّا

Албатта, имон келтириб, эзгу (иш)ларни қилган зотлар учун Раҳмон (уларнинг қалбида Ўзига нисбатан) дўстликни пайдо қилур.

فَإِنَّمَا يَسَّرْنَاهُ بِلِسَانِكَ لِتُبَشِّرَ بِهِ الْمُتَّقِينَ وَتُنذِرَ بِهِ قَوْمًا لُدًّا

(Эй, Муҳаммад!) Албатта, Биз тақво эгаларига хушхабар беришингиз учун ва саркаш қавмни огоҳлантиришингиз учун уни (Қуръон тиловатини) Сизнинг тилингизга осон қилиб қўйдик.

وَكَمِ أَهْلَكُنَا قَبْلَهُمْ مِنْ قَرْنٍ هَلْ نُحِيسُ مِنْهُمْ مِنْ أَحَدٍ أَوْ تَسْمَعُ لَهُمْ رِكْزًا

Биз улардан (Макка мушрикларидан) олдин ҳам қанчалаб (итоат этмаган) авлодларни ҳалок этгандирмиз. Сиз улардан бирортасини сезяпсизми ёки овозларини эшитяпсизми?!

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларнинг шарҳи

Оят лафзлари

Хунук, мункар

إِذَا

Яқин бўлди

تَكَادُ

Унинг даҳшатидан ёрилай деди

يَتَفَطَّرَنَّ مِنْهُ

Парчаланган

هَدًّا

Ҳамма нарса

إِنْ كُلُّ

Уларни ҳаср ва ихота қилган

أَحْصَاهُمْ

Ёрдам берувчиларисиз ёлғиз

فَرْدًا

Дўстлик хотиржамлик

وُدًّا

Қуръонни енгил қилдик	يَسْرَنَاهُ
Қаттиқ хусуматчи	لُدًّا
Уммат	قَرْنًا
Махфий овоз	رَكْرَكًا

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Бир қавм: “Аллоҳ таоло Ўзига ўғил тутинган” деб, даъво қилдилар. Улар бу даъво қилишга журъат қилганлари учун Аллоҳ таоло уларнинг даъволарини рад этди. Улар бу сўзлари билан жуда катта гуноҳ иш қилдилар. Унинг даҳшатидан осмонлар-у ерлар низоми пароканда бўлай деди. Тоғлар қулаб, остин-устин бўлиб кетай деди. Агар мана шундай нотўғри эътиқоддаги кимсаларга Аллоҳ таолонинг раҳм-шафқати бўлмаса, Аллоҳнинг уларга ғазаб қилишидан олам хароба харобага айланарди. Ахир улар қандай қилиб Аллоҳ таолога фарзанд нисбатини берадилар. Бунай дейиш У Зотнинг азизлигига лойиқ эмас. Чунки У зот махлуқотларидан беҳожатдир.

2. Осмонлар-у ердаги барча инсу-жинлар Аллоҳ таолонинг бандаларидир. Улар қиёмат куни Аллоҳ таолонинг ҳузурига камтарлик билан келадилар. Улар ёнида ёрдамчилари ва аъёнлари ҳам бўлмайди. Улардан биронтаси орқада қолиб кетолмайди. Чунки Аллоҳ таолонинг илми уларни ихота қилур ва уларнинг миқдори ва ададини аниқ билур. Аммо солиҳ амал қилувчи мўминларга Аллоҳнинг муҳаббати ва хотиржамлиги бўлади. Кофирларга эса, Аллоҳнинг ғазаби келур ва уларни шарманда қилур.

3. Аллоҳ таоло Қуръони каримни араб тилида нозил қилган сабабларидан бири Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рисолатини тасдиқлаган зотларга Ўзи тайёрлаб қўйган неъматлар хушхабарини бериш ва кофирларга тайёрлаб қўйган жаҳаннам азоби билан уларни қўрқитиши учундир.

4. Бу қайсар кимсалар олдинги умматлардан ўз расулларига кофир бўлган кимсаларнинг аксарини ҳалок қилганимизни кўрмадиларми? Эй, Муҳаммад, сиз улардан бирортасини сезяпсизми ёки улардан бирининг овозини эшитяпсизми?

Одоб бериш ва насиҳат қилиш:

1. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони боласи бор дейишдан поклаш;
2. Аллоҳ таоло бандаларининг сўзларини ва феълларини билиши ва қиёмат куни шунга кўра ҳисоб китоб қилиши;

МОИДА СУРАСИ 116 – 120 – ОЯТЛАР.

وَإِذْ قَالَ اللَّهُ يَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ أَنْتَ قُلْتَ لِلنَّاسِ اتَّخِذُونِي وَأُمِّي إِهْنِينَ مِنْ دُونِ اللَّهِ قَالَ سُبْحَانَكَ مَا يَكُونُ لِي أَنْ أَقُولَ مَا لَيْسَ لِي بِحَقِّ إِنْ كُنْتُ قُلْتُهُ فَقَدْ عَلِمْتَهُ تَعَلَّمَ مَا فِي نَفْسِي وَلَا أَعْلَمُ مَا فِي نَفْسِكَ إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ

Аллоҳ: «Эй, Исо ибн Марям! Одамларга, сен Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни икки илоҳ қилиб олингиз, деб айтдингми?» – деганида, (Исо) деди: «Сен барча нуқсонлардан покдирсан. Ҳаққим йўқ нарсани айтиш менга жоиз эмас. Агар уни айтган бўлсам, Сен уни билган бўлардинг. Сен дилимдагини билурсан, Мен «дилигдагини» билмасман. Албатта, Сен Ўзинг ғойиб нарсаларнинг билимдонидирсан.

مَا قُلْتُ لَهُمْ إِلَّا مَا أَمَرْتَنِي بِهِ أَنْ اعْبُدُوا اللَّهَ رَبِّي وَرَبَّكُمْ وَكُنْتُ عَلَيْهِمْ شَهِيدًا مَا دُمْتُ فِيهِمْ فَلَمَّا تَوَفَّيْتَنِي كُنْتُ أَنْتَ الرَّقِيبَ عَلَيْهِمْ

وَأَنْتَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ

Мен уларга фақат Ўзинг буюрганларингни, яъни: «Раббим ва Раббингиз – Аллоҳга ибодат қилингиз», – деб айтдим. Улар орасида бўлган онларимда, уларга гувоҳ бўлиб турдим. Мени “вафот эттирганингда” эса*, Сенинг Ўзинг улар устидан кузатувчи бўлдинг. Сен ҳар нарсага гувоҳдирсан.

*“Вафот эттириш” иборасининг изоҳи “Оли Имрон” сурасининг 95-ояти тафсирида берилган.

إِنْ تُعَذِّبُهُمْ فَإِنَّهُمْ عِبَادُكَ وَإِنْ تَغْفِرْ لَهُمْ فَإِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

Агар уларни азобласанг, албатта, улар (Ўз) бандаларингдир. Борди-ю, уларни кечирсанг, албатта, Сен Азиз (қудратли) ва Ҳаким (ҳикматли)дирсан».

قَالَ اللَّهُ هَذَا يَوْمُ يَنْفَعُ الصَّادِقِينَ صِدْقُهُمْ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ ذَلِكَ

الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

Аллоҳ деди: “Бу кун содиқ (мўмин)ларга содиқлиги фойда берадиган кундир”. Улар учун остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат боғлари бордир. (Улар) у ерда абадий бўлурлар». Улардан Аллоҳ рози ва улар Аллоҳдан рози бўлурлар. Бу буюк ютуқдир.

لِلَّهِ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا فِيهِنَّ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

Осмонлар ва Ернинг ҳамда улардаги борлиқнинг ҳукмронлиги Аллоҳга хосдир. У ҳар нарсага қодирдир.

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларнинг шарҳи

Оят лафзлари

Аллоҳ таолодан бошқа

مِنْ دُونِ اللَّهِ

Сени поклайман, Сени шеригинг бўлишдан поклайман

سُبْحَانَكَ

Уни айтиш менга ҳақли эмас

مَا لَيْسَ لِي بِحَقٍّ

Уларнинг амалларини кузатувчи

شَهِيدًا

Қиёмат куни

هَذَا يَوْمٌ

Боқий қолувчи

خَالِدِينَ

Осмонлардаги юлдузлар ва ердаги, тоғлар, анҳорлар ва

وَمَا فِيهِنَّ

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Бир қавм: “Исо алайҳиссалом ва у зотнинг оналари Марям онамиз иккаласини илоҳ”, деб даъво қилдилар. Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломдан қиёмат куни ўша қавмининг ҳузурида уларни койиш учун шундай деб сўрайди: “Сен мана шу инсонларга мен ва онам иккимизни ибодатда тенг шерик қилиб олинглар”, деб айтдингми? Исо алайҳиссалом шундай жавоб беради: “Албатта, мен Сени поклайман, Сенинг ҳаққингда бундай гапларни айтиш менга тўғри эмас”. Чунки Сен ичимда махфий тутган сирларни ҳам ошкора қилган нарсаларимни ҳам билувчироқсан. Аммо, мен Сенинг илмингнинг кенглиги ихота қилган нарсалардан бирортасини ҳам билмайман. Сабаби, ғоиб илми Сенинг Ўзинггагина хосдир.

2. Мен уларга фақат Сен буюрган нарсаларнигина айтдим. У эса – Сенинг Ўзинггагина ибодат қилишларидир. Чунки Сен – мен ва уларнинг Раббисан. Тириклигимда амринг тақозоси ила уларни яхши иш қилишга ундардим ва уларнинг қилган ишларига гувоҳ эдим. Мени Ўз ҳузурингга олгач, уларнинг амалларини Ўзинг билгувчисан. Мендан кейин улар томонидан нималар рўй берганини билмайман.

3. Агар уларни азобласанг, улар Сенинг бандаларинг. Улар Сендан бошқага ибодат қилганлари учун азобга ҳақлидирлар. Ўз мулкида мутлоқ тасарруф қилишга ҳақли Зотга ҳеч қандай эътироз йўқ. Агар уларнинг гуноҳини кечирсанг, Сен савоб беришга ҳам, азоб беришга ҳам ҳақли Зотсан. Сенинг амринг ҳикмат юзасидангина бўлур.

4. Аллоҳ таоло ушбу гапларни Исо алайҳиссаломга қиёмат – ростгўйлар ростгўйлиги эвазига фойда оладиган куни айтади. Улар остларидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларда доимий неъматлардан фойдаланувчилардир. Бу –

катта бир ютуқ бўлиб, ундан ажабланиш керак эмас. Осмонлар ва ернинг Эгаси бўлмиш Аллоҳ таоло улардан рози бўлган ва уларга кўрганда кўзлари қувониб, хурсанд бўладиган неъматларни тайёрлаб қўйган.

Одоб бериш ва насиҳат қилиш:

1. Баъзи инсонлар эътиқод қилганидек, Исо алайҳиссалом ва оналари Марям оанмиз иккаласининг илоҳ эмаслиги;

2. Аллоҳ таоло ростгўйларни остларидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатлар билан мукофотлаши;

ҚОФ СУРАСИ 6-11-ОЯТЛАР.

أَفَلَمْ يَنْظُرُوا إِلَى السَّمَاءِ فَوْقَهُمْ كَيْفَ بَنَيْنَاهَا وَزَيَّنَّاهَا وَمَا لَهَا مِنْ فُرُوجٍ

Ахир, улар устиларидаги осмонни – Биз уни қандай бино қилиб, (юлдузлар билан) безаб қўйганимизни ва унинг тешик (ёриқ)лари йўқ эканини кўрмадиларми?!

وَالْأَرْضَ مَدَدْنَاهَا وَأَلْقَيْنَا فِيهَا رَوَاسِيَ وَأَنْبَتْنَا فِيهَا مِنْ كُلِّ زَوْجٍ بَهِيجٍ

Ерни эса ёйиқ (кенг) қилдик ва унга тоғларни ўрнатиб қўйдик ҳамда унда (ўсимлик, мевалардан) ҳар турли гўзал жуфтларни ундирдик.

تَبَصَّرَهُ وَذَكَرَى لِكُلِّ عَبْدٍ مُنِيبٍ

(Парвардигорга) қайтувчи ҳар бир бандага кўргазма ва эслатма бўлиши учун (шундай қилдик).

وَنَزَّلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً مُبَارَكًا فَأَنْبَتْنَا بِهِ حَبَّاتٍ وَحَبَّ الْحَصِيدِ

Биз осмондан баракотли сув (ёмғир) ёғдириб, у билан боғларни ва ўриб олинадиган донларни ундирдик.

وَالنَّخْلَ بَاسِقَاتٍ لَهَا طَلْعٌ نَضِيدٌ

Шунингдек, зич мевали, шохлари баланд хурмоларни ҳам.

رَزَقًا لِلْعِبَادِ وَأَحْيَيْنَا بِهِ بَلَدَهُ مِثْلًا كَذَلِكَ الْخُرُوجُ

Бандаларга ризқ бўлсин учун (шундай қилдик). Яна у (сув) билан «ўлик» шаҳарни (ерни) «тирилтирдик». (Қабрлардан тирилиб) чиқиш ҳам мана шундай бўлур.

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларнинг шарҳи

Оят лафзлари

Кофирлар кўр бўлдиларми, қарамайдилар?

أَفَلَمْ يَنْظُرُوا

Осмонларни устунларсиз кўтариб қўйдик.

بَنَيْنَاهَا

Айб етадиган ёриқлар

فُرُوجٍ

Ерни устида юришга яроқли қилиб қўйдик

مَدَدْنَاهَا

Собит турувчи тоғларни ҳам

رَوَاسِي

Чиройли синф

رَوْحٍ بَهِيحٍ

Таълим ва эслатма бўлиши учун

تَبَصَّرَةٌ وَ ذِكْرَى

Раббиси тоатига қайтиб, Унинг иши гўзаллиги борасида фикр юритувчи

مُنِيبٍ

Фойдаси кўп

مُبَارَكًا

Мевалари ва дарахтлари кўп боғлар

جَنَّاتٍ

Бугдой каби йиғиб олинадиган зироат дони

حَبِّ الْحَصِيدِ

Узун

بَاسِقَاتٍ

Баъзиси баъзиси устида турган мева

طَلْعُ نَضِيدٍ

Ҳосилсиз (қурғок) ер

بَلَدٌ مَيْتًا

Қиёмат куни инсонлар қабрларидан чиқиши

الْخُرُوجُ

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Бу оят Аллоҳ таоло қудрати буюк эканига ва У Зот қудратининг аломатларини кўриб, кўрдек ундан ибрат олмайдиган кофирларнинг ишидан ажабланишга далолат қилади. Аллоҳ таоло қудратига қуйидагилар далолат қилади:

1. Аллоҳ таоло устимиздаги осмонни яратгани, уни устунларсиз қўтариб қўйгани, уни зиё таратувчи юлдузлар ва уларнинг ўзаро жипслашиши мустаҳкамлиги билан зийнатлаб қўйгани, осмон – гўё маҳкамлаб қурилган бинодек эканлиги ва унда ҳеч бир ёриқнинг ва тартибсизликнинг йўқлиги;

2. Аллоҳ таоло ерни тўшаб қўйгани ва унда бизлар тошларни олиб, конлар чиқарадиган тоғларни яратгани, У Зотнинг яратиши ва қудратининг гўзал ва ажойиблиги тўғрисида фикр юритиб, маъсиятлардан тийилиш ва зиммамизда вожиб бўлган шукрларни адо қилишимиз учун ерда гўзал ва қалин синфларни ўстиргани;

3. Аллоҳ таоло бизларга мевалардан ейиш ва дарахтларда сояланишимиз учун ерларимизни ва боғларимизни суғорадиган, ва таом қилиб ейишимиз учун ва хайвонларимиз ейдиган донларни ўстирадиган манфаатлари кўп сувни осмондан нозил қилганлиги;

4. Аллоҳ таоло кичкинагина уруғдан бизлар учун баъзи мевалари усти-устига мингашкан, серҳосил мевали, чиройли тартиблашган, баланд-баланд хурмоларни чиқариши;

5. Аллоҳ таоло ҳосилсиз ерларга сув нозил қилиши, натижада ўша ер биз ва ҳайвонларимиз ейдиган экинларни ўстириши;

6. Агар Аллоҳ таоло ўлик ерни сув билан тирилтириб, ундан экинларни ўстирадиган бўлса, вафот этганимиздан кейин қиёмат куни амалларимизга кўра ҳисоб-китоб қилиш пайтида ўликларни қайта тирилтириш учун бизларга ҳаёт қайтарилишидан ажабланиш йўқлиги;

Одоб бериш ва насиҳат қилиш:

1. Қиёмат куни қайта тирилишга иймон келтириш;
2. Осмонлар ва ерларни яратиш, ёмғир ёғдириш ва экинларни ўстиришга қодир Зот инсонлар фоний бўлиб кетганидан кейин уларни тирилтиришга ҳам қодир эканлиги;

АНЪОМ СУРАСИ 83 – 90 – ОЯТЛАР.

وَتِلْكَ حُجَّتُنَا آتَيْنَاهَا إِبْرَاهِيمَ عَلَىٰ قَوْمِهِ نَرْفَعُ دَرَجَاتٍ مِّنْ نَّشَاءٍ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ

Иброҳимга қавми устидан берган ҳужжатимиз ана шудир. Хоҳлаган кишимизни даражаларга кўтарурмиз. Албатта, Раббингиз ҳикмат ва илм соҳибидир.

وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ كُلًّا هَدَيْنَا وَنُوحًا هَدَيْنَا مِن قَبْلُ وَمِن ذُرِّيَّتِهِ دَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ وَأَيُّوبَ وَيُوسُفَ وَمُوسَىٰ وَهَارُونَ وَكَذَلِكَ

نُجِّى الْمُحْسِنِينَ

Унга (Иброҳимга) Исҳоқ* ва Яъқубни ато этдик. Ҳаммасини ҳидоятга йўлладик. Олдин Нухни ҳам ҳидоятга йўллаган эдик. Унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни (ҳам йўлладик). Чиройли иш қилувчиларни мана шундай тақдирлаймиз.

* Исҳоқ (а.с.) Иброҳим (а.с.)нинг Сора исмли хотинидан туғилган ўғли. Яъқуб (а.с.) Исҳоқ (а.с.)нинг ўғлидир.

وَزَكَرِيَّا وَيَحْيَىٰ وَعِيسَىٰ وَإِلْيَاسَ كُلٌّ مِّنَ الصَّالِحِينَ

Закариё, Яхё, Исо ва Илёсни (хам ҳидоятга йўлладик). Ҳаммаси солиҳлардандир.

وَأَسْمَاعِيلَ وَالْيَسَعَ وَيُونُسَ وَلُوطًا وَكُلًّا فَضَّلْنَا عَلَى الْعَالَمِينَ

Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам (ҳидоятга йўлладик). Ҳаммаларини оламлар узра афзал қилдик*.

* Юқорида 18 нафар пайғамбарнинг исмлари келтирилди. Лекин яшаган даврларига хос тартиб билан эмас, балки уларга ато этилган фазилат ва неъматларга қараб зикр этилди. Масалан, Нух, Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб (а.с.)лар қолган пайғамбарларнинг бобокалонлари ҳисобланади. Сўнгра подшоҳлик, қудрат ва салтанат эътибори билан Довуд, Сулаймон (а.с.)лар зикр этилди. Сабр-бардош бўйича Айюб, Юсуф (а.с.)лар. Сўнгра кўп мўъжизалар соҳиблари Мусо ва Ҳорун (а.с.)лар. Сўнгра зоҳидлик эътибори билан Закариё, Яхё, Исо, Илёс (а.с.)лар улардан сўнг издош ва тобелари ҳам, алоҳида шариатлари ҳам бўлмаган Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус, Лут (а.с.)лар каби пайғамбарлар зикр этилди (Ҳз.).

وَمِنَ آبَائِهِمْ وَذُرِّيَّاتِهِمْ وَإِخْوَانِهِمْ وَاجْتَبَيْنَاهُمْ وَهَدَيْنَاهُمْ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

Шунингдек, уларнинг ота-боболаридан, зурриётларидан ва ака-укаларидан (баъзиларини ҳам афзал қилдик). Уларни танлаб олиб, тўғри йўлга (хақ динга) бошладик.

ذَلِكَ هُدَى اللَّهِ يَهْدِي بِهِ مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَلَوْ أَشْرَكُوا حَبِطَ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

Аллоҳнинг ҳидояти шудир. У билан хоҳлаган бандаларини йўлга солади. Агар мушрик бўлганларида қилган (савобли) амаллари йўққа чиққан бўлур эди.

أُولَئِكَ الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ وَالْحُكْمَ وَالنُّبُوَّةَ فَإِنْ يَكْفُرْ بِهَا هُنَّاءٌ فَقَدْ وَكَلْنَا بِهَا قَوْمًا لَيْسُوا بِهَا بِكَافِرِينَ

Ана ўшалар Биз Китоб, ҳукм (Ҳикмат) ва пайғамбарлик берган зотлардир. Агар уларни ана улар (Макка мушриклари) инкор этсалар, уларни инкор этмайдиган қавмни* уларга вакил қилиб қўйганмиз.

*Яъни номлари зикр этилган пайғамбарларни. Иккинчи тафсири – барча мўмин-мусулмонларни. Учинчи тафсири – араб бўлмаган халқларни. Тўртинчи тафсири – фаришталарни уларга ўринбосар қилурмиз. Сўнгра улар имон келтириб, солиҳ амалларни қилурлар (Мд.).

أُولَئِكَ الَّذِينَ هَدَى اللَّهُ فَبِهِدَاهُمُ اقْتَدِهْ قُلْ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا إِنْ هُوَ إِلَّا ذِكْرَى لِّلْعَالَمِينَ

Айнан ўшалар Аллоҳ ҳидоятга бошлаган зотлардир. Бас, (Сиз ҳам) уларнинг йўлига иқтидо қилинг! Айтинг: «Сизлардан унинг (пайғамбарлик хизмати) учун ҳақ сўрамайман. У фақат оламлар учун эслатмадир».

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларнинг шарҳи

Оят лафзлари

Аллоҳ таолонинг ваҳдониятига далил ва ҳужжатимиз

حُجَّتُنَا

Оталарининг баъзиси...

مِنْ آبَائِهِمْ

Уларнинг авлодлари

ذُرِّيَّاتِهِمْ

Уларни ихтиёр қилдик

اجْتَبَيْنَاهُمْ

Савоби йўқ бўлади

حَيْطَ

Ҳақ тақозо қиладиган мезонга кўра ишларга ҳукм қилиш

الْحُكْمَ

Мавъиза

ذِكْرَى

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни Ироқдаги ўз қавмига расул қилиб юборди. Улар эса Аллоҳ таолонинг элчисини ёлғонга чиқардилар. У Зот Иброҳим алайҳиссаломни Ўз ҳузуридан ҳақиқий пайғамбар қилиб

юборилганлигига далолат қиладиган ҳужжатлар билан қўллаб-қувватлади. Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган мухлис банларини пайғамбарликка танлаб олур.

2. Аллоҳ таоло саййидимиз Иброҳим алайҳиссаломга солиҳ фарзандлар билан имтиёзлар берди. Яъни, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга Исҳоқни, Исҳоққа эса Яъқубни берди. У Зот олдин Нух алайҳиссаломни ҳидоят қилганидек, уларни ҳам Ўз ҳидоятига бошлади. Довуд, ўғиллари Сулаймон, Айюб, Юсуф ибн Яъқуб, Мусо ва Ҳорун алайҳимуссаломлар – Нух алайҳиссаломнинг зурриётларидир. Аллоҳ таоло уларга чиройли тоатлари эвазига энг гўзал мукофотларни берди.

3. Закариё, Яҳё, Исо ибн Марям, Илёс алайҳимуссаломларнинг барчаси солиҳлардандир. Исмоил ибн Иброҳим, ал-Ясаъ, Юнус, Иброҳим жиянлари Лут алайҳимуссаломлар ҳам Нух алайҳиссаломнинг зурриётларидан бўлиб, Аллоҳ таоло уларнинг барчасини бошқа инсонлардан нубувват ила афзал қилди.

4. Аллоҳ таоло ушбу Анбиё алайҳимуссаломларни танлаб, уларни Ўз тоатига ҳидоят қилганидек, уларнинг баъзи ота-боболари ва ака-укаларини ҳам ҳидоят қилди.

5. Бу ҳидоят - Аллоҳ таоло томонидандир. Чунки ҳидоятга бошлаш Аллоҳ таолога хос бўлиб, Ўзи хоҳлаган бандаларини ҳидоят қилур. Агар ушбу Анбиё алайҳимуссаломлар ҳам Аллоҳ таолога шерик қилсалар, уларнинг фазллари ва мақомлари олий бўлса ҳам амаллари ҳабата бўлиб, унга савоб ололмасликда бошқаларга ўхшаб қолур.

6. Аллоҳ таоло ушбу Анбиё алайҳимуссаломларга учта иш билан интиёз берди: **1)** нубувват; **2)** нозил қилинган китоблар; **3)** инсонлар орасида адолат ила ҳукм қилиш;

Агар Қурайш кофирларидан бўлган қайсар кимсаларга ҳақ зоҳир бўла туриб, Биз сенга берган мазкур учта нарсага куфр келтирсалар ҳам, Биз қавмингнинг баъзисини унга инмон келтиришга муваффақ қилганмиз.

7. Аллоҳ таоло ўша Анбиё алайҳимуссаломларни Ўз тавҳидига ҳидоят қилди. Сен ҳам уларнинг йўлига эргаш ва қавмингдаги кофирларга: “Мен

сизларга Роббимнинг рисолатини етказганим учун сизлардан ҳақ талаб қилмайман, мен фақат сизларга эзлатма беришни ва ваъз қилишини ирода қилдим, холос”, деб айтинг.

Одоб бериш ва насихат қилиш:

1. Аллоҳ таоло Пайғамбарлик учун солиҳ кишиларни ихтиёр қилиши, уларга бошқалар устидан имтиёз бериши, даражаларини кўтариши ва бошқалардан афзал қилиши;

2. Аллоҳ таоло саййидимиз Иброҳим алайҳиссаломни афзал қилганлиги ва Анбиё алайҳимуссаломларнинг аксарини у зотнинг зурриётларидан қилганлиги;

ЛУҚМОН СУРАСИ 13-19-ОЯТЛАР.

وَإِذْ قَالَ لُقْمَانُ لِابْنِهِ وَهُوَ يَعِظُهُ يَا بُنَيَّ لَا تُشْرِكْ بِاللَّهِ إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ

Эсланг, Луқмон ўғлига насихат қилиб, деган эди: «Эй, ўғилчам! Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк улкан зулмдир».

وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حَمَلَتْهُ أُمُّهُ وَهْنًا عَلَىٰ وَهْنٍ وَفِصَالَهُ فِيَ عَامَيْنِ أَنِ اشْكُرْ لِي وَلِوَالِدَيْكَ إِلَىٰ الْمَصِيرِ

Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди. Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (битар). (Биз инсонга буюрдикки) «Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Қайтиш Менинг хузуримгадир».

وَإِنْ جَاهَدَاكَ عَلَىٰ أَنْ تُشْرِكَ بِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا وَصَاحِبْهُمَا فِي الدُّنْيَا مَعْرُوفًا وَاتَّبِعْ سَبِيلَ مَنْ أَنَابَ إِلَيَّ ثُمَّ إِلَيَّ مَرْجِعُكُمْ فَأُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ

مَرْجِعُكُمْ فَأُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ

Агар улар (яъни ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да,) дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг Менга тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин! Сўнгра (яъни қиёмат кунида)

қайтиш Менинг хузуримгадир, бас, сизларга (ўшанда) қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман.

يَا بُيَّيْ إِنَّهَا إِنْ تَكُ مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِنْ خَرْدَلٍ فَتَكُنْ فِي صَخْرَةٍ أَوْ فِي السَّمَاوَاتِ أَوْ فِي الْأَرْضِ يَأْتِ بِهَا اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ لَطِيفٌ خَبِيرٌ

(Луқмон яна деди): «Эй, ўғилчам! Шубҳа йўқки, агар хантал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинадиган) бўлса, бас, у (амал) бирор харсанг тош ичида ё осмонларда ёки ер остида бўлса, ўшани ҳам Аллоҳ келтирур. Зеро, Аллоҳ лутфли ва огоҳ зотдир.

يَا بُيَّيْ أَقِمِ الصَّلَاةَ وَأْمُرْ بِالْمَعْرُوفِ وَانْهَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَاصْبِرْ عَلَىٰ مَا أَصَابَكَ إِنَّ ذَلِكَ مِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ

Эй, ўғилчам! Намозни баркамол адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балолар) га сабр қил! Албатта, мана шу пухта ишлардандир.

وَلَا تُصَعِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرْحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ

Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки, Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни суймас.

وَأَقْصِدْ فِي مَشْيِكَ وَاغْضُضْ مِنْ صَوْتِكَ إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ الْحَمِيرِ

(Юрганингда) ўртаҳол юргин ва овозингни паст қилгин!* Чунки овозларнинг энг ёқимсиз эшаклар овозидир».

* Умар (рз.) ўзини қийнаб, қаттиқ азон айтган муаззинни койигани нақл қилинган (Қр.).

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларнинг шарҳи

Оят лафзлари

Унга насихат қилади

يَعِظُهُ

Аллоҳ таолога шерик қилма	لَا تُشْرِكْ بِاللَّهِ
Ҳомиладаги машаққат устига туғишдаги машаққат	وَهَنَّا عَلَىٰ وَهْنٍ
Болани эмизгандан кейин кўкракдан чиқариш	فَصَالُهُ
Қайтиб келадиган жойларингиз	الْمَصِيرُ
Сенга бор кучини сарфласалар	جَاهِدَاكَ
Юмшоқлик ва мулойимлик билан	مَعْرُوفًا
Аллоҳ таоло тоатига қайтган кишининг йўлига	سَبِيلَ مَنْ أَنَابَ
Ўша ёмон хислат	إِنَّهَا
Оғирлик	مِثْقَالَ
Кичик, қора донлари бор ўсимлик	خَرْدَلٍ
Аллоҳ таоло вожиб қилган ишлардандир	مِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ
Юзингни кибрга (манманликка) мойил қилма	لَا تُصَغِّرْ خَدَّكَ
Қаттиқ хурсанд ва ғайратчан бўлиб	مَرَحًا
Юришида қаттиқ кибрланувчи	مُخْتَالٌ
Тез ва секин юриш орасидаги йўлни тут	إِقْصِدْ
Паст қил	اغْضُضْ
Энг ҳунук овоз	أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Луқмони Ҳаким саййидимиз Довуд алайҳиссалом замонларида яшаб ўтган, Бани Исроиллик, ўғил фарзандли, ақлли бир киши бўлган. У зот ўғлини гўзал ахлоқлар билан тарбия қилмоқчи бўлиб, унга қуйидаги насихатларни қилган:

1. Аллоҳ таолога шерик келтирмаслик; Чунки ким Аллоҳга бирор-бир кишини шерик қилса, золим бўлади. Чунки у ҳамма нарсани яратишга қодир Аллоҳ таоло билан бирор нарсани яратишга қодир бўлмаган бут-санамлар орасини ибодат борасида тенглаштирган бўладилар.

Ҳолбуки, Аллоҳ таоло инсонга ота-онасига итоат этиш ва уларга чиройли муомала қилишни буюрди. Чунки она қорнида боласини тўққиз ой кўтариб юрди, туғиш жараёнида ва икки йилга яқин вақт эмизиш пайтида қаттиқ машаққат чекди. Ота эса боласи учун озуқа топишда, унга таълим-тарбия беришда қийинчиликларни бошидан ўтказди. Демак, ота-оналар фарзандлари томонидан юксак эътибор ва итоатга ҳақлидирлар. Албатта, Аллоҳ таоло инсонни Аллоҳга ширк келтириш борасидагина ота-онасига итоат этишдан қайтарди. Агар улар бу ишга фарзандини ундашга бор кучларини сарфласалар, уларга муҳолафатда бўлиши лозим. Лекин, фарзанд бунда бошқа барча ишларда Аллоҳ таолонинг солиҳ бандаларига эргашиб, доим ота-оналарига яхшилик қилишда бардавом бўлишлари ва улар билан бу дунёда фақат ва фақат, яхшилик ила яшашлари лозим ва лобуддир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло қиёмат куни ҳар бир инсонни қилган амалларига мувофиқ жазолайди.

2. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани ихота қилувчи эканини, осмонлар-у ерда У Зотга бирор-бир нарса махфий эмаслиги, катта бўлсин кичик бўлсин инсонларни қилган яхшиликлари ва ёмонликларига кўра ҳисоб-китоб қилишларини билиш;

3. Намозни адо қилишга, инсоларни яхшилик томон йўналтиришга, уларни ёмонликдан қайтаришга, мусибатлар етганда чиройли сабр этишга риоя

қилдириш; Чунки буларнинг барчаси инсон манфаатларини ислоҳ қилиш учун Аллоҳ таоло уларга вожиб қилган ишлардандир.

4. Инсонларга кибрланмаслик, каттиқ хурсандчилик ва ғайратчанлик инсонни виқор, вазминлик ва жиддийлик доирасидан чиқариб юбормаслик; Сабаби Аллоҳ таоло ўзича кеккайиб, фахрланиб юрувчи мутакаббирни яхши кўрмайди.

5. Юришда жуда тез ва секинлик орасида ўртача бўлиш, гапирганда ёки бировни чақирганда овозни муносиб миқдордан юқори кўтармаслик. Чунки инсон эшакларнинг хунук овози ва шунга ўхшаш инсоннинг овозларидан озор чекканидек, баланд овозлар билан ҳам азият чекадилар.

Одоб бериш ва насиҳат қилиш:

1. Оталар ўз болаларига насиҳат қилишлари лозимлиги; чунки улар бошқалардан кўра бу ишга ҳақлироқдирлар.

2. Отанинг ўғлига қилган насиҳати Аллоҳ таолога маъсият бўлмаса, унга қулоқ солишлари вожиблиги;

3. Ҳар бир инсон ўз ота-онасига, агар улар кофир бўлсалар ҳам яхшилик қилишлари лозимлиги;

4. Намозни қоим қилишда бардавом бўлиш, амри маъруф, наҳий мункар қилиш, азиятларга сабр қилиш, овозни пасайтириш ва кибрни тарк қилиш;

ЛАЙЛ СУРАСИ.

وَاللَّيْلِ إِذَا يَغْشَىٰ

Қасамёд этаман қоплаб келаётган тун билан,

وَالنَّهَارِ إِذَا تَجَلَّىٰ

ёришиб келаётган кун билан,

وَمَا خَلَقَ الذَّكَرَ وَالْأُنثَى

(Аллоҳ) яратган эркак ва аёл биланки,

إِنَّ سَعْيَكُمْ لَشَتَى

албатта, сизларнинг саъй-ҳаракатингиз турличадир!

فَأَمَّا مَنْ أَعْطَى وَاتَّقَى

Бас, кимки (закот ва садақотларни) берса ва (Аллоҳдан) қўрқса,

وَصَدَّقَ بِالْحُسْنَى

хамда гўзал (нарс)ни* тасдиқ этса,

* Гўзал нарсдан мурод ислом дини ёки жаннат ёхуд имон калимаси.

فَسَنِيسِرُهُ لِلْيُسْرَى

бас, унга осонликни муяссар қилурмиз.

وَأَمَّا مَنْ بَخِلَ وَاسْتَغْنَى

Аммо кимки бахиллик қилса ва (ўзини) беҳожат (бой) санаса,

وَكَذَّبَ بِالْحُسْنَى

хамда гўзал (нарс)ни ёлғонга чиқарса,

فَسَنِيسِرُهُ لِلْعُسْرَى

бас, унга оғирликни муяссар қилурмиз.

وَمَا يُغْنِي عَنْهُ مَالُهُ إِذَا تَرَدَّى

(У) ҳалок бўлган вақтида бойлиги унга фойда бермагай.

إِنَّ عَلَيْنَا لَلْهُدَى

Албатта, хидоят (тўғри йўлга йўллаш) фақат Бизнинг зиммамиздадир.

وَإِنَّ لَنَا لَلْآخِرَةَ وَالْأُولَى

Ҳақиқатан, охираат ҳам, дунё ҳам ёлғиз Бизнинг тасарруфимиздадир.

فَأَنْذَرْتُكُمْ نَارًا تَلَظَّى

Сизларни (Қуръон ва пайғамбар орқали) ловуллаб ёнувчи дўзах ҳақида огоҳлантирдим.

لَا يَصْلَاهَا إِلَّا الْأَشْقَى

Унда фақат бахтсиз (одам) куйгай.

الَّذِي كَذَّبَ وَتَوَلَّى

Қайсики, (динни) инкор этиб, (итоатдан) бош тортган бўлса.

وَسَيُجَنَّبُهَا الْأَتْقَى

Тақволи киши эса ундан (дўзахдан) узоқлаштирилур.

الَّذِي يُؤْتِي مَالَهُ يَتَزَكَّى

Қайсики, у мол-давлатини (яхшилиқ йўлида) сарф қиладиган бўлса.

وَمَا لِأَحَدٍ عِنْدَهُ مِنْ نِعْمَةٍ تُجْزَى

Унинг (сарф қилувчининг) ҳузурида (зиммасида) бирор кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир.

إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ رَبِّهِ الْأَعْلَى

У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг «юзи»ни истаб (эхсон қилур).

وَلَسَوْفَ يَرْضَى

(У) яқинда (қиёмат куни ато этилажак мукофотдан) рози бўлур.

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларнинг шарҳи

Оят лафзлари

Ўз зулумати билан кундузнинг зиёсини яширганда

يَعِشَى

Очилиб, зоҳир бўлганда

يَخْلَى

У зотнинг яратиши билан қасам

وَمَا خَلَقَ

Албатта, амалларингиз ҳар хилдир	إِنَّ سَعْيَكُمْ لَشَتَّىٰ
Бошқаларидан гўзалроқ бўлган яхши хислатлар	بِالْحُسْنَىٰ
Уни жаннатга киришга муяссар қилурмиз	فَسَنُيَسِّرُهُ لِلْيُسْرَىٰ
Дўзахга	لِلْعُسْرَىٰ
Тушиб кетиб, ҳалок бўлади.	تَرَدَّىٰ
Ҳақ томон йўналтириш	لِلْهُدَىٰ
Дунё ва охираат	لِلْآخِرَةِ وَالْأُولَىٰ
Сизларни огоҳлантирдим ва кўрқиттим	أَنْذَرْتُمْكُمْ
Ловиллаб ёниб турган	تَلَطَّىٰ
Унинг иссиғига бардош беради	يَصْلَاهَا
Кофир	الْأَشْقَىٰ
Иймондан юз ўгирса	تَوَلَّىٰ
Маъсиятларни қилмайдиган тақводор ундан узоклаштирилади	وَسَيُجَنَّبُهَا الْأَتْقَىٰ
Аллоҳ юзини (розилигини) қасд қилади (истайди)	يَتَرَكَّىٰ
Мукофотланади, жазоланади	بُحْرَىٰ

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Аллоҳ таоло зулмат қоплаб келаётган тун, ёришиб келаётган кун, эркак ва аёлни яратиши ва улардаги Ўз қудратининг кўринишлари билан барча инсон амаллари сифат ва оқибатларида ҳар хиллиги ҳақида қасам ичяпти. Инсон амалларидан сахийлик ва бахиллик, гўзаллик ва ҳунуклик каби амалларнинг ҳар хиллиги унга савоб ё иқоб бўлишини тақозо қилади.

2. Аммо, кимки мискинларнинг ҳожатини тўсиш ёки яхши ишларни қилишга ёрдам бериш учун молини ато этса ва ёмонликдан, инсонларга азият етказишдан қўрқса, фазилатли ишларни қилиш ва разил ишлардан узоқ бўлишни инсоннинг зийнатларидан деб эътиқод қилса, Аллоҳ таоло уни жаннатга киришга муяссар қилур.

3. Аммо, ким молида бахиллик қилса, ундан яхшилик йўлида бирор нарса инфоқ қилмаса, ёки ўз лаззатлари йўлида инфоқ қилса, қўлидаги моли билан ўзини инсонлардан беҳожат санаса, ундан фақир ва мискинларга ато қилмаса, ватани ва умматига манфаат келтирадиган ишларда иштирок этмаса, ўз зиммасидаги сўровчи ва маҳрумнинг ҳаққини инкор қилса, Аллоҳ таоло уни дўзахга киришга муяссар қилур. Вафот этганда мол дунёси ундан бирор нарсани беҳожат қила олмас. Унинг борадиган жойи жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон борадиган жойдир.

4. Аллоҳ таоло инсон учун уни яхшилик сари етаклайдиган ва ёмонликдан қайтарадиган ақл яратганини баён қилди. Энди яхшилик йўлини тутиб бахтли бўлиш мумкин ёки ёмолик йўлида юриб бадбахт бўлиш мумкин. Дунё ва охираат ишлари Аллоҳ таолонинг қўлида. У Зот бандаларининг ишларида қандай хоҳласа, шундай тасарруф қилади.

5. Аллоҳ таоло биз бандаларига раҳм-шафқат қилгани учун ҳам охираатда кофирлар ва ҳақдан юз ўгириб кетган осийларга тайёрлаб қўйган ва ловиллаб ёнадиган дўзах азобидан бизни қўрқитди. Аммо, муҳтожларга ёрдам бериш, ватанига манфаат олиб келадиган яхши ишларда ўзаро шерикчиликларда молларини инфоқ қиладиган тақводорлар бу ишлари билан фақат ёлғиз Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлайдилар, шуҳратпарастликни, мақтанишни, раҳмат

эшитишни, бировга чиройли кўринишни ирода қилмайдилар. Улар молларини бериш эвазига Аллоҳ таолодан мукофот истайдилар. Қиёмат куни Аллоҳ таоло улардан рози бўлади ва уларни қилган яхшиликларига кўра гўзал мукофотлар ила мукофотлайди.

Одоб бериш ва насихат қилиш:

1. Молни яхши йўлларга сарфлашга қизиқтириш;
2. Ким молини инсонларга сарфласа, уларга ёрдам берса, Аллоҳ таоло уни жаннатга ва бахиллик қилган кишини дўзахга киргизади деб, эътиқод қилиш;

АҲҚОФ СУРАСИ 29-33-ОЯТЛАР.

وَإِذْ صَرَفْنَا إِلَيْكَ نَفَرًا مِّنَ الْجِنِّ يَسْتَمِعُونَ الْقُرْآنَ فَلَمَّا حَضَرُوهُ قَالُوا أَنصِتُوا فَلَمَّا قُضِيَ وَلَّوْا إِلَىٰ قَوْمِهِمْ مُنْذِرِينَ

(Эй, Мухаммад!) Эсланг, ҳузурингизга бир гуруҳ жинларни Қуръон тингласинлар, деб юборган эдик*. Бас, қачонки, улар ҳозир бўлишгач, (бир-бирларига): «Жим бўлингиз!» – дедилар. Бас, қачонки, (тиловат) тугатилгач, улар ўз қавмлари олдига огоҳлантирувчи бўлган ҳолларида қайтиб кетдилар. Жинларнинг адади 7 ёки 9 нафар эди, дейилган. Улар келиб Расул (а.с.)ни таҳажжуд ёки бомдод намозида топадилар ва қилган қироатини тинглайдилар. Бошқа ривоятда Абдуллоҳ ибн Масъуд (рз.) билан Макканинг юқори томонидаги Хужун номли қояга борадилар ва Абдуллоҳ (рз.)ни ўша ерда қолдириб, бироз нари кетадилар. Қайтиб келиб жинлар тўдасига “Алақ” сурасини ўқиб берганлари ривоят қилинган.

قَالُوا يَا قَوْمَنَا إِنَّا سَمِعْنَا كِتَابًا أُنزِلَ مِن بَعْدِ مُوسَىٰ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ يَهْدِي إِلَى الْحَقِّ وَإِلَىٰ طَرِيقٍ مُّسْتَقِيمٍ

Улар дедилар: «Эй, қавмимиз! Дарҳақиқат, биз Мусодан кейин нозил қилинган, ўзидан олдинги (илоҳий китоб)ларни тасдиқ қилувчи ҳақ (дин)га ва тўғри йўлга ҳидоят қиладиган бир Китобни (Қуръонни) тингладик.

يَا قَوْمَنَا أَجِيبُوا دَاعِيَ اللَّهِ وَآمِنُوا بِهِ يَغْفِرَ لَكُمْ مِّنْ ذُنُوبِكُمْ وَيُجِرْكُمْ مِنْ عَذَابٍ أَلِيمٍ

Эй, қавмимиз! Аллоҳнинг даъватчиси (Муҳаммад)ни қабул қилингиз ва унга имон келтирингиз! (Шунда Аллоҳ) гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларга аламли азобдан паноҳ берур.

وَمَنْ لَا يُجِبْ دَاعِيَ اللَّهِ فَلَيْسَ بِمُعْجِزٍ فِي الْأَرْضِ وَلَيْسَ لَهُ مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءُ أُولَئِكَ فِي ضَلَالٍ مُبِينٍ

Ким Аллоҳнинг даъватчисини қабул қилмаса, бас, у ер юзида қочиб қутулувчи эмасдир ва унинг учун (Аллоҳдан) ўзга «дўстлар» ҳам йўқдир. Ана ўшалар аниқ залолатдадирлар».

أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّ اللَّهَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَمْ يَعْزِبْ عَنْهُمْ بِخَلْقِهِمْ بَقَادِرٍ عَلَىٰ أَنْ يُحْيِيَ الْمَوْتَىٰ بَلَىٰ إِنَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

Ахир, улар (охиратни инкор этувчилар) осмонлар ва Ерни яратган, уларни яратишда чарчамаган Аллоҳ ўликларни тирилтиришга ҳам қодир эканини (ўйлаб) кўрмадиларми?! Йўқ! Албатта, У барча нарсага қодирдир.

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларнинг шарҳи

Оят лафзлари

Юбордик

صَرَفْنَا

Жамоани

نَفَرًا

Аллоҳнинг махлуқи. Кўзларимиз билан сезмаймиз

الْحَيِّ

Унга қулоқ солинглар

أَنْصِتُوا

Қироатдан фориг бўлгач

فُضِي

Қайтиб кетдилар

وَلَّوْا

Ундан олдин ўтган китобларни

لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ

У - Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам

دَاعِيَ اللَّهِ

Баъзи гуноҳларингизни	مِنْ ذُنُوبِكُمْ
Сизларни қутқарур	يُجِزُكُمْ
Аллоҳ таолодан қочиб, У Зотни ожиз қолдиролмади	بِمُعْجِزٍ فِي الْأَرْضِ
Ундан бошқа	مِنْ دُونِهِ
Уни ҳимоя қиладиган ёрдамчилари	أَوْلِيَاءُ
Машаққат чекмади	لَمْ يَغْيِ

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Аллоҳ таоло жинларни оловдан яратган. Улар ҳам ейди, ичади, ҳар хил сурат ва шаклларга кира олади, яширинишга ҳам қодир, олдимиздан ўтади, лекин биз уни кўрмаймиз. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари билан бомдод намозини ўқиб турганларида жинлардан бир жамоа улар ёнидан ўтиб қолди. Улар Пайғамбар алайҳиссаломнинг намоздаги қироатларини эшитганда, баъзиси баъзисига: “Жим бўлинглар, Қуръонни эштайлик” деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қироатдан фориғ бўлгач, улар иймон келтирдилар ва ўз қавмларига қайтиб бориб, уларга эшитган Қуръонларини хабар берди ва иймон келтирмасалар Аллоҳ таоло уларни азоблашини айтиб кўрқитди.

2. Улар айтдилар: “Эй қавмимиз, Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга нозил қилган Тавротдан кейинги, ўзидан олдинги барча қитобларни тасдиқловчи, инсонларни тўғри йўл ва ҳақ динга ҳидоят қиладиган, Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинган китобни эшитдик. Эй қавмимиз, Аллоҳ таолога иймон келтиришга даъват қилаётган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ижобатини қабул қилинглари. Шунда Аллоҳ таоло баъзи бир гуноҳларингизни кечирур ва қиёмат куни аламли азобдан қутқарур. Ким Аллоҳ таолога иймон

келтирмаса, Аллоҳ уни куфр келтиргани учун иқоблар. Ҳеч ким У Зотнинг азобидан ҳеч қаерга қочиб қутула олмайди. У ҳаққа бўйин сунмагани учун қиёмат куни қайта тирилганда ҳар қандай ёрдамчилари ҳам уни Аллоҳ таоло азобидан қутқара олмас”.

Қиёмат куни қайта тирилишни инкор қилувчи бу кимсалар Аллоҳ қударти нишонларини кўрмайдиларми? Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло осмонлар-у ерларни ва улардаги юлдузлар, тоғлар ва анҳорларни яратган ва уларни яратиш Аллоҳ таолога нисбатан қийинчилик туғдирмаган. Шундай экан, қандай қилиб, Аллоҳ таоло қиёмат куни ўликларни қайта тирилтиришдан ожиз қолади?! Ҳеч шакшубҳа йўқки, Аллоҳ таоло ҳамма нарсага қодирдир.

Одоб бериш ва насихат қилиш:

1. Жинларнинг борлигига ва улар ҳам Аллоҳ таолонинг махлуқлари эканига эътиқод қилиш;

2. Баъзи фирибгарларнинг ўйлаган қуйидаги гумонлари ёлғон ва залолатдир: “Жинлар инсонларнинг молларини тортиб олиш, фойда ёки зарар бериш борасида хизмат воситаси қилинади”.

3. Баъзи инсонларнинг: “Ташландиқ уйларни девлар бошпона қилиб олади ёки бир киши қатл қилинган маконларда улар кўзга кўринади”, деб ўйлаган гумонлари ботил хурофотлардандир.

ЗУМАР СУРАСИ 60-75-ОЯТЛАР.

وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ تَرَى الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَى اللَّهِ وُجُوهُهُم مُّسْوَدَّةٌ أَلَيْسَ فِي جَهَنَّمَ مَثْوًى لِّلْمُتَكَبِّرِينَ

Қиёмат кунида Аллоҳ шаънига ёлғон сўзлаган кимсаларни юзлари қорайган ҳолда кўрасиз. Жаҳаннамда мутакаббир кимсалар учун жой йўқмиди?! (Албатта, бор)

وَيُنَجِّي اللَّهُ الَّذِينَ اتَّقَوْا بِمَفَازَتِهِمْ لَا يَمَسُّهُمُ السُّوءُ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ

Аллоҳ, такво қилган зотларни ютуқлари сабабли (охират азобидан) қутқарур, уларга бирор нохушлик ҳам етмас ва улар ғамгин ҳам бўлмаслар.

اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ

Аллоҳ барча нарсанинг яратувчисидир. У барча нарсага вакил (ҳомий)дир.

لَهُ مَقَالِيدُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ اللَّهِ أُولَٰئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ

Осмонлар ва Ернинг калитлари Ундадир*. Аллоҳ оятларига кофир бўлган кимсалар – ана ўшаларгина зиён кўрувчилардир.

**“Еру осмонларнинг калитлари Ундадир” деганда уларнинг тасарруфи Унинг қўлида, қандай хоҳласа, шундай бошқаради, деб тафсир қилинади. Оятнинг яна бошқача тафсири ҳам бор. У ҳам бўлса, Усмон (рз.) бир куни Расул (а.с.)дан мазкур оятнинг тафсирини сўраганида Еру осмондаги яхшиликларга эришиши учун ўқиладиган махсус такбир, ҳамду сано ва тамжид калималарини ўқиб кўрсатиб берган эканлар (Мд.).*

قُلْ أَفَعَيَّرَ اللَّهُ تَأْمُرُونِي أَعْبُدُ أَيُّهَا الْجَاهِلُونَ

(Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Ҳали сизлар мени Аллоҳдан ўзгага ибодат қилишга буюряпсизми, эй, нодонлар!»

وَلَقَدْ أُوحِيَ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ لَئِنْ أَشْرَكْتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ

Дарҳақиқат, Сизга ва Сиздан олдинги (пайғамбарларга) (шундай) ваҳий қилинган эди: «Қасамёд этаманки, агар мушрик бўлсанг, албатта, қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурсан!»

بَلِ اللَّهُ فَاعْبُدْ وَكُنْ مِنَ الشَّاكِرِينَ

Балки фақат Аллоҳгагина ибодат қилгин ва шуқр қилувчилардан бўлгин!»

وَمَا قَدَرُوا اللَّهَ حَقَّ قَدْرِهِ وَالْأَرْضُ جَمِيعًا قَبْضَتُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَالسَّمَاوَاتُ مَطْوِيَّاتٌ بِيَمِينِهِ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ

Улар Аллоҳни ҳаққоний (равишда) кадрламадилар (танимадилар). Бутун Ер қиёмат кунда Унинг бир тутамидир. Осмонлар эса, Унинг «қўли»га йиғилувчидир*. У уларнинг келтираётган ширкларидан пок ва юксакдир!

** Муширлар Аллоҳнинг қанчалик буюк қудрат ва ҳикмат соҳиби эканини идрок этмасдан, Уни қўйиб, заиф ва хор нарсаларга сизинганлари учун оятда Еру осмонлар шунча улкан мавжудот бўла туриб, Аллоҳнинг буюклиги олдида бир сиқим ёки бир тутам нарса экани эслатилмоқда. Шояд, шунда Уни тўғри қадрласалар. Лекин уларнинг аксарияти илоҳий ўғитларни қабул қулоғи билан тингламаслар.*

وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَصَعِقَ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ إِلَّا مَنْ شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ نُفِخَ فِيهِ أُخْرَىٰ فَإِذَا هُمْ قِيَامٌ يَنْظُرُونَ

Сур чалиниши билан осмонлар ва Ердаги бор жонзот ўлади, илло Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолурлар)*. Сўнгра у яна бир бор чалинганда, ногоҳ улар (барча халойиқ тирилиб, қабрларидан) туриб, (Аллоҳнинг амрига) қараб тургайлар.

**Исрофил (а.с.) биринчи марта сурни чалганида ҳамма жонзот ўлиб, фақат Жаброил, Мекоил, Исрофил, Азроил, Ариши кўтариб турувчи фаришталар, жаннат ризвони (ходимлари), ундаги ҳурлар, дўзах ходимлари тирик қолурлар (Мд.).*

وَأَشْرَقَتِ الْأَرْضُ بِنُورِ رَبِّهَا وَوُضِعَ الْكِتَابُ وَجِيءَ بِالنَّبِيِّينَ وَالشُّهَدَاءِ وَقُضِيَ بَيْنَهُم بِالْحَقِّ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ

Ер (махшаргоҳ) Парвардигорининг нури билан ёришур; китоб (номаи аъмол ҳозирлаб) қўйилур; пайғамбарлар ва гувоҳлар (фаришталар) келтирилади ва уларнинг ўрталарида зулм қилинмаган ҳолда ҳаққоний ҳукм қилинади.

Абу Мансур Мотуридий (рх.) сўзига кўра, қиёмат кун маҳшаргоҳ қуёш нури билан эмас, балки Ўзининг махсус яратадиган нури билан ёритилиши мумкин (Мд.).

وَوُفِّيَتْ كُلُّ نَفْسٍ مَّا عَمِلَتْ وَهُوَ أَعْلَمُ بِمَا يَفْعَلُونَ

Ҳар бир жонга қилган амали (учун мукофот ёки жазо) комил қилиб берилади. У уларнинг (дунёда) қилаётган ишларини жуда яхши билувчидир.

وَسِيقَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ زُمَرًا حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوهَا فَفُتِحَتْ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا أَلَمْ يَأْتِكُمْ رُسُلٌ مِّنكُمْ يَتْلُونَ عَلَيْكُمْ آيَاتِ رَبِّكُمْ وَيُنذِرُونَكُمْ لِقَاءَ يَوْمِكُمْ هَٰذَا قَالُوا بَلَىٰ وَلَكِنْ حَقَّتْ كَلِمَةُ الْعَذَابِ عَلَى الْكَافِرِينَ

Кофир бўлган кимсалар гуруҳ-гуруҳ қилиниб, жаҳаннамга ҳайдалур. То қачонки, улар (жаҳаннамга) келганларида, унинг дарвозалари очилади ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизларга ўзларингиздан бўлган пайғамбарлар – Раббингиз оятларини сизларга тиловат қилиб сизларни мана шу кунингиздаги мулоқотдан огоҳланиш учун келмаганмидилар?» – деганларида, улар: «Ҳа, (келганлар), лекин (Аллоҳнинг) азоб лафзи* кофирлар бўйича ҳақ бўлиб чиқди»,– дейдилар.

* Қуръонда “Калиматул-азоб”, “қавл” сўзлари кўп келади. Улардан мурод Аллоҳ таоло ўзининг азалий илми билан куфрни ихтиёр қилувчиларни олдиндан билгач, уларни кофирлик ҳолларида дунёдан ўтиб, дўзахда азобланадилар, деб қўйгани ёки Қуръоннинг тўрт жойида “жаҳаннамни тўлдираман” деган оят бор. Демак, Аллоҳ лафз қилиб қўйган. Шу лафзини муносиб жойларда эслатиб туради.

قِيلَ ادْخُلُوا أَبْوَابَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا فَبِئْسَ مَثْوَى الْمُتَكَبِّرِينَ

(Шунда уларга) айтилади: «Жаҳаннам дарвозаларидан кирингиз! Сизлар ўша жойда мангу қолурсиз!» Бас, кибри кимсаларнинг жойлари нақадар ёмон!

وَسِيقَ الَّذِينَ اتَّقَوْا رَبَّهُمْ إِلَى الْجَنَّةِ زُمَرًا حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوهَا وَفُتِحَتْ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا سَلَامٌ عَلَيْكُمْ طِبْتُمْ فَادْخُلُوهَا خَالِدِينَ

Парвардигорларидан қўрққан тақволи зотлар ҳам гуруҳ-гуруҳ ҳолда жаннатга бошлаб борилур. То қачонки, улар унинг дарвозалари очилган ҳолда эканида етиб келганларида ва унинг қўриқчилари: «Сизларга салом! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда кирингиз!» – деганларида (улар беҳад шодланурлар).

وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي صَدَقْنَا وَعَدَهُ وَأَوْرَثَنَا الْأَرْضَ نَتَبَوَّأُ مِنَ الْجَنَّةِ حَيْثُ نَشَاءُ فَنِعْمَ أَجْرُ الْعَامِلِينَ

Айтурлар: «Бизларга рост ваъда қилган ва бизларни (бу) ерга ворис қилган Аллоҳга ҳамдқи, жаннатдан ўзимиз хоҳлаган ердан ўрин оляпмиз», – дерлар. Бас, (шу дунёда солиҳ) амал қилувчиларнинг (жаннатдаги) мукофоти нақадар яхшидир!

وَتَرَى الْمَلَائِكَةَ حَافِينَ مِنْ حَوْلِ الْعَرْشِ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ رَبِّهِمْ وَقُضِيَ بَيْنَهُمْ بِالْحَقِّ وَقِيلَ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

(Эй, Муҳаммад!) Сиз (ўша кунда) фаришталар Арш атрофини ўраб олиб, Парвардигорларига ҳамд билан тасбеҳ айтаётганларини кўрасиз. (Зеро) уларнинг (пайғамбарлар ва умматларининг) ўрталарида ҳаққоний ҳукм қилинди ва «Ҳамд (барча) оламларнинг Парвардигори Аллоҳгадир!» дейилди.

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларнинг шарҳи

Улар Аллоҳ таолони У Зотга лойиқ бўлмаган (Аллоҳ Ўзига ўғил ва аёл тутиши каби) сифатлар билан сифатладилар.

Бошпана

مَثْوًى

Ютуққа эриши ва азобдан нажот топишлари билан

بِمَعَارِزِهِمْ

Аллоҳ таоло бандалари борасида Ўзи хоҳлаганидек тасарруф қилувчи

وَكَيْلًا

Мулки

مَمَالِكُهُ

Албатта зое бўлиб кетур

لَيَحْبَطَنَّ

Уларни Аллоҳ таолони ҳақиқий танимадилар

مَا قَدَرُوا اللَّهَ

Аллоҳнинг мулки ва тасарруфида	قَبَضَتْهُ
Унда Ўз қудрати билан тасарруф қилади.	مَطُورَاتٌ بِمِيزِهِ
Инсонларга қиёматнинг яқинлиги билдирилур. Сур-Карнай	نُفِخَ فِي الصُّورِ
Ўлади, вафот этади	صَعِقَ
Тирик қолишини ирода қилганлари, баъзи фаришталар каби	مَنْ شَاءَ اللَّهُ
Аллоҳ таоло бизларга нима қиларкин деб, қараб турадилар	يَنْظُرُونَ
Зиё таратганда	أَشْرَقَتْ
Амаллар саҳифаси	وَضِعَ الْكِتَابُ
Жамоа-жамоа	زُمَرًا
Унинг қўриқчилари	حَزَنَتْهَا
Маъсият кирларидан покландингизлар	طِبْتُمْ
Бизга жаннатдан макон-жой берди	أَوْرَثْنَا الْأَرْضَ
Тушамиз	نَبَّأُ
Ўраган ҳолларида	خَافِينَ

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Аллоҳ таоло муминлар ва кофирларнинг аҳволини ва қиёмат куни қайта тирилиш даҳшатларини сифатлаб, У Зотнинг ёлғиз Зотлигини эътироф этмай,

Унинг ўғли ёки отаси бор дейдиганлар жаҳаннам азобига йўлиққанларида уларнинг юзлари қорайиб кетишини баён қилди.

2. Аллоҳ таоло муминларни нажот ва ютуқлари билан кутқарур, уларга бирор бир ёмонлик ва хафагарчилик етмайди. Аммо кофирлар, Аллоҳ таолонинг раҳматидан узоқ, У Зотнинг азобига ҳақли бўлган зиён кўрувчилардир.

3. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло осмонлар-у ерни ёлғиз Ўзи яратган ва ундаги барча махлуқотлар борасида Ўз иродасига кўра тасарруф қилади.

4. Аллоҳ таоло Кофирларга танбеҳ берди. Чунки улар У Зотнинг ёлғиз Ўзигагина ибодат қилишлари эвазига Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ўз илоҳларига бир йил ибодат қилишга даъват қилган эдилар. Аллоҳ таоло бундай калтафаҳм кимсаларни жоҳил деб сифатлади ва барча Пайғамбар алайҳиссаломларга қуйидагича ваҳй қилганини баён қилади: “Ким Аллоҳга ибодат қилишда У Зотга бирор нарсани шерик қилса, қилган яхши амалларининг савоби зоя кетади ва бу қилган иши унга зиён келтиради. Чунки, ибодат – Аллоҳ таолонинг кўплаб неъматларига шукрона тарзда фақат У Зотнинг Ўзигагина бўлади”.

5. Бут-санамларга ибодат қилган кишининг ақлсизлиги, идроки заифлиги, Аллоҳ таоло ҳақиқий улуғлай олмаганига далолат қилишида ҳеч қандай шакшубҳа йўқ. Зеро, қандай қилиб тош ва ёғочлардан ясалган бут санамлар билан барча нарсага Қодир Аллоҳ таоло орасини тенглаштириш мумкин?! Ҳолбуки, Аллоҳ таоло осмонлар-у ерни ёлғиз Ўзи ийжод қилганидек, қиёмат куни уларнинг фоний бўлиши ҳам У Зотнинг кўлидадир.

6. Аллоҳ таолонинг хоҳиш иродаси ушбу оламнинг тугагини тақозо қилганда, осмонлар-у ердаги барча мавжудотлар вафот этур. Фақат У Зот тирик қолишини истаган муқарраб фаришталаргина қолур. Сўнгра Аллоҳ таолонинг хоҳиши халойиқнинг қабрларидан тирилишини тақозо қилганда, улар қабрларидан турганларида хайрон бўлиб, Раббимиз бизга нима қилар экан, деб қараб турадилар. Аллоҳ таоло бу оятда халойиқларни вафот этиши ва қайта

тирилишларида У Зотнинг амрига мунтазирликларини сурдаги овозни эшитиб, ўша нидога ижобат қилган аскарларга ўхшатди.

7. Сўнгра Ер Аллоҳ нури ила зиё таратур ва амаллар саҳифалари қўйилур. Аллоҳ таоло барча Пайғамбар алайҳиссаломларни ва уларга иймон келтирган зотларни Ўз рисолатини етказганлигига ва уларга қавмлари душманчилик қилганликларига гувоҳ бўлишлари учун улар орасини жамлайди. Ҳар ким ўз амалига яраша жазоланур.

8. Кофирлар жаҳаннамга жамоа-жамоа қилиниб, ҳайдаб борилур. Улар жаҳаннам ёнига келганларида унинг эшиклари очилади ва жаҳаннам қўриқчилари кофирларни қойиб: “Аллоҳ таолонинг ёлғиз Зот эканлигига сизлар учун ҳужжатларни қоим қиладиган, У Зотнинг қудрати аломатларини баён қиладиган ва дўзахга ҳайдалиб келинадиган мана шу кунларингиздан сизларни қўрқитадиган ўз жинсингиздан бўлган элчилар сизларга келмаганмиди?”, дейди. Шунда улар: “Ҳа, бизларга ўша Расуллар келганди, лекин бизларга бебошлигимиз ғолиб келиб, уларни ёлғонга чиқарган эдик”, дейди. Қўриқчилар уларга: “Жаҳаннам эшикларидан киринглар, у ерда абадий қолажаксизлар. Чунки сизлар ҳақни қабул қилишдан кибрландингизлар. Мана бу мутакаббирларнинг жазосидир”, дейдилар.

9. Қиёмат куни Аллоҳ таолонинг буюклиги тажаллий бўлур. Ўшанда сиз Аллоҳ таолонинг Аршини ўраб турган фаришталарни У Зотнинг зикридан тиллари узилмаган ҳолларида кўрасиз. Аллоҳ таоло халойиқлар орасида адолат ила ҳукм қилади. Улардан бахтли ва бахтсизлари бор. Бахтли кишилар: “Бизни иймонга ҳидоят қилган Аллоҳ таолога шукрлар бўлсин”, дерлар.

Одоб бериш ва насиҳат қилиш:

1. Бу оламнинг келажакда фоний бўлишига ва инсонлар қиёмат куни қабрларидан тирилишларига эътиқод қилиш;

2. Барча халойиқлар бу дунёда қилган амалларининг жазосига йўлиқишлари учун қиёмат куни улар гуруҳ-гуруҳ қилиниб, жаннатга ёки дўзахга ҳайдалурлар, деб эътиқод қилиш;

ШУАЪРО СУРАСИ 141-159-ОЯТЛАР.

كَذَّبَتْ ثَمُودُ الْمُرْسَلِينَ

Самуд (қабиласи ўтган барча) пайғамбарларни инкор этди.

إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخُوهُمْ صَالِحٌ أَلَا تَتَّقُونَ

Ўшанда биродарлари Солиҳ уларга айтган эди: «(Аллоҳдан) қўрқмайсизми?!»

إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ

Албатта, мен сизларга (Аллоҳ томонидан юборилган) ишончли пайғамбардирман!

فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا

Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга (даъватларимизни қабул этиб) итоат этингиз!

وَمَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَى رَبِّ الْعَالَمِينَ

Мен бу (даъватим) учун сизлардан мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир.

أَتَتْرَكُونَ فِي مَا هَاهُنَا آمِنِينَ

Сизлар тинчгина бу ердаги нарсаларга –

فِي جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ

боғлар, булоклар,

وَزُرُوعٍ وَنَخْلٍ طَلْعُهَا هَضِيمٌ

экинлар ва новдалари мулойим хурмо дарахтлари ичига (мангу) қўйиб қўйилурмисиз?! (Йўқ, балки бу неъматлар вақтинчадир)

وَتَنْحِتُونَ مِنَ الْجِبَالِ بُيُوتًا فَارِهِينَ

Яна усталик билан тоғлардан уйлар ҳам йўнмоқдасиз (ясамоқдасиз) ми?!

فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا

Бас, (ношукурлик қилишга) Аллоҳдан кўрқингиз ва менга итоат этингиз!

وَلَا تُطِيعُوا أَمْرَ الْمُشْرِكِينَ

(Ширк ва маъсиятлар билан) ҳаддан ошувчиларнинг амрига итоат этмангиз!

الَّذِينَ يُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ وَلَا يُصْلِحُونَ

Улар ер юзида бузғунчилик қилурлар ва (ҳеч нарсани) ислоҳ қила олмайдилар».

قَالُوا إِنَّمَا أَنْتَ مِنَ الْمُسَحَّرِينَ

Улар дедилар: «Сен (пайғамбар эмас, балки) аниқ сеҳрланган кимсалардандирсан.

مَا أَنْتَ إِلَّا بَشَرٌ مِثْلُنَا فَأْتِ بآيَةٍ إِنْ كُنْتَ مِنَ الصَّادِقِينَ

Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамдирсан. Бас, агар (даъвоингда) ростгўйлардан бўлсанг, бирор мўъжиза келтир!»

قَالَ هَذِهِ نَاقَةٌ لَهَا شِرْبٌ وَلَكُمْ شِرْبُ يَوْمٍ مَعْلُومٍ

У айтди: «(Менинг мўъжизам) мана шу туядир. (Маълум бир кун сув) ичиш навбати уникидир. Маълум бир кун эса сизларнинг ичиш навбатингиздир.

وَلَا تَمْسُوهَا بِسُوءٍ فَيَأْخُذَكُمْ عَذَابٌ يَوْمٍ عَظِيمٍ

Яна унга бирор ёмонлик етказа кўрмангиз, акс ҳолда сизларни улуг кун (қиёмат)нинг азоби тутар».

فَعَقَرُوهَا فَاصْبِرُوا نَادِمِينَ

Бас, улар (итоатсизлик қилиб туяни) сўйдилар-да, надомат қилувчиларга айландилар.

فَأَخَذَهُمُ الْعَذَابُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُؤْمِنِينَ

Уларни азоб тутди. Албатта, бунда аломат (ибрат) бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар.

وَإِنَّ رَبَّكَ هُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ

Албатта, раббингиз (барча нарсага) кудратли ва (бандаларига) раҳмлидир.

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларнинг шарҳи

Оят лафзлари

Ҳижоз ва шом орасидаги жойда яшайдиган араб қабилаларидан бирининг номи

مَثُودٌ

Жазо ва мукофот

أَجْرٍ

Менга жазо ва мукофот йўқ

إِنْ أَجْرِي

Сизлар фойдаланаётган неъматларда

فِي مَا هُنَا

Меваси жуда юмшоқ, ютиб юбориш осон

طَلَعَهَا هَضِيمٌ

Уни бино қилишда жуда мохир ва ғайратчан

فَارِهِينَ

Молларини фойдасиз ўринларга исроф қилиш билан фасод ишларни қилувчи

الْمُسْرِفِينَ

Сехр уларнинг ақлларини кетказган

الْمُسْحَرِينَ

Далил ва ҳужжат

بِآيَةٍ

Сувдан ичиш насибаси

شَرِبٍ

Унга (туяга) озор берманглар

لَا تَمْسُوها بِسَوْءٍ

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Самуд қабиласи – Ҳижоз ва Шом орасида яшаган, бут санамларга ибодат қиладиган араб қабилаларидан бири. Аллоҳ таоло ўша қавмдаги кишилардан бири – Солиҳ алайҳиссаломни Пайғамбарликка ихтиёр қилиб, у зотни Самуд қабиласига Расул қилиб юборди. Солиҳ алайҳиссалом уларга бут санамларга ибодат қилишни тарк этиш ва Ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилиш борасидаги Раббисининг буйруғини етказди. Улар Солиҳ алайҳиссаломни ёлғонга чиқариб, қаршилик қилдилар. Шунда Солиҳ алайҳиссалом уларга шундай деди: “Сизларга Раббимнинг рисолатини етказганим учун сизлардан ҳақ сўрамаётганимни била туриб, бундай қаршилик кўрсатишларингиз оқибатидан кўрқмайсизларми”!

2. Сўнг Солиҳ алайҳиссалом уларга қиёмат куни тирилиб, бу дунёда қилган амалларига кўра ҳисоб-китоб қилинишларини, Аллоҳ таоло бериб қўйган неъматлари – оқиб турувчи булоқлар суғорадиган ҳосилдор боғлари, экинзорлари, қалин ва зич меваларни ўстириб турган хурмозорлари, тоғу-тошлардан қурилган манзиллари бор ердан фойдаланиб, абадий қолишни таъма қилмасликларини хабар қилди ва уларга фасодчи мутакаббирларнинг фикрига бўйинсунмаслик тўғри йўл эканини кўрсатди.

3. Улар эса Солиҳ алайҳиссаломга: “Сен ақли кетган бир киши экансан”, деб эътироз билдирдилар. Чунки, Солиҳ алайҳиссалом уларни ота-боболари олдиндан ибодат қилиб келаётган бут санамлардан қайтарган эди. Улар: “Солиҳ алайҳиссалом ҳам биз каби Аллоҳ таолонинг бир бандаси, унда Аллоҳ элчиси эканига бир далил бўлса, ўша далилни келтирсин”, деди.

4. Солиҳ алайҳиссалом уларга шундай деди: “Мана бу туяни Аллоҳнинг ерида ўтлаб юришига тек қўйинглар, Аллоҳнинг азобидан қутулишларингиз учун бу туя борасида сизларга икки ишни васият қиламан:

1) Сув ичишда туя билан навбатлашасизлар. У бир кун ичса, сизлар бир кун ичасизлар;

2) Унга уриш ва ўлдириш каби бирор азият етказмайсизлар;

5. Лекин улар туяни ўлдирдилар. Сўнгра Солиҳ алайҳиссаломнинг таҳдидларини эслаб, қилмишларига пушаймон бўлдилар. Аллоҳ таоло уларни устларига осмондан туширган чакмоқ билан азоблаб, уйларини харобага айлантирди, ўзларини ҳалок этди. Солиҳ алайҳиссалом ва у зотга иймон келтирганларнинг барчаси нажот топдилар.

Одоб бериш ва насиҳат қилиш:

1. Аллоҳ таоло Ўз бандаларига берган неъматлари У Зотга осийлик қилиш ва пайғамларини ёлғонга чиқариш эмас, балки итоат этишини тақозо этиши;

2. Душманлик қилиш пушаймонлик ва зиён кўришга олиб келиши;

ОЛИ ИМРОН СУРАСИ, 45 – 60 – ОЯТЛАР.

إِذْ قَالَتِ الْمَلَائِكَةُ يَا مَرْيَمُ إِنَّ اللَّهَ يُبَشِّرُكِ بِكَلِمَةٍ مِنْهُ اسْمُهُ الْمَسِيحُ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ وَجِيهًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمِنَ الْمُقَرَّبِينَ

Эсланг, фаришталар: «Эй, Марям, Аллоҳ сенга Ўзининг «Калимаси»* хушxabарини берадиким, унинг исми Исо Масих ибн Марям бўлиб, (у) дунёю охирада обрўли ва (Аллоҳга) муқарраб (яқин) кишилардандир.

* Аллоҳнинг “Калимаси” — Исо (а.с.)ни “Бўл!” деган калима билан отасиз яратганидир (Лс.). Яна қ. ”Нисо” сураси, 171-оят.

وَيُكَلِّمُ النَّاسَ فِي الْمَهْدِ وَكَهْلًا وَمِنَ الصَّالِحِينَ

Одамлар билан гўдаклик чоғида ҳам, вояга етганда ҳам гаплашадиган, солиҳ бандалардан бўлур», – дедилар*.

* Исо (а.с.)нинг қиёматга яқин осмондан Ерга тушиши ҳақ эканига шу оят далил сифатида келтирилади (Хз.).

قَالَتْ رَبِّ أُنَى يَكُونُ لِي وَلَدٌ وَلَمْ يَمْسَسْنِي بَشَرٌ قَالَ كَذَلِكَ اللَّهُ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ إِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ

(Марям) деди: «Раббим, менга инсон (қўли ҳам) тегмаган бўлса, қаёқдан менга фарзанд бўлсин?» Аллоҳ айтди: «Шундай, (лекин) Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани яратаверади. Қачон бирор ишни тақдир этса (истаса), фақатгина унга «Бўл!» деса, бас, у бўлаверади».

وَيُعَلِّمُهُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَالتَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ

Унга (Исога Аллоҳ) ёзишни, (илму) хикматни, Таврот ва Инжилни таълим беради.

وَرَسُولًا إِلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَنِّي قَدْ جِئْتُكُمْ بِآيَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ أَنِّي أَخْلُقُ لَكُمْ مِنَ الطِّينِ كَهَيْئَةِ الطَّيْرِ فَأَنْفُخُ فِيهِ فَيَكُونُ طَيْرًا بِإِذْنِ اللَّهِ وَأُبْرِئُ

الْأَكْمَةَ وَالْأَبْرَصَ وَأُحْيِي الْمَوْتَىٰ بِإِذْنِ اللَّهِ وَأُنَبِّئُكُمْ بِمَا تَأْكُلُونَ وَمَا تَدَّخِرُونَ فِي بُيُوتِكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ

Шунингдек, уни Исроил авлодига пайғамбар (қилиб юборади ва у айтади): «Мен сизларга Раббингиз ҳузуридан (пайғамбарлигимга далолат қилувчи) мўъжиза билан келдим; мен сизларга лойдан қуш шаклини ясаб, унга дам урсам, у Аллоҳнинг изни билан (чинакам) қуш бўлади. Кўр ва песни тузатаман. Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман* ҳамда сизларнинг еяётган ва захирада сақлаётган нарсаларингизни айтиб бераман. Агар мўмин бўлсангиз, албатта, бу ишларда сизлар учун аломат бордир.* Исо (а.с.)га берилган мўъжизалардан бири ўликни тирилтириши бўлиб, Нуҳ (а.с.)нинг ўғли Сомни одамларнинг кўз ўнгида тирилтиргани ва ким қачон нима егани ҳамда нимани захира қилиб яшириб қўйгани тўғрисида кўрмасдан хабар бериши каби кўрсатган мўъжизалари билан ақлни лол қолдирганлари нақл этилади (Мд.).

وَمُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْ مِنَ التَّوْرَةِ وَلَا حِلَّ لَكُمْ بَعْضَ الَّذِي حُرِّمَ عَلَيْكُمْ وَجِئْتُكُمْ بِآيَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا

(Мен) ўзимдан олдинги (нозил этилган) Тавротни тасдиқлаш ва сизлар учун харом қилинган айрим нарсаларни ҳалол қилиб бериш учун келдим*.

Яна, сизларга Раббингиздан ҳужжат келтирдим. Шундай экан, Аллоҳдан кўрқингиз ва менга итоат қилингиз!

** Бани Исроил қавмига жазо юзасидан ҳайвон ёғи, туя гўшти, балиқ ва туёқли ҳайвонлар гўшти ҳаром қилинган эди. Исо (а.с.) яҳудийларга тақиқланган кўп нарсаларнинг ҳалол қилинишига сабабчи бўлдилар. Мусо (а.с.) шариатидаги бир неча ҳукмлар ўзгартирилди. Яҳудийларнинг байрам куни саналмиш шанба куни якшанба кунга ўтказилди (Хз.).*

إِنَّ اللَّهَ رَبِّي وَرَبُّكُمْ فَأَعْبُدُوهُ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ

Дарҳақиқат, Аллоҳ менинг Раббим ва сизнинг ҳам Раббингиздир. Бас, Унга ибодат қилингиз! Тўғри йўл шудир».

فَلَمَّا أَحَسَّ عِيسَى مِنْهُمُ الْكُفْرَ قَالَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ قَالَ الْحَوَارِيُّونَ نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ آمَنَّا بِاللَّهِ وَأَشْهَدُ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ

Исо улардан куфрни сезгач, айтди: «Аллоҳ сари (боришимда) менга ёрдамчилар ким?» Ҳаворийлар* айтдилар: «Биз Аллоҳ (динининг) ёрдамчиларимиз. Аллоҳга имон келтирдик ва Аллоҳга (бўйин сунувчи) мусулмон эканимизга (сен) гувоҳ бўлгин (эй, Исо)!

** Ҳаворийлар Исо (а.с.) нинг яқин ёрдамчилари бўлиб, улар аслида балиқ овлаш билан шуғулланар эдилар. Уларга мўъжиза кўрсатилгач, имон келтириб доимо Исо (а.с.)нинг хизматида бўлишган. Уларнинг кийимлари оқ рангда бўлгани ёки диллари пок бўлгани учун ҳаворийлар дейилган. Зеро, араб тилида “ҳавор” сўзи оқ рангни билдиради (Хз.).*

رَبَّنَا آمَنَّا بِمَا أَنْزَلْتَ وَاتَّبَعْنَا الرَّسُولَ فَاكْتُبْنَا مَعَ الشَّاهِدِينَ

Эй, Раббимиз, нозил қилган нарсанга имон келтирдик ва Пайғамбарга эргашдик. Шундай экан, бизни гувоҳлик берувчилар билан бирга (қўшиб) ёзгин!»

وَمَكْرُوا وَمَكَرَ اللَّهُ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمَاكِرِينَ

(Яҳудий кофирлари Исонинг қатли борасида) макр қилдилар. Аллоҳ ҳам «макр» қилди. Аллоҳ макр қилувчиларнинг яхшисидир.

إِذْ قَالَ اللَّهُ يَا عِيسَى ابْنُ مَرْجُومَ كَفَرْتُمْ بِمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ
إِذْ قَالَ اللَّهُ يَا عِيسَى ابْنُ مَرْجُومَ كَفَرْتُمْ بِمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ

Аллоҳ айтди: «Эй, Исо! Мен сени вафот эттирувчинг*, Ўзим сари кўтарувчинг, инкор этганлардан сени покловчинг (халос этувчинг) ҳамда сенга эргашганларни қиёмат кунигача кофирлардан юқори кўювчидирман. Сўнгра, Менга қайтурсиз. Ўшанда сизлар ихтилоф қилган (келиша олмаган) нарсалар борасида ўртангизда ҳакамлик қилурман.**

** Баъзи муфассирлар: “Бу ердаги “вафот” сўзи уйқу маъносидадир. Уни олдин ухлатиб қўйиб, сўнгра кўтарган ёки вафот эттириши осмонга кўтарилганидан кейиндир” – десалар, бошқалари жонсиз ҳолда кўтарилган, деб таъкидлайдилар. Биз – ҳанафийларнинг ақидамиз бўйича, Исо (а.с.) тирик ҳолда кўтарилган, деймиз. Оятни эса: "Эй, Исо! Мен сени ўз ажалинг билан вафот эттирувчиман, уларнинг қатли билан эмас”, – деб таъвил қиламиз.*

*** Оятдаги “эргашганлар”дан мурод Исо (а.с.)га имон келтирган мусулмонлар ёки насронийларнинг исломга кирганларидир. Шунингдек, оятда насронийлар ва уларнинг нотўғри эътиқод қилиб келаётган насроний дини қиёмат кунигача боқий қолишига ишорат ҳам бордир (Тб. Бг.).*

فَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَأَعَذَّبْنَاهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمَا هُمْ مِنْ نَاصِرِينَ

Бас, кофир бўлганларни дунё ва охирада шиддатли азоб билан азоблагайман. Улар учун ёрдамчилар бўлмас.

وَأَمَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَيُوَفِّيهِمْ أُجُورَهُمْ وَاللَّهُ لَا يَجِبُ الظَّالِمِينَ

Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга эса (Аллоҳ) мукофотни мукаммал берур. Аллоҳ золимларни ёқтирмас».

ذَلِكَ نَسَلُوهُ عَلَيْكَ مِنَ الْآيَاتِ وَالذِّكْرِ الْحَكِيمِ

Бу Сизга тиловат қилаётган оятларимиз ва ҳикматли зикр жумласидандир.

إِنَّ مَثَلَ عِيسَى عِنْدَ اللَّهِ كَمَثَلِ آدَمَ خَلَقَهُ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ قَالَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ

Албатта, Исонинг (отасиз туғилиш) мисоли, Аллоҳ наздида бамисоли Одам (а.с.) кабидирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра унга «Бўл!» деди, бас, (у) бўлди.

الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ فَلَا تَكُنْ مِنَ الْمُمْتَرِينَ

(Бу) Ҳақ (Сўз) Раббингиздандир. Бас, шубҳа қилувчилардан бўлмаг!

Оятдаги лафзлар шарҳи

Оят лафзларнинг шарҳи

Оят лафзлари

Хушхабар билан

بِكَلِمَةٍ

Муборак

الْمَسِيحِ

Обрўли, шарафли, қадрли

وَجِيهًا

Ёш болалигида

فِي الْمَهْدِ

Сочининг қораси оққа аралашган киши

كَهْلًا

Қандай (қандай) бўлади?

أَنَّى يَكُونُ؟

Турмушга чиқмаган бўлсам

لَمْ يَمَسَّ سِنِي بَشَرٍ

Ёзишни

الْكِتَابِ

Илм ва чиройли фаҳмни

الْحِكْمَةَ

Саййидимиз Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган китобни

التَّوْرَةَ

Саййидимиз Исо алайҳиссаломга нозил қилинган китобни

الْإِنْجِيلَ

Уни Ўз элчиси қилади

وَأَرْسُولًا

Яхудийлар

بَنِي إِسْرَائِيلَ

Расул эканимга далил ва ҳужжат

بِآيَةٍ

Кўр туғилган болаларни даволайман	أُبْرِئُ الْأَكْمَةَ
Махов касали билан касалланган танасида оқи бор одамни	الْأَبْرَصَ
Сақлаб қўясизлар	تَدَّخِرُونَ
Мендан олдинги нарсалар	لِمَا بَيْنَ يَدَيَّ
Аллоҳнинг динига ёрдам беришим учун ёрдамчиларим	أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ
Унинг ёрдамчиларидан ихлослилари	الْحَوَارِيُّونَ
Сенинг ёлғиз Зотлигингни эътироф этувчилар	الشَّاهِدِينَ
Макр қилиш тадбирини қиладилар	مَكْرُوا
Аллоҳ уларнинг тадбирларини ботил қилур	مَكْرَ اللَّهِ
Сенга ажалингни тўла қилиб бераман, сени ўлдришга ҳеч ким кодир бўлмас	مُتَوَفِّيكَ
Қадрингни кўтарувчиман	رَافِعُكَ إِلَيَّ
Сенинг рисолатингни тасдиқ қилганлар	اتَّبِعُوكَ
Эй мухаммад, сенга Исо алайҳиссаломнинг ишларини қисса қилиб берамиз	ذَلِكَ نَتْلُوهُ
Қуръони карим	الذِّكْرِ الْحَكِيمِ
Шак қилувчилар	الْمُمْتَرِينَ

ОЯТ МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

1. Саййидимиз Исо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг расулларидан биридир. У зот Тиббиёт соҳасида моҳирлик билан машҳур бўлган бир қавмга элчи қилиб юборилган. Бу оятларда Аллоҳ таоло бизларга Исо алайҳиссаломнинг қиссалари шундай баён қилади: “Жаброил алайҳиссалом Марям онамизга Исо исмли, мартабаси баланд, Аллоҳ таолога муқарраб банда, дунё ва охиратда

шани улуғ бўладиган, катта киши гапира олганидек, бешикдалигида гапира оладиган фарзанди бўлажанининг хушхабарини берди”.

2. Маря онамиз бундан ажабланиб: “Мен турмишга чиқмаган бўлсам, қандай қилиб менинг болам бўлади”, деди. Шунда Жаброил алайҳиссалом унга: “Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган нарсани яратади. Агар У Зот бирор нарсани яратишни хоҳласа, унга “Бўл”, дейди, кейин ўша нарсa бўлади”, деди.

3. Жаброил алайҳиссалом келажакда Марям онамизнинг отасиз ўғли бўлажанини билганда, у зотни хотиржам қилиш учун унга қуйидагиларни хабар қилди: “Аллоҳ таоло унга бошқа махлуқларда бўлмаган имтиёзни беради, унга ёзишни ўргатади, чиройли идрок ва фаҳм-фаросат беради, Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган Тавротни ўргатади, у зотнинг ўзига эса Инжилни нозил қилади ва уни яҳудийларга пайғамбар этиб танлайди”.

4. Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломни уларга пайғамбар қилиб юборганда, уларга шундай деди: “Мен сизларга Аллоҳнинг расулиман, сизларга пайғамбарлигим ростлигига ҳужжат келтираман, у ҳам бўлса, лойни қушга ўхшатиб ясайман ва унга пуфлайман. У Аллоҳ таолонинг қудрати билан тирик қушга айланади. Кўзи кўр бўлиб туғилганларни кўрадиган қиламан, махов касали борларни тузатаман, ўликларни Аллоҳ таолонинг қудрати билан тирилтираман, сизларга ўзим гувоҳи бўлмаган нарсаларнинг хабарини бераман, сизларга ейдиган, сақлайдиган ва уйларида яшириб қўядиган нарсаларингизни билдираман. Бунда менинг пайғамбарлигим рост эканлигига далил бор.

5. Шунингдек, Таврот каби мендан олдинги Анбиёларга нозил қилинган китобларни тасдиқловчи бўлиб, қуш, балиқ ва шанба куни ишлаш каби сизларга ҳаром қилинган баъзи нарсаларни ҳалол қилишим учун, сизларни Аллоҳнинг тавҳиди ва тоатига чақиришим учун сизларга раҳмат қилиб юборилдим.

6. Исо алайҳиссалом уларга мўжизаларни келтирганидан кейин ҳам куфрларида қаттиқ туришларини билгач: “Аллоҳнинг динига ёрдам беришда

ким менга ёрдамчи бўлади? дедилар. У зотга мухлис бўлган ўн икки киши: “Биз Аллоҳнинг динига ёрдам берувчилармиз, Аллоҳнинг ваҳдониятига иймон келтирганмиз, бизлар сенга нозил қилинган “Инжил”га иймон келтирувчи эканимизга гувоҳ бўлгин, Аллоҳ таоло иймонимизнинг ростлигини билади”, дедилар.

7. Кофирлар эса Исо алайҳиссаломни ўлдиришга келишиб олдилар. Лекин Аллоҳ таоло уларнинг бу борадаги тадбирини ботил қилди. Яъни, улар Исо алайҳиссаломга ўхшайдиган кишини ўлдирдилар. Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга шундай ваҳй қилган эдилар: “Албатта, Мен сенинг ажалингни тўлиқ қилиб берурман, сени ўлдиришга ҳеч кимга имкон бермайман, шанингни олий қиламан, сенинг пайғамбарлигингни тасдиқ қилган зотларнинг қадрини то қиёмат кунигача сенга куфр келтирган кимсалардан юқори қиламан ва уларнинг ҳар бирини амалига яраша жазолайман. Сенга кофир бўлган кимсаларни дунё ва охиратда қаттиқ азоб билан азоблайман. Бирор киши уларни ўша азобдан қутқариб қолишга қодир бўлмаслар. Аммо сенга иймон келтириб, солиҳ амал қилган зотларга эса, савобларини тўлиқ қилиб берурман”.

8. Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) булар – душманларнинг азиятларига сабр қилишинг, Аллоҳ таоло олдин Исо алайҳиссаломга душманларига қарши ёрдам берганидек, душманларингга қарши курашда Аллоҳ таоло сенга ҳам ёрдамчи бўлишини билишинг учун Биз сенга Қуръони каримда қисса қилиб бераётган Исо алайҳиссалом шаънларидандир.

9. Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломни отасиз яратиш ҳолати У Зот Одам алайҳиссаломни тупроқдан яратишига ўхшайди. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратиб, унга: “Бўл”, деганда, у зот бўлдилар. Демак, Аллоҳ таолонинг Исо алайҳиссаломни яратиши Одам алайҳиссаломни яратишидан ажабланарлироқ эмас. Чунки Аллоҳнинг қудрати бирор-бир нарсдан ожиз қолмайди.

10. Аллоҳ таолонинг Исо алайҳиссаломнинг туғилишларини хабар бериши, у зотнинг Одам алайҳиссаломга ўхшашлари – шак-шубҳа йўқ бўлган ҳақиқат бўлиб, унга иймон келтириш вожиб бўлади.

Одоб бериш ва насихат қилиш:

1. Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарларини мўжизалар билан қўллаб-қувватлашига эътиқод қилиш;

2. Саййидимиз Исо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг ўғли эмас, балки у Аллоҳнинг бандаси ва Расули, Одам алайҳиссаломни тупроқдан яратганидек, у зотни отасиз яратганига эътиқод қилиш;

2 – Ҳадиси шариф

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:

"أَرْبَعٌ إِذَا كُنَّ فِيكَ فَلَا عَلَيْكَ مَا فَاتَكَ مِنَ الدُّنْيَا: حِفْظُ أَمَانَةٍ، وَ صِدْقُ حَدِيثٍ، وَ حُسْنُ خَلِيقَةٍ، وَ عِفَّةٌ فِي طُعْمَةٍ"

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Агар сенда тўрт хислат бўлса, сенга етмаган дунёга хафа бўлма: омонатни сақлаш, тўғри сўзлик, чиройли хулқ ва касб қилиш йўлида ифбатли бўлиш.

Ҳадисдаги лафзлар шарҳи

Ҳадис лафзларнинг шарҳи

Ҳадис лафзлари

Тўррта хислат

أَرْبَعٌ

Сени хафа қилмасин

فَلَا عَلَيْكَ

Табиат, хулқ.

خَلِيقَةٍ

Поклик

عَقَّة

Мол касб қилиш йўли

طُعْمَة

ҲАДИС МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминларнинг барчасини гўзал хулқлар ва чиройли хислатларни жамлаган бу тўрт хислат билан сифатланишга қизиқтиряпдилар. Чунки, бирор киши ўша хислат билан зийнатланса, ўзига етмаган дунё яхшиликларидан хафа бўлмаслиги лозим бўлади. Бу хислатлар:

1. Омонатдорлик – омонатга қолдирилган нарсани талофат етишидан ва уни зойил бўлишдан сақлаш ва уни сотиш, қарзга бериш ёки шунга ўхшаш ишлар билан сарф қилмаслик. Эгасининг изни билан бўлса бундан мустасно. Сенга ишонган инсонлар сирини сақлаш, муомалада ёлғончи бўлмаслик ҳам омонатдандир.

2. Ростгўйлик – ҳақиқатни тўғрилигича гапиришинг. Агар кўз олдинда бирор-бир ходиса рўй берса, уни таърифлашда унга зиёда қилиш билан муболаға қилма. Қачонки гувоҳликка чақирилсанг, гувоҳлик берилувчи яқининг ёки дўстинг бўлса ҳам ёки зарарига гувоҳлик берилувчи киши душманинг бўлса ҳам, унга зиёда ва ноқис қилмасдан ҳақ ила адо қилишинг лозим.

3. Гўзал хулқ – инсонлар билан, одоб, очик чехралик, мулойимлик, лутф, тавозеълик билан муомала қилишинг, кибр, қўполлик, сурбетликни тарк қилишинг ва инсонлар сени яхши кўришлари ва ҳурмат қилишлари учун сўкувчи, чақимчи ва ахлоқсиз бўлмаслигингдир.

4. Касб қилишда ифбат – молни касб қилишда таъмадан нафсингни узоқ қилишинг, молни ўғрилик ёки зўравонлик билан талаб қилмаслигинг, нафсингни пора ёки хиёнат билан кирлатмаслигингдир. Албатта Аллоҳ таоло ҳаром молда сенга барака бермайди, шунингдек, инсонлар сени яхши кўрмайди ва ўз молларида сенга ишонмайдилар.

وَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مِنْ حُسْنِ إِسْلَامِ الْمَرْءِ تَرْكُهُ مَا لَا يَغْنِيهِ"

Набий соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: “Киши ўзига аҳамиятсиз бўлган нарсаларни тарк қилиши – унинг исломи чиройлилигидандир”

ҲАДИС МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Бирор бир киши инсонларнинг ўзига алоқаси бўлмаган ишларига аралашмасдан, ўзининг хос ишлари билан машғул бўлиб, уларни ислоҳ қилиши – Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам мусулмонларга берган одоблардан биридир. Агар ўзларининг хос ишларидан бири тўғрисида гаплашаётган бир жамоани кўрсанг ва улар сени у ерда иштирок этиш учун чақирмасалар, улар билан бирга гаплашишга киришма ва уларга қулоқ солма.

Яқин ва узоқ қўшниларинг ишига аралашма. Унинг бойлиги, ойлиги, болалари ва қариндошлари қанчалиги ҳақида баҳс қилма. Албатта, буларнинг барчаси сенга фойда ҳам, зарар ҳам келтирмайдиган иш билан машғул бўлишдир холос.

وَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: "سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الْعَمَلِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: الصَّلَاةُ عَلَى مِيقَاتِهَا، قُلْتُ: ثُمَّ

أَيُّ؟ قَالَ: بُرِّ الْوَالِدَيْنِ، قُلْتُ: ثُمَّ أَيُّ؟ قَالَ: الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ."

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху айтдилар: “Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан: “Қайси амал энг афзал?”, деб сўрадим. У зот соллаллоху алайҳи васаллам: “Ўз вақтидаги ўқилган намоз”, дедилар. Мен: “Сўнг қайси?” дедим. У зот соллаллоху алайҳи васаллам: “Ота-онага яхшилик қилиш”, дедилар. Мен: “Сўнг қайси?” дедим. У зот соллаллоху алайҳи васаллам: “Аллох йўлида жиход қилиш” дедилар.

ҲАДИС МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Бу ҳадис бизни асари чиройли, фойдаси кўп амалларнинг кўпидан афзал бўлган энг яхши амалларнинг учтасига йўллайди. Улар:

1. Намозга ўз вақтида бардавом бўлиш. Чунки, намозда Аллоҳдан кўрқиш, маъсиятдан инсонни заҳр қилиш, амри-маъруф, наҳий-мункар ва улардан бошқа гўзал ахлоқлардан иборат яхши амалларга йўллаш каби кўп фазилатлар бор.

2. Ота-онага яхшилик қилиш – ота-онанинг фазли юксаклигини эътироф этиб, мухтож бўлганларида ҳурматларини сўраш хорлигидан сақлаш ва ҳуқуқларини қоим қилиш. Уларга хитоб қилишда чиройли одобда бўлиш ҳам яхшилик қилишдандир.

3. Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилиш – дин одоблари, илмлари ва ҳукмларини инсонлар орасида ёйишда ижтиҳод қилиш ва мусулмонларга қарши душманлик қилишга ёки шиорларини қоим қилишдан уларни ман қилган ёки ўз динларидан тўсаётган кимсалар билан уришишдир.

وَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَا أَكَلَ أَحَدٌ طَعَامًا قَطُّ خَيْرًا مِنْ أَنْ يَأْكُلَ مِنْ عَمَلِ يَدِهِ، وَإِنَّ نَبِيَّ اللَّهِ دَاوُدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ، كَانَ

يَأْكُلُ مِنْ عَمَلِ يَدِهِ"

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бирор киши ўз қўл меҳнатидан ейдиган таомдан яхшироқ таом емайди. Албатта, Аллоҳнинг набийси Довуд алайҳиссалом ўз қўл меҳнатидан еяр эди”.

ҲАДИС МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Расулulloҳ соллаалоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни хўрлик ва хўрланиш бўлган тиланчилик ва ҳаром ейишдан инсоннинг ҳурматини сақлаш учун қонуний кўринишда ризқ талаб қилиш учун амал қилишга қизиқтирябдилар. Иш қанчалик кичкина бўлса ҳам, ақлли киши учун шармандалик ҳисобланмайди. Саййидимиз Довуд алайҳиссалом темирчи бўлганлар. Темир совутларни ясаб, ўз меҳнатидан ейиш учун уларни сотар эди. Саййидимиз Мусо алайҳиссалом ўн йилга яқин Шуайб алайҳиссаломнинг қўйларини боқиш билан машғул бўлганлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад

соллаллоҳу алайҳи васаллам рисолатдан олдин тижорат қилардилар ва ўз озуқаларини ҳам ундан касб қилардилар.

وَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَا زَالَ جَبْرِيْلُ يُؤْصِنِي بِالْجَارِ، حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ سَيُورِنُهُ"

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Жаброил алайҳиссалом менга қўшни борасида тинмай васият қилдики, ҳатто мен қўшнини ворис қилиб тайинлайди, деб гумон қилиб қолдим” дедилар.

ҲАДИС МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни қўшнининг ҳақларини сақлашга ва муомалада одобли бўлишга қизиқтирдилар. Чунки Жаброил алайҳиссалом қўшнига чиройли муомала қилиш ҳақида васият қилдиларки, ҳатто Набий алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломни қўшни қўшнисининг меросидан қариндошлари олганидек, улар ҳам олишини хабар беради, деб ўйлаб қолдилар. Шак-шубҳа йўқки, ақлли кишилар назнида қўшнига чиройли муомалада бўлиш ҳар бир қўшнига лозим бўлган ишлардандир. Чунки ҳаммага энг яқини қўшнидир. Ҳар кимнинг қўшниси унинг сирлари ва аҳволларини билувчидир, шунингдек, у ўзининг аҳли аёли ва баъзи хос кишилари кабидир. Қўшнининг аҳлига назар ташламаслигинг, ўзи ва болаларига озор етказмаслигинг, кўришганда салом беришинг, касаллигида бориб кўришинг, муносиб вақтда, хусусан байрамлар ва мавсумларда зиёрат қилишинг, уй жиҳозларига хожати тушса, уни ман қилмаслигинг қўшнингга қилган чиройли одоблардандир.

وَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَا أَكْرَمَ شَابٌّ شَيْخًا لِسِنِّهِ، إِلَّا قَبَّضَ اللَّهُ لَهُ مِنْ بُكْرَتِهِ عِنْدَ سِنِّهِ"

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Ёшлигида кексаларни ҳурмат қилган йигит учун Аллоҳ ўша йигит кексалик ёшига етганида уни ҳам ҳурмат қиладиган кишини тайёрлаб қўяди” дедилар.

Заифларни ҳурмат қилиш ҳам – динимиз қизиқтирган энг юқори одоблардан биридир. Бу ҳадисда ёшларни қарияларга ёрдам беришга ва уларни

хурмат қилишга тарғибот бор. Улар ҳам қария бўлганларида Аллоҳ таоло уларга яхшилик қиладиган, уларни хурмат қиладиган кишиларни тайёрлаб қўйиши тайин. Қачонки, йўл сўраётган бир кекса чолни кўрсанг, уни ўша йўлга бошлаб қўй ёки электр маркабга минишга уринаётган чолни кўрсанг, унга ҳам ёрдам бер. Агар у ўтиришига жой топа олмаса, унга ўз ўрнингни бўшатиб бер.

وَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ"

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сизлардан бирортангиз ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун ҳам яхши кўрмагунича ҳақиқий мўмин бўлмайди” дедилар.

ҲАДИС МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Мусулмон киши ўзи учун яхши кўрадиган нарсани биродари учун ҳам яхши кўрмагунича ва ўзи учун ёмон кўрадиган ёмонликни у учун ёмон кўрмагунича унинг иймони комил бўлмайди. Мусулмонлар яхшиликка жалб қилиш ва зарарларни даф қилишда бир-бирларига ўзаро ёрдам беришлари вожибдир.

Мусулмон киши мусулмон биродари хурсанд бўладиган нарсалар билан хурсанд бўлиши, унга берилган неъматларга ҳасад қилмаслиги лозим. Унинг бошига мусибат тушса, у учун ҳам алам чекиши ва ундан зарарларни даф қилишда жидду жаҳд қилиши лозим.

وَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "الْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَ يَدِهِ، وَالْمُؤْمِنُ مَنْ ائْتَمَنَهُ النَّاسُ عَلَىٰ دِمَائِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ"

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Мусулмон – бошқа мусулмонлар қўлидан ва тилидан саломат бўлган кишидир. Мўмин – инсонлар ўз моллари ва қонларида унга ишонган кишидир”.

ҲАДИС МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Ким мусулмонларга тухмат қилмай, уларни сўкмай, улар орасида чақимчилик қилмай, тилини мусулмонларга азият беришдан сақласа ва уларни урмаслик ёки уларнинг молларини ўғирламаслик билан уларга азият беришдан қўлини сақласагина унинг исломи мукаммал бўлади. Чунки, исломнинг мукаммал бўлиши дин буюрган амалларга эргашиш ва у қайтарган амаллардан узоқлашишдадир.

Инсоннинг иймони фақат инсонлар унга ишонсаларгина мукаммал бўлади. Шу сабабли ўз нафслари ва молларида унинг душманлигидан омонда бўладилар. Чунки, иймоннинг мукаммал бўлиши маъсиятдан бирор нарсага кирмасликка чакради.

وَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَا خَفَّفْتُ عَنْ خَادِمِكَ مِنْ عَمَلِهِ، فَهُوَ أَجْرٌ لَكَ فِي مَوَازِينِكَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ"

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ходимингнинг ишида бирор нарсани енгиллатишинг – қиёмат куни тарозингда сен учун ажрдир”, дедилар.

ҲАДИС МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Ходиминг ҳам сенга ўхшаш инсондир. У уй ва уй жиҳозларини тозалаш, кийимларни ювиш, таом пишириш каби одамни жисмоний чарчатадиган кўп ишларни бажаради. Демак, сен уни чарчамайдиган ва зерикмайдиган бир асбоб деб ҳисобламаслигинг ва ишлатиш билан унга жабр қилмаслигинг лозим бўлади.

Дарҳақиқат, динимиз ходимларга меҳрибонлик қилишни васият қилди. Шу сабабли уларга муомалани чиройли қилишимиз, уларни сўкмаслигимиз, урмаслигимиз ва очлик ёки ҳибс қилиш билан азобламаслигимиз вожиб бўлади. Агар касал бўлсалар уларни даволатишимиз, улардан ишларини енгиллатишимиз, улар ҳам биз каби ҳис қилишлари ва азоб чекишларини билишимиз, тоқатлари етмайдиган амалларни юкламаслигимиз лозим бўлади.

Албатта, ходимларга ишлари борасида меҳрибонлик қилиш кўп савобли ишдир. Аллоҳ у билан яхшиликларимиз ададини кўпайтиради ва ажримизни ҳам зиёда қилади.

وَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ لَا يَرْحَمِ النَّاسَ لَا يَرْحَمَهُ اللَّهُ"

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кимки инсонларга Раҳм қилмаса, Аллоҳ таоло ҳам унга раҳм қилмайди”, дедилар.

ҲАДИС МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Ислом дини раҳм қилиш, раҳмат-шафқат қилиш динидир. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам ўз ҳадисларида инсонларни раҳм қилишга буюраётганини, кўполлик ва зулм қилишдан қайтараётганларига гувоҳ бўламиз. Чунки, инсонар ичида беморлар, кекса ёшли чоллар, бечоралар, ризқини касб қилиш учун бирор чорани тополмайдиган мискинлар ҳам бор.

Кучлининг заифга раҳм-шафқат кўрсатиши вожиб бўлиб, ҳар бир инсон ўз биродарига инсонийлик нуқтаи назаридан ўша вожибни адо қилиш лозим. Қорнинг тўқ бўлиб, фақир кўшнинг ўзи ва болалари учун ейишга бирор нарса топа олмаётганини билиб тунашинг раҳмдиллик эмас.

Касал кишининг оғринаётганини кўрсанг, уни табибга олиб бориб даволатишга имконинг бўлсада, шу ишни қилмасанг, бу – қалбингнинг қаттиқлигидандир.

Бир кишининг чўкиб ёки оловда ёниб ёрдам сўраётганини эшитсанг-у, уни қутқариб қолишга қудратинг етсада, бу ишни қилмасдан қараб тураверишинг – мурувватдан эмас.

Заифларга раҳм қилмайдиган, ночорларга ғамхўрлик қилмайдиган кимсаларни Аллоҳ таоло ҳам қиёмат куни – мол ҳам, бола чақа ҳам фойда бермайдиган куни уни Ўз раҳматидан узоқ қилур. Фақат Аллоҳнинг ҳузурига салим қалб билан келганлар бундан мустасно.

وَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: بَيْنَا رَجُلٌ يَمْشِي بِطَرِيقِي، اشْتَدَّ عَلَيْهِ الْعَطَشُ، فَوَجَدَ بَيْتًا، فَنَزَلَ فِيهَا، فَشَرِبَ مِنْهَا، ثُمَّ خَرَجَ، فَإِذَا هُوَ بِكَلْبٍ يَلْهَثُ: يَا أَكُلُ الثَّرَى مِنَ الْعَطَشِ؛ فَقَالَ لَقَدْ بَلَغَ هَذَا الْكَلْبُ مِنَ الْعَطَشِ مِثْلَ الَّذِي بَلَغَ بِي فَنَزَلَ الْبَيْتَ فَمَلَأَ حُفَّهُ، ثُمَّ أَمْسَكَهُ بِيَدِهِ، ثُمَّ رَفَعِي فَسَقَى الْكَلْبَ، فَشَكَرَ اللَّهُ لَهُ. فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَإِنَّ لَنَا فِي الْبَهَائِمِ لِأَجْرًا؟ فَقَالَ: فِي كُلِّ ذَاتِ كَبِدٍ رَطْبَةٌ أَجْرٌ.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “Бир киши йўлда кетаётиб, қаттиқ чанқади ва у бир қудуқни топди. Унга тушиб, сув ичди. Сўнг чиқди ва ташналиқдан тилини осилтириб ҳансираб турган бир итни кўриб: “Дарҳақиқат, бу ит ҳам менга ўхшаб қаттиқ чанқабди”, дедида, қудуққа тушиб маҳсисини сувга тўлдирди ва уни оғзи билан тишлаб чиқиб, итни суғорди. Унинг бу иши учун Аллоҳ унга ажр берди”. Шунда саҳобалар: “Эй Аллоҳнинг расули бизлар учун тўрт оёқли ҳайвонларда ҳам ажр борми”? дедилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ҳар бир ҳўл жигар эгасида ажр бор” деб, жавоб бердилар.

Ҳадисдаги лафзлар шарҳи

Ҳадис лафзлари

Ҳадис лафзларнинг шарҳи

Чанқоқнинг қаттиқлигидан тилини чиқариб туради	يَلْهَثُ
Нам тупроқ	الثَّرَى
Оёқ кийимида	حُفَّهُ
Юқорига кўтарилди	رَفَعِي
Тирик ҳайвон	ذَاتِ كَبِدٍ رَطْبَةٍ

ҲАДИС МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Ислом дини инсонга ўз биродарига меҳрибон бўлишни тавсия қилгани каби нотаниш ҳайвонларга ҳам меҳрибон бўлишни тавсия қилади. Пайғамбар алайҳиссалом шундай хабар бердилар: “Бир киши йўлда кетаётганда қаттиқ чанқаб, қудуққа тушди. Ундан сув ичгач, қудуқдан чиқиб қараса, тилини

осилтириб турган ва ташналигининг қаттиқлигидан нам тупроқни сўраётган итни кўриб ўзича: “Бу нотаниш ҳайвон ҳам мен каби қаттиқ чанқабди”, деди ва унга сув бериш лозим деб, оёқ кийимини олиб қудуқ ичига иккинси бор кирди. Оёқ кийимини сувга тўлдирди ва оғзи билан уни тишлаб, олиб чиқди ва итга сув берди. Аллоҳ таоло у инсоннинг итга қилган яхшилини қабул қилди ва унинг гуноҳларини авф қилиб, мукаррам бандалари қаторидан қилди.

Саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу қиссани эшитгач, ажабландилар ва: “Эй Аллоҳнинг расули ҳайвонларга раҳм қилиш билан ҳам савоб оламизми”? дедилар. Шунда у зот алайҳиссалом: “Албатта, инсоннинг ҳайвонга қиладиган меҳрибончилигининг барчаси учун савобдан ўз насибаси бор”, деб хабар қилдилар.

وَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ يُحْرِمَ الرَّفِيقَ يُحْرِمَ الْخَيْرَ كُلَّهُ"

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким мулойимликдан маҳрум бўлса, яхшилиқнинг барчасидан маҳрум бўлади”, дедилар.

ҲАДИС МАЪНОЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

Рифқ – ғазаб ва бағри тошлиқдан узоқ болиш, ишларни лутф ва тафаккур ила талаб қилишдир. Унинг асоси мулойимлик ва ота-онага яхшилиқ қилиш, қўшнилар ва дўстларга муомала қилганда одобли бўлиш, хизматчиларга гўзал муомала қилиш ва нотаниш ҳайвонга ҳам меҳрибончилик қилиш каби Аллоҳнинг махлуқотларига хайрихоҳлик бўлган яхшилиқ хислатларидан кўпини ўзида жамлайдиган бир хулқдир. Муҳим ишларда тафаккур қилиш ва инсон ўша ишларга енгил, кулфати ва машаққати оз бўлган бир кўринишда юзланиш учун уларнинг оқибатлари борасида фикр юритиши ҳам рифқдир.

Рифқ – ҳаётни осонлаштиради ва инсонлар орасида улфатчилик алоқаларини кучайтиради, ўз соҳибини ишларида шошқалоқлик қилгани сабаб афсус чекиб қолишдан омонликда сақлайди.

3- Ғарбия:

Қуйидаги фазилатлар ислом тарихидан олинган қиссаларга таянган ҳолда диний жихатдан ўрганилади.

1-Ота-онага яхшилик қилиш

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Иккита аёл ўзларининг болалари билан бирга эди, бир бўри келиб, бирининг боласини олиб кетди. Ўшанда бири иккинчи аёлга: “У сенинг болангни олиб кетди”, деди. Иккинчи аёл эса: Йўқ, балки сенинг болангни олиб кетди”, деди. Натижада иккаласи буни муҳокама қилиш учун Довуд алайҳиссаломнинг олдиларига келдилар. Довуд алайҳиссалом: “Қолган бола катта аёлники”, деб ҳукм қилди. Улар у зотнинг ҳузурларидан чиқиб, Сулаймон ибн Довуд алайҳимассаломнинг олдиларига келдилар ва бўлган ишни хабар қилдилар. Сулаймон алайҳиссалом: “Пичоқни келтиринглар, болани иккаласига бўлиб бераман”, деди. Шунда кичик ёшли аёл: “Аллоҳ сизни Раҳм қилсин ундай қилманг, бола у аёлники”, деди. Кейин Сулаймон алайҳиссалом болани кичик ёшли аёлники эканлигига ҳукм қилди. Саййидимиз Сулаймон алайҳиссалом икки аёлдан қайси бирининг болага муҳаббати ростгўйроқ эканини ирода қилган эди. Дарҳақиқат, ҳақиқий онанинг болага шафқати ойдин бўлди ва у боласининг иккга бўлиншини истамагани учун онликни даъво қилиб турган аёлга топширишни афзал кўрди.

2.Бир киши ўз отаси борасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, отаси унинг молидан олишидан шикоят қилди. Кейин унинг отаси ҳозир қилинди, қараса у ҳассага суянадиган қари бир чол экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам отасидан бу ҳақида сўради. Отаси Пайғамбар алайҳиссаломга: “Ўғлим заифлигида мен кучли эдим, у фақирлигида мен бой эдим, бугун эса мен заифман, ўғлим кучли, мен фақирман, у бой ва у молини мендан дариг тутди”, деди. Расулуллоҳ

соллаллоху алайҳи васаллам у чолнинг гапларидан таъсирландилар ва бояги ўғилга қараб: **“Сен ҳам, молинг ҳам отангникидир”** дедилар.

Набий соллаллоху алайҳи васаллам бу кишининг шикоятини қабул қилмаганининг сабаби – отаси заиф ва қарилик чоғида ўғлининг молига эҳтиёжи бўлган пайтда эди. У сен учун ўз нафсини сен хоҳлаган нарсдан маҳрум қилган. Чунки ота, боласининг тарбияси, роҳати ва нафақаси борасида куч ғайрати ва қодир бўлган ҳар бир нарсани сарфлаган эди. Вақт ўтиб, боласи кучли, бирор иш ёки касб талаб қилишга қодир бўлди. Шундан кейин фарзанднинг моли кўп бўлса-ю, уни отасидан дариг тутиши тўғри бўладими?! Эй ўғлим, атрофингга назар сол ва ота-онанг сени тарбия қилишда чеккан аламлари ва касалликлардан сақлашда бошларидан кечирган беморликларга чидаганликларини билишинг учун иккаласининг фарзандига қилган иши борасида тафаккур қилинг.

Онанг сени деб, қанча алам чекди, сенга ҳомиладорлигида тўққиз ой машаққатга чидади-ку! У учун бу муддатда на таом, на ичимлик, на роҳат ва на уйқу татир эди. Сени бир неча қийинчиликлардан кейин туғди ва сени эмизишда, поклашда, совуқ ва иссиқлик азиятидан сени сақлашда кеча-кундуз машаққатларга бардош берди. Сен катта бўлгач сенга қандай эмаклаш ва қандай юриш, қандай ичиш, қандай гапиришни ўргатди. Ҳар куни сен учун ейдиган ва ичадиган нарсаларингни ҳозирлар, кийимларингни ювар ва сен учун тўшакларингни тайёрлаб қўяр эди. У сенда кўз қувочини, қалб шодлигини ва орзу умидлар ўрнини кўради.

Отанг эса ҳар куни ўз уйидан ризқ топиш учун саъй қилган, ўз ишига одатланган ҳолда сенинг роҳатланишинг учун машаққат чекади. Таомингга, кийимингга, маконингга ва илм ўрганишингга нафақа қилиш учун мол тўплайди. Улар сени қаттиқ яхши кўради ва сени ҳаётинг давомида ишларингда омадга эришганинг ва муваффақият қозонишингда ҳам катта бахт йўқ улар учун.

Сенинг зиммангда, ота-онангга яхшилик қилиш ва уларга эҳсон қилиш бор. Аллоҳ таоло улар иккисига эҳсон қилишни Ўз тавҳиди билан боғлаб, шундай деди: **“Парвардигорингиз унинг ўзидан бошқага ибодат қилмаслигингизни ва ота-онага яхшилик қилишга ҳукм қилди”**.

Ота-онага яхшилик қилишнинг аввали иккисига итоатли бўлишдир. Албатта, ота-оналар ўз фарзандларини зарарли ишларга буюрмайдилар. Касал бўлган вақтларида даволатишинг, ожиз ва муҳтож бўлганларида эҳтиёжларига яраша мол беришинг. Ота-онанг сўкилмаслиги учун, сен ҳам ўзгаларнинг ота-оналарини сўкмаслигинг, уларга хитоб қилишда хушмуомала бўлишинг, гапиришдан безимаслигинг, мадомики ҳаёт бўлсалар, умрларининг узоқ бўлишини тилаб, вафот этган бўлсалар, раҳмат-шафқат тилаб, улар ҳаққига дуо қилишингдир. Бу ишинг – сени кичиклигингда сени тарбия қилишлари эвазига уларга мукофот ҳисобланади.

2 – Инсонларни ҳурмат қилиш

1. Жабала ибн Айҳам Шом подшоҳларидан бўлган. У Каъбани тавоф қилиб юрганда, бир аъробий унинг ридосини билмасдан босиб олди. Шунда у ғазабланиб аъробийга тарсаки тушурди. Аъробий саййидимиз Умар розияллоху анҳуга ундан шикоят қилиб келди. У зот подшоҳдан аъробийга ўз ҳаққини олишга ҳукм қилганда, Жабала шундай деди: “Бу қанақаси, мен подшоҳ бўлсам, у эса оддий инсон бўлса?!” Саййидимиз Умар розияллоху анҳу: “Албатта ислом сиз иккалангиз ўртасини тенг қилди”, дедилар. Шунда Жабала: “Менга бир кеча муҳлат бер, ўз қилмишим ҳақида фикр юритиб олайин”, деб сўради. Жабала тун бўлган пайтда Умар розияллоху анҳунинг қасосидан кўрқиб қочиб кетди.

Бу ҳикоядан маълум бўладики, Жабала ибн Айҳамни бу иш – аъробийнинг юзига тарсаки туширишга ундаган нарса унинг манманлиги ва инсонларга ҳурматсизлик қилишидир. Лекин саййидимиз Умар розияллоху анҳу одил

сифати билан сифатланганлиги ва инсонлар орасидаги ҳуқуқларнинг тенг бўлишига муҳаббати борлиги учун, ислом буйруқларига эргашиб, подшоҳни ўзидан бошқаларни ҳурмат қилишга ундаш учун, аъробийнинг манзили подшоҳникидан кичик бўлса ҳам, бу подшоҳ аъробийга кейинчалик инсоф билан иш тутишини маъқул кўрди.

2. Аббосий ҳалифа Маъмун даврида қозиларнинг раиси бўлган Яҳё ибн Аксам шундай деди: “Мен Маъмуннинг ҳузурида ухлаётган эдим, кечаси у чанқади. Мен ухлаётганим учун ўзига сув берадиган хизматчини чақиритишни ва мени уйқумда безовта қилишдан тийилди. Шунда у узоқда турган сув ёнига бармоқлари учида бориб, ундан сув ичди ва яна шу тарзда юриб келди. Шунда унинг мен ухлаётган тўшакка яқин келганини ва мени уйғотиб юбормаслиги учун хушёрлик билан қадам босиб келиб, ўз тўшагида ётганини кўрдим.

Бу ҳикоядан кўрамизки, Маъмун ўз мулки ва саланатининг кенглигида яшаб туриб, ўзидан бошқаларга кўп эҳтиром кўрсатган. Шу сабабли ҳам у, халқнинг қалбларига мусулмон халифаларнинг энг улуғлари ва улар ичида халқнинг қалбларига энг яқини бўлган.

Инсонларга эҳтиром кўрсатиш бу – уларнинг ҳурматини азиятлару-хорликдан сақлаш, уларнинг зиммасида сен учун ҳақлар бўлгани каби, сенинг ҳам зиммангда уларнинг ҳақлари борлигига эътиқод қилишинг лозим. Шунда сизларнинг ўртангизда яқдиллик алоқалари кучайиши ва муҳаббат ришталари зиёда бўлиб, бир-бирларингизга ёрдам кўрсатувчи саодатманд кишилар бўлиб яшайсизлар.

Қуйидаги одобларга эргашиш ҳам инсонларга эҳтиром кўрсатишдандир:

1. Саломни тарқатишинг ва ким биландир учрашганигда хушфёъл ва хушмуомала бўлишинг. Хўмрайиб юриш ва такаббурлик одамлар қалбларини сенга нисбатан нафрат ҳиссиётига тўлдириши;

2. Ўзинг учун яхши кўрган нарсаларни бошқа инсонлар учун ҳам яхши кўришинг, ўзинг учун ёмон кўрган нарсаларни бошқа инсонлар учун ҳам ёмон кўришингдир. Масалан: поезд ёки трамвайда бўлган вақтингда ўзинг сиғадиган

ўридан ортиқчасини банд қилиб, бошқа бир инсонни сенинг ёнингда ўтиришдаги ҳаққидан маҳрум қилмаслик;

3. Ота-она, муаллимлар каби ёш ва мақом жихатидан катта бўлган кишиларга хитоб қилаётганда овозингни кўтармаслигинг ва сенга хитоб қилаётган кишининг гапини бўлмаслик.

4. Овозинг, машинангнинг товуши ва юришингнинг тезлиги билан инсонларни безовта қилмаслигингдир. Чунки сенинг ёмон қилмишинг йўлингдаги ёш гўдаклар, мадорсиз аёллар ва кекса ёшли қарияларга азият етказиб қўйиши мумкин.

5. Бирон фақирни фақирлиги сабаб таҳқирламаслигинг ёки бирон бир ночор, майиб ёки жисмида қандайдир айби бор кишилар устидан кулиб масхара қилмаслигингдир. Балки, Аллоҳ таоло ўзингдан бошқани мубтало қилган нарсаларидан сени сақлаб қўйганига шукр қил.

6. Бирон кишини ўзи ёмон кўрадиган лақаб билан чақирмаслигинг ва ўз дўстларинг ва ҳамроҳларингга лақаб тўқимаслигингдир. Албатта, бу ишларда уларнинг ҳис-туйғуларига азият етади. Аллоҳ таоло бу одоблардан кўпини ўз каломида зикр қилиб ўтган: **“Эй, мўминлар! (Сизлардан) бирор миллат (бошқа) бир миллатни масхара қилмасин! Эҳтимолки, (масхара қилинган миллат) улардан яхшироқ бўлса. Яна (сизлардан) аёллар ҳам (бошқа) аёлларни (масхара қилмасин)! Эҳтимолки, (масхара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлса. Ўзларингизни (бир-бирингизни) мазах қилмангиз ва бир-бирингизни лақаблар билан атамасин! Имондан кейин фосиқлик номи нақадар ёмондир! Кимки тавба қилмаса, бас, айнан ўшалар (гуноҳ ишлар билан ўзларига нисбатан) зулм қилувчилардандир.**

3- Гўзал муомала

Ислом кенг ёйилиб, Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарига Макка фатҳи учун изн бергач ва ўзига азият етказган мушриклар устидан ғалаба қозониб, Маккага

кирганларида шундай деди: “Эй Қурайш жамоси! Мени сизларга нима қилмоқчи, деб ўйлаяпсиз?” Улар: “Яхшилик сен саҳоватли биродарсан ва саҳоватли биродарнинг ўғлисан” дедилар. Шунда У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бораверинглар, сизлар озодсизлар”, дедилар. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг карамлиги, кечиримлиги ва гўзал муомаласини кўрганларида ислом динини қабул қилдилар.

Бу ҳикоядан кўрамизки, пайғамбар алайҳиссалом курайшликлардан қасос олишга қодир бўла туриб, уларга хушмуомалалик ва мулойимлик билан мулоқот қилдилар. Чунки улар пайғамбар алайҳиссаломга ва у зотнинг саҳобаларига азият етказдилар ва ватанларидан чиқардилар. У зотнинг уларга нисбатан қилган гўзал муомалалари – инсонларнинг Аллоҳ динига гуруҳ-гуруҳ бўлиб киришларига сабаб бўлди.

Гўзал муомала – инсонларга одоб ва лутф ила уларнинг ёмонликларини кечириб ва уларнинг яхшиликларига шукр қилиш билан, уларнинг бахт-у саодатлари учун имконинг етган нарсани сарфлашинг ва улардан зарарни кетказиш муносабатида бўлишингдир.

Қуйидагилар ҳам гўзал муомалалардандир:

1. Тожир – инсонларга муомала қилишда алдамасдан ва хиёнат қилмасдан улар билан кўришганда табассум қилиб гўзал муомалали, ростгўй бўлиши;

2. Хунарманд – инсонлар ишлашга топширган ва таъинлаган омонатларини сақловчи ва ишончли бўлиши;

3. Табиб беморларга юмшоқ муомалада бўлиши ва уларга эътибор билан қараши, кўп пул талаб қилиб, уларга зулм қилмаслик ва уларнинг ишларига меҳрибончилик билан ёндашиб, фақирларни бепул муолажа қилиши;

4. Киши ўзининг зиммасида бўлган ҳаққини адо қилиш вақти бўлганида кечиктирмасдан адо қилиши; бу иш инсонларнинг кўз ўнгида унинг қадрини кўтаради.

5. Ўқувчи мадрасадаги ўз биродарлари билан хушфеъл бўлиши, уларга кибрланмаслиги ва улардан бирортасига азият бермаслиги;

6. Инсонларнинг ҳар бири ўз қўшниси билан хушмуомалада бўлиши ва уларни ҳурмат қилиши, касал бўлсалар, бориб кўриши ва ғойиб бўлсалар, сўраб-суриштириш ва ундан бирон нарса орийтга олинган бўлса, уни қайтариш ва унга қилган яхшиликларига ташаккур айтиш;

7. Инсон ўз қўл остидагилардан қарши чиққанига лутф ва юмшоқлик билан музокара олиб бориши керак. Албатта, бу иш унинг қалбини юмшатади. Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун алайҳимассалом иккаласининг Фираъвнга хитобида васият қилиб: **“Унга юмшоқ сўз айтинг шоядки у эслатма олса ёки қўрқса”**, деди.

8. Инсон ёмонликларини яхшилик билан кетказиши лозим. Албатта, ўша яхшилик душманнинг адоватини садоқатга айлантиради. Аллоҳ таоло: **“Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф этинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур”**, деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам айтдилар: **“Сизлардан менга суюклироғингиз – хулқлари чиройлироғингиздир”**, дедилар.

4 – Зиёрат одоблари

Мавсумлар, байрамлар ва тақдирлаш кунлари, сафарга чиқишни ирода қилган пайтлар ва ундан қайтган вақтда, касаллик пайти ёки ундан тузалган вақтларда ўзаро зиёрат қилишиб туриш – меҳр-муҳаббат ва мурувватни кучайтирувчи сабаблардан саналади.

Зиёратда риоя қилиниш лозим бўлган одоблар бор бўлиб, улар:

1. Сен зиёрат учун муносиб вақтни ихтиёр этишинг лозим. Унга инсонлар ухлаётган ёки таом тановул қилаётган ёки шунга ўхшаш кўринишларда бўлмайдиган бирон-бир муносиб вақтни тайинлашинг;

2. Сен зиёрат учун махсус вақтни тайин қилиб ваъдалашсанг, ўша вақтни олдинга ҳам, ортга ҳам сурмаслигинг;

3. Агар сен бирор уйга киришни ирода қилсанг, уй эгаси яқин кишинг бўлса ҳам ундан изн сўраб кириш зарурдир. Ривоят қилинадики, бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўради: “Мен онамнинг ҳузурига киришга изн сўрайманми? деди. У Зот: “Ҳа”, дедилар. Шунда у киши яна “Мен онамнинг хизматчисиман, ҳар вақт унинг олдида кирганимда изн сўрайвераманми?”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Уйда сен онамни яланғоч ҳолда кўришни хоҳлайсанми?”, дедилар. У киши: “Йўқ” деб, жавоб қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бўлмаса, изн сўраб кир”, дедилар.

Агар сен уйда бирон кишини топмасанг ёки уйдаги киши сенга изн бермаса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Агар сизлардан бирортангиз уч маротаба изн сўраганда унга изн берилмаса, бас у ортига қайтсин”** деган сўзларига амал қилган ҳолда ортинга қайт.

4. Уйга кираётган пайтда бирон-бир кишига йўлиқсангиз, албатта унга салом берингиз. Аллоҳ таоло ўз каломида: **“Ей, иймон келтирганлар! Ўз уйлариңгиздан ўзга уйларга то изн сўрамағуниңгизча ва эгаларига салом бермағуниңгизча кирмангиз! Мана шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан) эслатма олсангиз. Бас агар у (уй) ларда ҳеч кимни топмасангиз, унда то сизларга изн берилмағунича уларга кирмангиз! Агар сизларга “қайтингиз” дейилса, қайтиб кетаверингиз! Шу сизлар учун энг тоза (йўлдир). Аллоҳ қилаётган ишлариңгизни билувчидир”**.

5. Кўчада сенга тасодифан дуч келиб қолган ҳар бир нарсдан кўзингни ерга қаратишинг ва уй аҳлига назар солмаслигинг ёки ўтирган пайтингда уйнинг эшиги ёки деразасидан ҳам қарамаслигинг ва сенга лойиқ бўлган ўринда ўтиришингдир.

6. Мўтадил овоз билан гапиришинг ва гапириш одобига ва гўзал дидга риоя қилишингдир. Сўзингни нафи тегадиган фойдалиси билан чеклангин.

7. Ўтиришни узун қилмагин. Гоҳида хонадон соҳиби сендан бошқаси билан ваъдалашган ёки унинг қилмоқчи бўлиб турган бир иши бўлиши мумкин.

8. Касални бориб кўришда ўтиришни узоқ қилма ёки уни гапириш билан унга машаққат туғдирма ва унинг олдида уни хурсанд ва хотиржам қиладиган сўзларни айтгин.

9. Сен зиёратни малолга сабаб бўладиган даражада кўпайтириб юборма. Алоқалар узулишига сабаб бўладиган даражада озайтириб ҳам юборма. Ҳар бир нарсадаги каби, бу борада ҳам мўтадил бўл.

10. Учрашган кишининг юзига табассум билан қара. Агар у мартаба жиҳатдан сендан пастроқ ўринда бўлса ҳам, саломига алик олгин. Инсонлар меҳмон учун олдида қўйишга одатланган нарсани сен ҳам қўйгин ва уни кетиш пайтида эшиккача кузатиб қўйгин.

11. Вожиб амални қоим қилиб, дўстликни боқий қолдириш мақсадида сени зиёрат қиладиган кишини зиёрат қилишинг.

5 – Вақтининг қадрига етиш

Аҳмад тиришқоқ талаба эди. Унинг отаси вафот этиб, унга дарсини тамом қилишга ёрдам берадиган бирон нарса қолдириб кетмади. Охир оқибат у мадрасани тарк қилди ва бир савдогар ҳузурида ишлай бошлади. Ишдан бўшаган пайтларида кечалари мадрасага келар ва у ерда илм ўрганарди, ҳатто диплом олгунча бу иши ва ўқишида бардавом бўлди. Натижада, савдогарнинг хизматини тарк қилиб, адвокат бўлиб ишлай бошлади. Ёшлиқдаги вақтини зое қилмай, тиришқоқлигининг самараси ила унинг шани кўтарилди ва кўп ўтмай у машхур бўлиб кетди.

Бу талаба вақтининг қадрини билганлиги сабабли ҳаётида муваффақиятларга эришди. У ўз вақтини ўзига яхшилик билан қайтадиган ишларга сарфлади. Агар баъзи жоҳиллар каби ўйин ва бекорчиликларга бўш вақтини зое қилганида, ўз ҳаётини эсидан чиқарган фақир бўлиб қоларди.

Инсон вақтини бефойда зое бўлишидан сақламаса, надомати фойда бермайдиган пайтда надомат қилади.

Агар мусофир метронинг жўнаш вақтига риоя қилмаса, у бошқа бир метрони кутишда вақтини зое қилади ва унинг манфаатлари бекор бўлади.

Агар деҳқон ерга вақтида уруғ экмаса, унинг қўшнилари экинларини йиғиб олаётган пайтда надомат чекади.

Талаба мадрасада ҳозир бўлиш вақтига риоя қилмаса, унинг баъзи дарслари ўтиб кетади ва унинг ёлғиз ўзи дарсни тушунишга қодир бўлмайди. Натижада ўртоқлари ундан ўзиб кетади.

Бундан вақтнинг қадрига етиш кераклиги тушунилади. Уни фойдали нарсаларга сарфлаш, вақтни белгилаб қўйиш ва уни чиройли тасарруф қилишга ҳирс қўйиш худди, молга эгалик қилишда азизроқ тасарруф қилиш кабидир. Балки вақтга ҳирс қўйиш, молга ҳирс қўйишдан шиддатлироқ бўлиши лозим. Чунки, вақт умирдан бир бўлаги бўлиб, у ўтиб кетса, ҳеч қачон қайтиб келмайди.

Қуйидаги маълумотлар ҳам вақтни муҳофаза қилишдандир:

1. Ҳар бир ишни ўз вақтида қилишинг, агар уни бошқа вақтга кечиктирсанг, ишларинг кўпаяди, сен эса уларни мукамал тарзда адо қилолмайсан.

2. Ҳар бир вақт учун бирон ишни хослаб қўйишинг лозим. Чунки ишни бошқа вақтга кечиктирсанг умринг фойдасиз ўтиб кетади.

3. Дам олиш ва ўйнаш учун бирор вақтни хослашинг. Агар бугун бир соат ўйнасанг, ғайратчанлигинг ва ишлашга қувватинг янада зиёда бўлади.

4. Мадрасадан чиққач вақтни зое қилмаслигинг, бўш вақтингни уйда фойдасиз амалларга сарфламаслигинг ёки кўча-кўйларда ўқувчилар билан туриб қолмаслигинг. Балки сенга шарафли, нафсингни хурсанд қиладиган ва ақл учун фойдали ўйинлар билан машғул бўлишинг лозим. Масалан: ҳайвонот боғига бориб, ҳар хил ҳайвонларни кўриш ёки музейга бориш, сурат чизиш ёки футбол ўйнаш, одоб берадиган ва қизиқарли журналларни ўқиш кабилар

билан машғул бўлиш.

Дарҳақиқат, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вақтнинг қадрига етиш борасида васият қилиб, шундай деди: “Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат бил: “Қарилигингдан олдин ёшлигингни, касал бўлишингдан олдин соғлигингни, фақир бўлишингдан олдин бойлигингни, машғул бўлишингдан олдин бўш вақтингни ва ўлимингдан олдин тириклигингни”.

6 –Иқтисод

Али исмли бола ўзи ва оиласи яхши ҳаёт кечиришга етадиган бойликни отасидан мерос қилиб олди. Лекин у шуҳратпарастлик ва бойваччаларга ўхшаб, шоҳона ҳаёт кечиришни яхши кўрар эди. Кўркам машина сотиб олиб, саройдай чиройли уйда яшади. Ўйин кулгига берилиб кўп молини бефойда ишларга сарф қила бошлади.

Вақт ўтиб, бу ишларга мол топа олмай, баъзи банклардан қарз ола бошлади. Зиммасида қарзлар кўпайиб кетгач, ўз мулкидаги молларини биринкетин сота бошлади. Ҳатто унда ҳеч нарса қолмади. У тасарруфининг ёмонлиги билан ўз оиласига хорликлар етказди. Ишнинг оқибатини ўйлаб кўрмаган оила бошлиғи замон ва кунларнинг ўзгаришини ҳисобга олмай, ўз оиласига катта зарар ҳам етказди. Оиласининг иши хорлик ва фақирликка айланди. Агар у мўтадиллик билан сарф қилганда ва қарз олмаганда, ўзи ва оиласи фаровон ва хотиржамликда яшар эди.

Иқтисод – молни сарфлашда мўтадил бўлиш, даромаднинг барчасини қора кунларни ҳисобга олмасдан сарфламасликдир. Ўзи ва оиласига ўта тежамкор бўлмаслиги лозим. Аксинча, ейиш, ичиш, яшаш ва даволаниш борасида уларни ўз ҳуқуқларидан маҳрум қилиб кўяди. Натижада уни аҳли-аёли ёмон кўради ва тезроқ вафот этишини умид қиладилар.

Қуйидагиларга эргашиш ҳам иқтисод қилишга ёрдам берадиган омиллардандир:

1. Сарф қилиш эшикларидан ҳар бири учун муносиб миқдорни хослашинг;
2. Фойданинг баъзисини қора кунларда сарфлаш учун захира қилишинг;
3. Машиналар сотиб олиш, ўйин-кулгу жойларини зиёрат қилишни кўпайтириш каби зеб-зийнатларга инфоқ қилишда кўп сарф қилмаслигинг;
4. Мартабаси сеникидан юқори бўлган кишиларга ўзингни ўхшатмаслигинг; Чунки, Аллоҳ таоло баъзи инсонларнинг табақасини баъзисинидан юқори қилиб қўяди.
5. Алло таолонинг сенга берган неъматларининг қанчалигини билишинг учун ҳаётда даражаси сендан пастроқларга қара.
6. Пул топишга сабаблар бўла туриб қарз олишга суяниб қолмаслигинг. Чунки кимки қарзга одатланса, ўзи учун фақирлик ва ташвиш эшикларидан бирини очган бўлади.
7. Зиёда молларни сандиқларда сақлаб қўйишинг. Чунки ёнингда пулинг бўлса, уни ўзингга сарфлаш осон бўлади.

Иқтисод фойдаларидан:

1. Инсон молга хожати бўлганда уни топиши, хусусан, касаллик ва сафар каби зарур пайтларда;
2. Инсон қарз олишга суяниб қолмаслиги; Албатта, қарз тунлари ғам, кундузлари хорликдир.
3. Оиланинг ҳаётини интизом қилиши ва оиланинг раиси таълим ва унга ўхшаш заруратларга вафо қилишга қодир бўлиши.

Ҳикоя қилинадикки, бир қавм ўзлари зиммасидаги қарзни адо қилишга ёрдам сўраб, Қайс ибн Убодага келдилар. Улар боғда тўкилган меваларни териб, яхшисини ёмонидан ажратиб юрган Қайсни кўрдилар. Қайс ишини тугатгач, ундан сўрадилар. У зот уларга сўраган нарсасини берди. Шунда уларнинг баъзиси: “Боғда қилаётган ишингизни кўрганимизда, бизда сахийлигинг борасида бироз шубҳа пайдо бўлди”, дедилар. Шунда Қайс уларга қараб: “Албатта сизлар кўрган нарса мени молга бўлган ҳирсимдир. У сизларни мақсадингизни бажаришда менга имкон берган нарсадир”, деб жавоб берди.

Аллоҳ таоло Ўзининг сўзида ҳам иқтисодга қизиқтириб, шундай марҳамат қилади: **“Бахиллик қилиб қўлларингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг, исрофгарчилик қилиш билан уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг. Акс ҳолда маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз”**.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кимки иқтисод қилса, фақир бўлмайди”, дедилар.

7-Шижоатлилик

Бир йигит денгиз қирғоғидан ўтаётиб, денгизга қараб, қўллари билан сувга ишора қилиб: “Чўкяпти, ёрдам”, деб нидо қилаётган инсонлардан бир жамоани кўрди. Улар ишора қилган томонга қараса, бир киши сувда гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай, заифлашиб қолганидан чўкиб кетмоқчи бўлиб турган экан. Қолганлари йиғлаб, баъзилари баъзисига: “Бу кишини қутқариш учун ўзини хавф-хатарга қўядиган, шижоатли киши борми?” деб, бир-бирларидан умид қилиб сўрашарди. Шунда у йигит денгизга ўқ каби отилди. Чўкаётган киши ёнига сузиб бориб, уни орқасига олиб, орадан бир лаҳза ҳам ўтмасдан уни қутқариб олди. Инсонлар бу йигитнинг шижоатидан, ҳимматидан ажабланди ва чўкаётган кишини нажот топганидан хурсанд бўлиб, такбир ҳам айтиб юбордилар. Қирғоққа етганда унга раҳмат айтди.

Чўкаётган кишини қутқарган бола шижоатли ҳисобланади. Чунки шижоат – вожибни адо қилиш йўлида журъатли қалб билан ўз жонини хатарга қўйишдир. У гоҳида мардлик деб ҳам номланади. Чунки у ҳам кўркмасдан ўзин хатарга қўяди.

1-Агар ёнғин ёки чўкишдан ёрдам сўраётган инсонни эшитганингда уни қутқаришга қодир бўлсанг, уни хатардан қутқаришга шошил. Шунда сен шижоатли ҳисобланасан. Чунки, сен ёрдам сўраётган заиф инсон учун бир вожибни адо қилдинг. Жисминга етадиган зарарлардан кўркмадинг.

2-Агар ўғирлик қилаётган бир кимсани кўрсанг, уни ушлаб жазосини олиши учун милицияга топширсанг, бу ҳам шижоатлилик. Чунки, молни ўғирланишидан сақлаш йўлида ўзингга етадиган ўғрининг азиятларига эътибор бермадинг.

Қуйида амаллар ҳам шижоатлилик намоён бўладиган ишлардандир:

1-Вабо ва ўлатга қарши курашиш. Агар кўп инсонлар орасида юқумли касаллик тарқалса, табиб ва шифокорлар унга қарши курашади. Касалга аралашиб, шу юрт фарзандларини қутқаришда ҳаётларини хатарга қўйишади.

2-Агар бирор манзилда, раста ёки устахонага ўт кетса, оловга қарши курашгин. Ўт ўчирувчилар ўз жонларини хатарга қўйиб, оловга қарши курашиши ҳам шижоатлилик.

3-Тинчликни сақлаш. Милиция ходимлари шаҳар ва қишлоқларни инсонларга ҳужум қиладиган, уларнинг молларини ноҳақ йўл билан тортиб оладиган қароқчи ва ўғриларнинг бузғунчиликларидан кўриқлаб турадилар. Агар уларнинг шижоатлари бўлмаса, шаҳардаги тартиб-қоидалар бузилиб кетарди.

4-Уруш. Албатта, аскарлар қонли жанг майдонларига шўнғиб кетадилар. Зиммаларидаги вожиб нидога талбия алтган ҳолларида ўзларин ўлимга дучор қиладилар.

Урушда шижоат билан машҳур бўлган саҳобалардан саййидимиз Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудир. Ривоят қилинадики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Алини Хайбар кўрғонларидан бирини фатҳ қилиш учун жўнатганларида, кўрғон аҳли унга қарши чиқишди. Али розияллоҳу анҳу уларга қарши уруш қилдилар. Яҳудийлардан бир киши уни уриб, унинг қўлидан қалқонини тушириб юборди. Сўнг Али розияллоҳу анҳу кўрғондаги бир эшикни олиб, уни қалқон қилди ва унинг ёрдамида душманини мағлуб қилди. Кўрғонга киргач, қўлидаги эшикни ташлади. Саҳобалардан бир жамоа ўша эшикни ағдармоқчи бўлганларида, унга қодир бўлмадилар.

8-Ошкоралик

Саййидимиз Иброҳим алайҳиссалом йигитлик ёшига етганларида, ўз қавмини қўлдан ясалган бут-санамларга ибодат қилаётганларини кўрди. У зот отаси ва қавмидан: “Нега фойда ҳам зарар ҳам бермайдиган бут-санамларга ибодат қиласизлар”, деб сўраганларида, улар маъқул келадиган жавоб беролмадилар. Иброҳим алайҳиссалом уларга қараб: “Албатта бут-санамларга ибодат қилиш куфр ва залолатдир. Ибодатга ҳақли бўлган Зот, у – Ёлғиз Аллоҳ таолодир”, дедилар. Уларга аччиғи келиб, бут-санамларни синдириб ташлади. Бунинг оқибатида қавмининг у зотга ғазаб қилиши ва оловга ташлашларига парво ҳам қилмадилар.

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламни инсонларга башоратчи ва огоҳлантирувчи, Ўзининг элчиси қилиб юборганда, улардан маломат қилувчиларнинг маломатидан кўрқмасдан ўз қавмини бут-санамларга ибодат қилишни тарк қилишга чақирди. Улар жоҳилиятда ибодат қилинадиган маъбудалари эди. У зот ҳақни ошкора айтишда ва уларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чақиритишда бардавом бўлдилар. Улар у зотга душманлик қилиш, азият бериш, тентакларни у зотга қарши гиж-гижлаш ва асҳобларига азоб беришда жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилдилар. Ана ўша азоблар ҳақ йўлда собитлиги ва азиятларга сабрлилигини янада зиёда қилди. Ҳатто Аллоҳ таоло уларни исломга ҳидоят қилди ва улар ибодат қилаётган санамлар ботил бўлди.

Албатта, Иброҳим алайҳиссалом отаси ва қавми учун айтган гапи, ўзи ҳақ деб эътиқод қилаётган нарсаларни ҳимоя қилиши, ўзига етадиган азиятларга эътибор бермаслиги, саййидимиз Муҳаммад алайҳиссалом бутларга ибодат қилишни айблашлари, унинг фойда ҳам зарар ҳам бермаслиги, уларга ибодат қилиш куфр ва залолат эканлиги, қавмининг ғазаби, нафрати ва ўзларининг азиятларга дучор бўлишига эътибор бермаслиги ошкоралик ва шижоатлилиқ мисолларидандир.

Ошкоралик – шижоатнинг бир тури бўлиб, у – инсон ўзи ҳақ деб эътиқод қилаётган амалларини ошкора айтиши, фикр билдириши, бу борада уни олиб борадиган раҳбарнинг ғазаби, унга маслаҳат бериш ёки дўстни койиш каби ишлардан кўркмасликдир.

Кўп ишларимизда ошкоралик зоҳир бўлади. Агар бир ўқувчи бошқа бир ўқувчини уриш ёки ундан бирон нарсани олиш билан унга тухмат қилганда сен уни ёлғончи эканини билсанг, кейин мадраса ноziри олдида ўз изтиёринг билан гувоҳ бўлсанг, демак, сен пок ўқувчини тухматдан халос қилган шижоатли инсонсан.

2-Агар порахўрлик каби ҳунук одатлар тарқалса, уламо ёки котиблар гоҳида саҳифага ёзиш билан, гоҳида хитоб билан ўша ёмон одатни тарк қилишга қизиқтирадилар. Демак, у ҳақни қўллаб-қувватлайдиган ва уни олий қиладиган солиҳ кишилардир.

3-Ҳокимнинг зулми халқ ичида кенг тарқалса, ўша юрт фарзандларидан ботирлари халққа одиллик қилиши учун унга насиҳат қилади ва умматнинг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилади. Унга етадиган ғазаб ва таъқибдан кўркмайди. Ана шу ошкоралик ва шижоатлилиқ билан сифатланган ҳақнинг ёрдамчиларидан бир кишидир.

1-Саййидимиз Солиҳ алайҳиссалом қиссаси

Араб қабилаларидан бири бўлмиш Самудликлар Ҳижр деган жойда яшар эди. У жой ҳозирда Ҳижоз ва Шом орасида “Солиҳ” шаҳри номи билан машҳур. Дарҳақиқат, улар тошларни ўйишда моҳир бўлганлар. Тоғларда ўзлари учун масканларни қовлаб, улкан қасрлар қурган. Уларнинг ерлари ҳосилдор эди. У ерда оқиб турувчи ва сувғорувчи булоқлар, яшнаб турган боғлар ва кенг далалар бор эди.

Улар бут-санамларга ибодат қилардилар. Аллоҳ таоло уларни ёлғиз Ўзигагина ибодат қилишга чақириш ва Аллоҳнинг неъматларини эслатиш учун

сайидимиз Солиҳ алайҳиссаломни уларга пайғамбар қилиб юборди. У зот уларга қилаётган ишлари, яъни бут-санамларга ибодат қилишлари хато эканига ҳужжат келтирдилар. Уларни Аллоҳнинг динига хидоят қилгани учун улардан ажр ва раисликни талаб қилмаслигини эслатди. Улардан ўзига эргашишларини ва ерда ислоҳ қилмайдиган, фасод ишлар қиладиган раисларнинг амрига итоат қилмасликларини қаттиқ талаб қилдилар. У зотга қавмидаги заиф кишиларгина иймон келтирди. Аммо, кибрланувчилар: “Ота-боболаримиз ибодат қиладиган бут-санамлардан бизни қандай қайтарасан? Биз ўзимиздек кишига қандай эргашамиз?”, деб, Солиҳ алайҳиссаломдан рисолатининг тўғрилигига далил талаб қилдилар. Солиҳ алайҳиссалом уларга бир туяни келтирдилар ва улардан Аллоҳнинг ерида ўтлаши учун унга тегмасликларини ва туя билан сувни навбатма-навбат ичишларини, яъни бир кун туя ва бир кун улар ичишларини талаб қилди. Улар туяга бирор ёмонлик етказмасалар, Аллоҳ таолонинг азобидан саломат қолишларини, ёмонлик қилсалар, уларга Аллоҳнинг ғазаби ва азоби тушушини ҳам эслатди. Сўнг Самуд қавмининг бадбахтларидан тўққиз киши келишиб, туяни ўлдирдилар ва Солиҳ алайҳиссаломни ҳам ўлдирмоқчи бўлдилар. Лекин, Аллоҳ таоло уларга ва қавмларига азобни тезда юборди. Уларнинг уйларини вайрон қиладиган чакмоқ билан уларни ҳалок қилди. Аммо, Солиҳ алайҳиссалом ва у зотга иймон келтирганлар ўша азоблардан нажот топдилар.

Бу қиссадаги насиҳат ва одоблар:

1. Мутакаббир раислар ерда ислоҳ қилишга халақит берувчилар экани;
2. Ҳаққа чақирувчи кишига ҳақорат назари билан қарамаслик, агарчи у кичкина бўлса ҳам.

Сайидимиз Исо алайҳиссалом қиссаси

Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг бандаси ва расулидир, Имрон қизи Марям ўғлидир. У зотнинг лақаблари “Масих”, яъни “Муборак”, деганидир. Аллоҳ

таоло Ўз қудрати билан Одам алайҳиссаломни ота-онасиз яратганидек, у зотни ҳам отасиз яратди. Онаси унинг туғулиши яқинлигини сезганда, инсонлардан узоқ жойга бориб, уни дунёга келтирди.

Марям ўз ўғли билан қавмига қайтиб келганда қавми: “Эй Марям, сен катта гуноҳ қилдинг, ота-онанг солиҳлардан эди”, дедилар. У зот Исо алайҳиссаломга гапиришларини ишора қилди. Улар бешиктаги гўдак болага қандай қилиб гапирамиз дедилар. Аллоҳ таоло Исони гапиртирди. У бешикда ётиб: “Мен Аллоҳнинг бандасиман, мени рисолат учун ихтиёр қилиб, муборак қилди ва менга намоз, закот ва онамга яхшилик қилишни васият қилди”, деди.

Исо алайҳиссалом балоғотга етганда ёзишни ўрганди ва донишмандлар билан бирга ўтирди. Аллоҳ таоло у зотни Бани Исроилга расул қилишни ихтиёр қилди. Чунки улар тўғри йўлдан қаттиқ адашган эдилар. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган Тавротни тасдиқловчи қилиб, Исо алайҳиссаломга Инжилни нозил қилди. Исо алайҳиссалом инсонларга ваъз-насихат қилди ва уларни динга – ҳақ йўлга чақира бошлади. Уларга ўзидан бошқа бирор киши қодир бўлмайдиган мўжизалар билан Аллоҳ уни қўллаб – қувватлаганлигини эслатди. Масалан:

У лойдан бир бўлагини келтириб, уни қуш кўринишида ясайди, кейин унга пуфлайди. У Аллоҳ таолонинг изни билан қушга айланади.

Махов ва пес касалликларини даволашга қодирлиги, Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтириши ва уларнинг ейдиган, уйларида сақлаб қўйган молларининг хабарини беришга қодирлиги.

Инсонлар Исо алайҳиссалом борасида икки фиркага бўлиндилар: бир фирка унинг рисолатига иймон келтирдилар, яна бир фирка эса унга куфр келтириб, албатта, у сеҳр қилувчидир, дедилар.

Исо алайҳиссалом ёлғонга чиқарувчиларнинг уни ёлғонга чиқаришини сезганда, ўзига иймон келтирган кишиларга: “Ким менга Аллоҳнинг динида ёрдамчи бўлади?”- дедилар. Ўн икки киши – Ҳаворийлар “Биз сенинг даъватингда сени қўллаб-қувватловчи ва сенга ёрдам берувчилармиз”, дедилар.

Саййидимиз Исо алайҳиссалом инсонларни Аллоҳнинг динига чақиришда бардавом бўлдилар. Исо алайҳиссаломнинг кофирларга таълим бериши уларни ғазаблантирди. Натижада, улар у зотни ўлдиришни ирода қилдилар. Лекин, Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломни улардан сақлади. Улар унга ўхшаш кишини ўлдирдилар. Аллоҳ Исо алайҳиссаломни кофирларнинг ёмонлигидан қутқариб, у зотни ўз ҳузурига кўтарди. Унинг асҳоблари, шогирдлари ва уларга эргашган кишиларни кофирлардан устин қилди.

Бу қиссадаги насиҳат ва одоблар

1. Инсон ишларнинг зоҳири билан алданмаслиги лозим бўлади. Аксинча, ёмон гумони билан, ишонч ҳосил қилишдан олдин шошқалоқлик қилади.
2. Аллоҳ таоло Ўзининг расуллари ва бандаларидан солиҳларини душманларининг ҳийласидан қутқаради.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратлари

1. Муҳожир ва ансорлар

Муҳожирлар – Маккада Набий алайҳиссаломнинг рисолатларини тасдиқлаган ва қурайшлик кофирларнинг кўплаб азиятларига сабр қилганлар. Расулуллоҳ алайҳиссалом уларни Мадинага ҳижрат қилишларига буюрганларида, у зотнинг суҳбатида бўлишни ватанларидан, аҳли-оиласидан ва молларидан ортиқ кўриб, Мадинага ҳижрат қилганлар ва Аллоҳга имон келтиришда биринчилардан бўлганлар.

Ансорлар – Мадина шахрига муҳожирлар кириб келганда, уларни хушмуомала ва хурсандчилик билан кутиб олганлар. Уларга ўз уйларида жой бердилар ва уларни ўзларидан устун деб билганлар. Аллоҳнинг дини нусрати учун ва Унинг калимасини олий қилиш учун уларга ёрдам берган Мадина аҳлидир.

Уларнинг энг биринчи иши – мавсумларда Макка шаҳрига тижорат ва ҳаж учун ташриф буюрадиган қабилаларга Муҳаммад алайҳиссалом ўзларини таништирди. Шунда у зот Мадина аҳлидан олти кишига учрашиб, уларга Қуръони карим оятларини ўргатганда, у зотга иймон келтириб, пайғамбар эканликларини тасдиқладилар. Улар Аллоҳ таолонинг оятларини ўз қавмларига зикр қилиб уларни ислом динига даъват этдилар.

Иккинчи йили эса, Маккага улардан ўн икки киши келди. Улар Набий алайҳиссаломга байъат қилдилар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Қурон карим ва дин ҳукмларини ўргатадиган саҳобаларни қўшиб юборди.

Ундан кейинги йили эса Маккага мусулмон бўлган кишилардан етмиш уч эркак ва икки аёл киши келдилар. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилиб, у зотга ёрдам беришлари учун улар билан Мадинага кетишни таклиф қилдилар. Натижада Набий алайҳиссалом ўз асҳобларини ҳижрат қилишга буюрди. Сўнг ўзлари ҳам Абу Бакр билан бирга Мадина шаҳрига ҳижрат қилдилар.

Муҳожир ва ансорлар билан ислом юксалди, ширк мағлуб бўлди ва ислом дини тарқалди. Сўнг улардан ислом асосларини ўрнатган ва кўплаб шаҳарларда ислом байроқларини ёйган қўшин қўмондонлари, умматнинг раҳбарлари ва дин пешволари етишиб чиқдилар.

Аллоҳ таоло йўлида Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг жидду-жаҳдлари

Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳижрат қилганларидан кейин, кофир кимсалар ўзларининг мақсадлари – у зотни ўлдиришга эриша олмагач, саҳобаларидан ҳижратга қодир бўлмаганларини азоблашга, исломни қабул қилмоқчи бўлганларни диндан тўсишга ва мусулмонларни Аллоҳнинг байтини тавоф қилишдан тўсишга ҳаракат қилдилар. Аксар муҳожирлар Маккадаги молларини олмоқчи бўлганларида, уларни молларини олишдан ҳам ман қилиб қўйдилар.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уларнинг бундай қаршиликларини ман қилиш учун уларга қарши урушишга изн берди. Аллоҳ таоло Ўз динига нусрат берди ва мусулмонларни ғолиб қилди.

Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ғалаба қозонганликларининг муҳим сабаблари:

У зотнинг гўзал тадбирлари: Дарҳақиқат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинни чиройли бошқарар ва муносиб ўринни ихтиёр қилар ҳамда урушга ўзлари ҳам ташриф буюрар эдилар.

У зотга эргашганларнинг ростгўйлиги: У зотнинг саҳобалари ўзларининг эътиқодларини ҳимоя қилар ва Аллоҳ таоло душманларига қарши ёрдам берарди ва ким Аллоҳнинг йўлида ўлдирилса, Аллоҳнинг жаннати ва розилигини қозонади, деб эътиқод қилардилар.

Саҳобалар қалбларининг бирдамлиги: Албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари кофирлар устидан битта кўл эдилар гўё. Улар орасида бирор қарама-қаршилик кўринмас эди. Аллоҳ таоло Ўз китобида уларни шундай сифатлайди: “Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир. У билан бирга бўлган (мўмин) лар кофирларга қаҳрли ва ўз ораларида (мўминларга нисбатан) эса раҳм-шафқатлидирлар”. (Фатҳ сураси, 29-оят).

Бу уларни бирлаштирувчи ва сўзларини бирлаштирувчи ва қалбларини улфат қилувчи ва уларнинг нафсларидаги ғазаб, ҳасад ва кибрни ўлдирувчи улуғ кўмондон фазли биландир. Аллоҳнинг неъмاتي билан улар ўзаро бир-бирига кўмак берадиган биродарга айландилар.

Хунайн кунида Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг шижоат ва саботлари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам инсонлар ичида энг шижоатлиси, душманга йўликқан пайтларида қалби собитроғи эди. У зотнинг нодир шижоатларидандир: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хунайн кунидаги саботлари - Бу Макка фатҳидан кейин араб қабилалари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга уруш қилишга иттифоқ қилишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни билгач, уларга қарши йўлга чиқиб, Макка

яқинидаги водий – хунайда уларга йўлиқди. Сўнг улар душманга яқин келгач, у зот кўшинни тартиблаб, сафларини тўғирлади.

Ўша пайтда мусулмонлар адади ўн икки минг киши эди. Уларнинг кўплиги ўзларини ажаблантириб кўйди, ҳатто баъзилари: “Биз бу оз душманга ҳеч қачон мағлуб бўлмаймиз”, деди. Мусулмонлар душманларига қарши уруш қилди ва уларни енгдилар. Сўнг ўлжаларни жамлаш билан машғул бўлдилар. Шунда душман улар устига қайтиб келиб, уларни ўққа тутди. Натижада душман уларни енгди ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларининг ози билан собит турдилар.

У зотни ҳимоя қилишда саҳобаларнинг қаҳрамонликлари

Ўша пайтда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам амакиси Аббосга асҳобларини чақиришни буюрди. Улар чақирилган тарафга тезда шошилди ва муҳожир ва ансорлардан бир жамоа Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофида жамланди. Мусулмонлар уларнинг сафларига қайтди ва душман билан яна урушди ва улардан кўпини ўлдирдилар. Ёш болалар ва аёллардан кўпини асир олдилар ва кўп молларга эга бўлиб, уларнинг ғалабаси мукамал бўлди. Бунинг сабаби Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг собитлиги ва шижоатлари фазлидан ва у зотнинг чақириқларига саҳобаларнинг шошилишлари ва у зотни ҳимоя қилишдаги саҳобаларнинг қаҳрамонликларидир.

Дарҳақиқат, бу ғазотни Аллоҳ таоло Қуръони каримда зикр қилди. Мусулмонлар ўзларининг кўплиги билан ажабланишларини ҳам баён қилди. Сўнг, иш уларга қаттиқ шиддатлашди, ҳатто ер кенг бўла туриб, уларга торлик қилди. Кейин уларнинг кўпи қочди ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан оз киши собит қолди. Ҳатто Аллоҳ таоло мусулмонларни очиқ ғалаба билан қўллаб-қувватлади ва шундай деди: “Аллоҳ сизларни кўп жойларда ва хусусан, хунайн кунда ғолиб этди. Ўшанда сизлар сон жихатдан кўплигингиз

билан мағрурланган эдингиз, аммо бу сизлардан бирор нарсани даф қила олмади ва ер кенг бўлса ҳам, сизларга танглик қилиб қолди. Сўнгра орқага чекиндигиз. Аллоҳ таоло Ўз Расули ва мўминларга сакинатини нозил этди ҳамда сизлар кўрмаган аскарларни ҳам нозил қилди ва кофирларни азоблади. Мана шу кофирларнинг жазосидир”.

Саҳобаларнинг ростгўйликлари ва Уҳуд кунида ўзларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга фидо қилишлари

Бадр кечасида мушриклар мағлуб бўлгач, ўзларидан қатл қилинганларининг хунини олиш учун ҳижратнинг учунчи йили уч минг киши бўлиб йўлга чиқдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам минг киши билан уларга қарши чиқди. Икки қўшин Мадинанинг шимолий шарқидаги Уҳуд тоғи ёнида учрашди. Набий алайҳиссалом камончиларга тоғ устини қалъа қилиб олишларини ва ўринларини тарк қилмасликларини буюрди. Икки қўшин орасида уруш бошланди. Мушриклар мағлуб бўлдилар ва мусулмонлар ўлжаларни йиғиш билан машғул бўлиб қолди. Камончилар уруш тугади, деб ўйлаб, ўринларини тарк қилдилар. Сўнг мушриклар ўша тарафдан келиб, мусулмонларга ҳужум қилдилар. Ҳатто, улардан кўпчилиги вафот этди ва мушрикларнинг баъзиси: “Муҳаммад ўлдирилди” деган гап тарқатди. Буни эшитган мусулмонлар сафлари ўртасида тарқоқлик пайдо бўлди. Лекин, Набий алайҳиссалом ўринларида собит қолдилар. У зот бир чуқурликка тушиб кетиб, унинг икки тиззаси жароҳатланди ва хушидан кетди. Баъзи мушриклар у зотга тош отидилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошлари ёрилди, баъзи тишлари синди, аммо саҳобалар Набий алайҳиссаломнинг олдиларида туриб ҳимоя қилиш учун ўз жонларини ҳам фидо қилдилар. Ҳатто уларга кўп жароҳат ва мусибатлар етди. Улардан бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўқ тегишидан кўрқиб, ўзини ўққа тутган Толҳа ибн Убайдуллоҳнинг танасига етмишдан ортиқ жароҳатлар етди.

Макка фатҳи

Ҳижрий 8-йилда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳи учун сафарга сиқдилар. Чунки курайшликлар мусулмонлар билан ўзаро тузган сулҳ аҳдини бузган эди. Набий алайҳиссалом билан ўн минг киши бор эди. У зот Маккага яқинлашганда унинг тўрт тарафидан кириш учун қўшинни тўртта қисмга ажратди ва уларнинг барчасига урушишга мажбур қилинмаса, урушмасликларини тайинлади. Улардан учта қисм ҳеч қандай қаршиликсиз кириб келди, лекин Холид ибн Валид бошчилигидаги тўртинчи қисм киришдан ман қилинди. Натижада, йўлда қарши чиққан кишиларга урушиб, Маккага ғалаба билан кириб келди. Аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, у зотни Маккага киришдан ҳеч ким ман қилмагани учун, урушсиз кириб келдилар. Шу пайтда Каъба атрофида 360 та бут-санамлар бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу сўзларни айтиб: “Ҳақ келди ва ботил йўқолди, албатта ботил йўқолувчидир” деб, қўлидаги ёғоч билан бут-санамларни синдирди.

У зот алайҳиссаломнинг мушрикларни кечирешлари

Пайғамбар алайҳиссалом ўтирдилар ва атрофларида инсонлар: “У зотни ўз аҳли ва ватанларидан чиқариб юборган курайш мушрикларига нима қилар экан?”, деб қараб турар эди. Шунда У зот хутба ўқидилар ва хутбалари охирида: “Эй, курайш жамоси мени сизларга нима қилади деб ўйлайсизлар?”, деди. Улар: “Яхшилик! Сен карим биродарсан ва карим биродар ўғлисан”, дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга: “Бораверинглар, сизлар озодсизлар” дедилар. Бундан таъсирланган инсонлар у зотга байъат қилишга юзландилар ва Аллоҳнинг динига гуруҳ- гуруҳ бўлиб кирдилар.

Дин асослари мустаҳкамлангандан сўнг у зотнинг вафот этишлари

Мусулмонлар Маккага кирдилар ва унинг аҳли таслим бўлганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўшин кўмондонларини араб қабилаларида кенг тарқалган бут-санамларни синдиришга юбордилар. Бошқа қабилаларни исломга даъват қилиш учун ўз элчиларини ҳам юборди. Сўнг исломга кирган қабилалар Набий алайҳиссаломга байъат беришлари учун ўзлари томонидан делегацияларни юборар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Қурон ва дин аҳкомларини ўргатадиган кишиларни бирга юборарди. Шу сабабли ислом Араб саҳросининг барча ерларида кенг тарқалди ва араблар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўл остида бирлашди.

Ҳижрий 10-йилда Пайғамбар алайҳиссалом видолашув ҳажини қилди. Аллоҳ у зотга Қуръони каримдан энг охирги оятини нозил қилди: **“Ана, энди бугун, динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломни дин бўлишига рози бўлдим”**.

Бу оят Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рисолати ниҳоясига етишига бир аломат эди. Ҳижратнинг 11-йили сафар ойининг охирларида у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн уч кун безгак касалига чалиниб, рабийъул аввал ойининг 12-куни, 63 ёшларида вафот этдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шамойиллари

Набий алайҳиссалом ахлоқларининг мукаррамлиги ва одобларининг гўзаллиги билан сифатланган зот эди. Аллоҳ таоло у зотга гўзал одоб берди ва ўзининг азиз китобида у зотга сано айтиб: **“Албатта, сиз улуг хулқ узрадурсиз”**, деб марҳамат қилди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнидаги асҳобаларига жуда мулойим ва хушфеъл эканлиги борасида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **“Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар”**.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор-бир кишини мазаммат қилмас ва сўкмас эдилар. Ёмонликни яхшилик билан қарши оларди, узулган алоқаларни боғловчи, маҳрум қилганларга берар ва у зотга зулм қилганларни кечирар эди. У зот уй-ишларини ҳам қиларди, яъни кийимларини, оёқ кийимларини тикарди, ходими билан бирга таом ер эди ва бозордан сотиб олинган нарсаларни уйларигача кўтариб келар эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ростгўй, ишончли, гўзал хулқли, ҳалим, авф қилишни яхши кўрувчи, саҳобалари билан маслаҳат қилувчи ва уларнинг фикрларини олувчи эдилар.

1- Қуйидагилар у зотнинг омонатдорлигидан: Инсонлар у зотга ишонганликлари учун ҳам омонатларини топширарди. Саййидамиз Хадича розияллоҳу аънҳо онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг омонатдор сифати билан машҳурлигини билгач, у зотни ўз тижоратида Шомга сафар қилишини ихтиёр қилди. Бас, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам омонатгўйлиги ва гўзал тадбири сабабли улуғ муваффақиятларни қозонар эди.

2- У зотнинг авф қилишлари: Албатта, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳи учун тайёргарлик кўрди, унинг ишини қурайшликлар билишларидан олдин уларга тўсатдан ҳужум қилмоқчи бўлди. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан (бадир ғазотида Набий алайҳиссалом билан бирга ғазот қилганлардан бири) бўлган бир киши қурайшга у зотнинг мақсадларини билдириб, мактуб ёзди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан хабар топдилар ва Али ибн Абу Толиб ва Зубайр ибн Аввомни уни ушлаб келишга юборди. Улар иккиси ҳалиги кишини ушлади ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига ҳозир қилдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қараб: “Сени бунга нима мажбур қилди?”, деб сўради. Шунда у: “Аллоҳга қасамки мен мўминман, динимни ўзгартирмадим ва алмаштирмадим. Қурайш орасида менинг аҳли-аёлим ва болаларим бор бўлса ҳам, мен уларга дўстлик қилганим йўқ. Болаларим учунгина хабар бердим”, деди. Шунда Умар розияллоҳу аънҳо: “Буйруқ беринг, бу мунофиқнинг бошини

олай”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Эй Умар, буни сенга нима билдирди, балки Аллоҳ шундай бадр аҳлининг (қилган ишларидан) хабардордир”, деди. Шунда ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу “Хоҳлаган ишиларингизни қилаверинглар, мен сизларни кечирдим”, деди.

3- У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг адолатидан: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлим касали билан касалланиб ётган пайтида Фозил ибн Аббос ва Али ибн Абу Толиб ўртасида иккаласига суяниб чиқиб, минбарга ўтирдилар ва Аллоҳга ҳамд айтдилар. Сўнг: “Эй инсонлар, кимнинг мендан оладиган ҳаққи бўлса олсин, мана менинг ҳаққим олсин ва кимни шарафи учун сўккан бўлсам, мана менинг шарафим, сўксин, ва кимдан бирон молни олган бўлсам, мана мени молим, олсин, мен тарафдан бўладиган нафратдан кўрқмасин, балки менинг шаънимда у йўқдир” дедилар. Сўнг пешин намозини ўқиганларидан кейин минбарга қайтиб олдинги сўзларини такрорладилар. Шунда бир киши у зотда уч тангаси борлигини айтди ва тангасини у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга берди. Сўнг албатта дунёнинг шармандалиги охираш шармандалигидан енгилроқдир дедилар.

4- У зот асҳобларидан маслаҳат сўрашлари ва уларнинг фикрларини олишлари: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бадр кечасидан кейин мусулмонлар билан Мадинадан чиқдилар. Бадрга етгач суви йўқ бир манзилда тўхтадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдида саҳобалардан бири келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули сизни бу ерга тушушингизни Аллоҳ буюрдими ёки бу ўзингизнинг иродангизми?, деб сўради. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бу ўз ихтёрим”, дедилар. У “Эй Аллоҳнинг Расули тўғрироғи биз сув бор ерга кўчишимиз керак, шунда чанқашдан кўрқмасдик, мушриклар келса сувни тополмайди ва уларга қарши бизларнинг фойдамизга ёрдам бўлади”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сен тўғри айтдинг”, деб кўчишга буюрдилар ва сув бор жойга кўчдилар.

5- У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шижоатлари ва саботлари: Ҳунайн куни арабларнинг баъзиси уруш қилиш учун чиққанларида икки жамоа

учрашиб қолдилар ва мусулмонлар қочди. Уларнинг бирортаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан шижоатлироқ ва саботлироқ бўлмади. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам хачирини кофирлар устига чоптириб кетди. Хачир юганини амакилари Аббос розияллоҳу анҳу олдимлаб кетмаслиги учун ушлаб кетаётган эди. Сабаби ортга чекинган мусулмонлар Маккага етиб қолган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўн нафар киши қолган эди. У зот Аббос розияллоҳу анҳуга ансорларни чақиришни буюрди. Нидога “лаббай” деган мусулмонлар қайтиб, кофирларга қаттиқ уруш қилдилар ва улар устидан ғалаба қилдилар. Уларни ўлдириш ва асир олиш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шижоатлари ва саботлари сабабли уларнинг ортларидан таъқиб қилдилар.

Сайидимиз Абу Бакир Сиддиқ розияллоҳу анҳу

1. Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Абу Қуҳафа қурайшлик, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дўстлари ва исломда халифаларнинг аввали эди. У киши Набий алайҳиссалом туғилганларидан икки йил-у бир неча ой ўтиб туғилганлар. У киши ёшлигидан тижорат билан шуғулланган ва ундан кўп фойда кўрадиган бўлганлар. Абу Бакир Сиддиқ розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан пайғамбар бўлишидан олдин ҳам дўст бўлган. У зот пайғамбар бўлгач, иймон келтирганларнинг аввалгиси у зот бўлганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Раббисидан келган ҳар бир нарсада уни тасдиқлагани учун у “Сиддиқ” деб номланган.

2. Абу Бакир Сиддиқ розияллоҳу анҳу Набий алайҳиссаломга даъват қилишда кўп молларини инфоқ қилганлар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Мадинага ҳижрат қилганлар ва у зот билан кўплаб ғазотларда бирга қатнашган. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ўзи ва моли билан қўллаб қувватлашда бардавом бўлган, ҳатто Набий алайҳиссалом вафот этгач,

мусулмонлар у зотдан кейин Абу Бакир Сиддиқ розияллоху анхуни Халифа этиб сайладилар.

3. Баъзи араблар исломда муртад бўлиб, закотни беришдан бош тортганларида саййидимиз Абу Бакр Сиддиқ уларга қарши курашиб, арабларнинг сўзларини ислом устида жамлашна қодир бўлди. Сўнг мусулмонларни Арабистон жазийрасидан ташқаридаги шаҳарларни фатҳ қилишга йўналтирдилар. У зотнинг ҳаётлигида Шом шаҳри ва Форс шаҳарларининг баъзилари фатҳ қилинди.

Саййидимиз Абу Бакир Сиддиқ розияллоху анхунинг вафотлари ҳижратнинг 13-йилида бўлган ва унинг ҳалифалик муддатлари икки йил-у уч ой.

Абу Бакр Сиддиқ ахлоқларидан бир шингил

У зот халифа бўлганларида бир куни қўлларига тижорат қиладиган молларини олиб бозорга кетди. Йўлда Умар ва Абу Убайда йўлиқиб, унга: “Эй Расулуллоҳнинг халифаси қаерга?”, деди. У зот: “Бозорга”, деди. Улар: “Сиз мўминларнинг амири бўлсангиз, бозорда нима қиласиз?”, деди. У зот: “Аҳли аёлимни қаердан таомлантираман?” деди. Улар: “Юр, сенга бирор нарса белгилаб қўяйлик”, деди. Улар билан бирга бордилар ва у зотга ҳар куни байтул молдан маош белгиладилар.

Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан кейин араб қабилаларининг баъзиси муртад бўлиб, закотни беришдан бош тортганларида, Абу Бакр уларга қарши курашмоқчи бўлдилар. Баъзи мусулмонлар фитналар чиқиши ва ички уруш чиқишидан кўрқиб, уларни ўз ҳолига қўйишни маслаҳат бердилар. У зот бундан бош тортди: “Ким Расулуллоҳга берадиган садақани беришдан бош тортса, мен унга албатта уруш қиламан”, деди. Сўнг аскарларни уларга уруш қилишга тайёрлади, уларга ўз молидан инфоқ қилди ва муртадларни мусулмонлар жамоасига қайтарди.

У зотнинг ҳузурларига Ҳимяр подшоҳларидан бири ташриф буюрди. Унинг устида олтин билан безалган ипак ва тож, ёнидаги қариндошларидан бошқа минг қули ҳам бор эди. У Абу Бакрга, у зотдаги зухд, камтарлик, виқор ва ҳайбатни кўрганда устидаги ҳамма нарсани ташлаб, ўзини Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг дўсти деб кўрсатди.

Усома ибн Зайднинг қўшилари Румликларга қарши курашиш учун йўлга чиққанларида, Абу Бакр розияллоҳу анҳу у зотга эргашиб пиёда юрди, Усома эса отга минган ҳолда эди. Усома У зотга қараб: “Ё сен минасан, ё мен тушаман”, деди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу у зотга: “Аллоҳга қасамки, сен тушмайсан, мен минмайман, оёқларимни Аллоҳ йўлида бироз чанг қилишга овора бўлмайман” дедилар.

Насихат ва одоблар

Ушбу ҳикоялардан Саййидимиз Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг сифатларидан қуйидагиларни биласиз:

1- Мусулмонларнинг молларидан ўзини сақлашини ва ризқ касб қилишда ўзига суянишини;

2- Камтарликларини, у зотнинг халифалик мансаблари пешрна тери билан ҳалол меҳнат билан кун кечириб яшашдан ман қилганлари йўқ.

3- Муртадларга қарши урушиш билан фитналарга барҳам беришда тўғри фикр юритганлиги ва қатиъятлигини;

4- Аллоҳ таоло дини йўлида у зотга Аллоҳнинг Ўзи нусрат беришига ва қўллаб-қувватлашига қаттиқ эътиқод қилишларини;

5- Аллоҳнинг динига ёрдам бериш йўлида молларини сарфлашларини;

6- Дунёда парҳезкорлиги, ўзида мол дунё бўла туриб подшоҳлардек ғурурланиш ва ўзини улуғ санашдан узоқлигини;

7- Аллоҳ йўлидаги кўшин кўмондонлари ва ғозийларни ҳурмат қилишларини;

Умар ибн Хаттоб

У киши муминлар амири Абу Ҳафс Умар ибн Хаттоб Қурайший хулофай рошидинларнинг иккинчиси. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг туғилганларидан ўн уч йилдан кейин дунёга келганлар. Жоҳилиятда қурайшнинг киборларидан бўлиб, уларнинг шижоатлиси ва етакчиларидан эдилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам даъватни бошлаган пайтларида ҳазрати Умар розияллоху анху у зотнинг энг ашаддий душманларидан бўлган. Сўнг Аллоҳ таоло уни исломга ҳидоят қилиб, у зот ҳам мусулмон бўлди. Аллоҳ у билан динни азиз қилди. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху муҳожирлар билан Мадинага ҳижрат қилди ва ғазотларнинг барчасида иштирок этганлар.

Абу Бакр розияллоху анху касал бўлганларида Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуга ўзларидан кейин халифа бўлишларини буюрди. У киши мусулмонлар ичида Набий алайҳиссалом ва Абу Бакр розияллоху анхунинг сийратларида юрди. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху арабларни бирлаштирди ва Абу Бакр бошлаган фатҳларни ниҳоясига етказди. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ўз даврларида Шом ва Форс шаҳарларини фатҳ қилишни охирига етказди. Сўнгра қўшинни Мисрга юборди ва натижада у ер ҳам фатҳ қилинди.

Сайидимиз Умар ибн Хаттоб розиллоху анху ўз қўл остидагиларга адолатли бўлганликлари ва ҳақни ушлашда шиддатли эканликлари ва мусулмонлар ичида ёлғиз у киши ҳайбатлироқ кўринишлари билан ва дунёда тақводорлиги ҳамда фақирлар ва заифларга раҳмдиллиги билан ажралиб турардилар. У зот Пайғамбар алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган вақтларидан ислом тарихини бошланадиган қилди.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуни хижратнинг 23-йилида Абу Луълуъа исмли мажусий, форслик бир қул ҳийла ишлатиб ўлдирди. У кишининг халифалик муддатлари 10 йил ва 6 ой бўлган.

У зотнинг ахлоқдаридан бир шингил

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоху анху айтдилар: «Бир куни кечкурун Умар ин Хаттоб розияллоху анху мени чақириб айтдики: “Мадина эшиги олдига бир карвон келиб тўхтади, улар ухлаб қолганларида матоҳларидан бирор нарса ўғирланишидан кўрқаман”». Кейин мен у зот билан бирга бордим. У ерга етиб борганимизда менга: «Сен ухлайвер», деди. Сўнг ўзлари кечаси билан карвонни кўриқлаб чиқди.

У зотнинг олдига Форс киборларидан қатл этилишга маҳкум қилинган бир асир ҳозир бўлди ва: «Эй мўминлар амири, мен сув ичмоқчиман, мени чанқоқ ҳолда ўлдирма», деди. Шунда бир қадахда сув олиб келишга буюрди. У қадахни кўлига олиб: «Эй мўминлар амири, мен манна шу қадахдаги сувни ичгунимча омондаманми?», деди. Умар розияллоху анху унга: «Сувни ичиб бўлгунингча омондасан деди». Шунда ҳалиги асир киши қадахдаги сувни ерга оқизиб, идишни отиб юборди ва: «Эй мўминлар амири ваъда вафо қилинг», деди. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху: «Уни тарк этинглар, ўлдирманглар» деди. Шунда ҳалиги асир киши мусулмон бўлди.

Ажам подшоҳларининг баъзиси Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг аҳволини, қилаётган ишларини ва қандайлигини билиб келиш учун бир элчи жўнатди. У элчи Мадина шахрига кириб келганда, унинг аҳлидан: «Подшоҳингиз қаерда», деб сўради. Улар: «Бизнинг подшоҳимиз йўқ, балки амиримиз бор, у шаҳар ташқарисига чиқиб кетган» дедилар. Ҳалиги киши Умар розияллоху анхуни излаб чиқиб кетди. Умар розияллоху анхуни бир дарахт тагидаги ерда ухлаб ётганини кўрди. Қараса, у зот тўнларини ёстиқ қилиб қўйган, пешонасидан тер оқиб ётарди. Умар розияллоху анхуни бу ҳолатда

кўриб, унга хушу билан назар ташлаб: «...лекин сен эй Умар, адолат қилдинг, омонда бўлдинг ва ухляяпсан», деди.

Умар розияллоху анхуга Яман шаҳридан тўнлар келтирилди. Ҳар бир мусулмонга бир тўндан эди. Умар розияллоху анхунинг насибаси бошқаларники каби эди. Сўнг у зот розияллоху анху бичтириб ўзларига кийим қилиб кийди ва минбарга чиқиб, уларни жиҳодга чақирди. Мусулмонлардан бири ўрнидан туриб: «Сени эшитиш ва сенга итоат этиш йўқ», деди. Умар розияллоху анху: «Нима учун?» деди. Шунда у: «Чунки сен бир тўндан кўпроғини олиб, ўзингни бизлардан ортиқ кўрддинг, бир кишига бир тўн кифоя қилмайди. Биз кўриб турибмизки, сен ўзинга етадиган қилиб бир тўн кийгансан», деди. Умар розияллоху анху ўғиллари Абдуллоҳга қараб: «Унга жавоб бер», деди. Абдуллоҳ ибн Умар ўринларидан туриб: «Мўминлар амири тўнларн тақсимлаганда ўзига кифоя қилмагач, мен ўзимнинг тўнимдан унга етадиган қилиб бердим», деди. Шунга ҳалиги киши: «Сизга қулоқ соламан ва итоат қиламан», деди.

Насихат ва одоблар

Ушбу ҳикоялардан Саййидимиз Умар розияллоху анхунинг сифатларидан қуйидагиларни биласиз:

1- Камтарин ва Аллоҳдан қаттиқ қўрққанлиги учун халқ манфаатлари йўлида тунларни бедор ўтказиши ва уларнинг аҳволини ўзлари ўрганишини;

2- У зот душманларига ҳам чиройли муомала қилувчи ва аҳдига вафодор бўлганлигини;

3- У зот халқ ичида адолат қилиб, азиятлардан омонда бўлганлиги сабабли ўзига соқчи ва қаровул ҳам олмаганлигини;

4- У зот мусулмонларнинг молларидан ўзларини сақлашлари ва улардан бирор нарса билан ажралиб турмасликларини;

5- У зотнинг ҳалим эканлиги, баъзи мусулмонларнинг гапидаги қўполликларга сабр қилишларини;

وتم الكتاب بتوفيق الله تعالى